

R 496
1990/3



Экиз
ГУЛИСТОН
3
1990

Этдәһәр күндә дәһәр мөһөрләк!



Н. ХАКИМОВ җа А. НУРҖОБИЛОВ. НАВРУЗИ ОЛАМ МУБОРАК!



№ 3 (481)

Март

(Ҳамал)

1990

Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
нашриёти

Бош муҳаррир:

МИРМУҲСИН

Таҳрир хайъати:

Сарвар АЗИМОВ,

Баҳодир АМИНОВ,

Хуршид ДАВРОН,

Наримон ИБРОҲИМОВ,

Ўктам МИРЗАЕР,

Эргаш МУҲАММАД

(масъул котиб),

Шомурод СИДДИҚОВ,

Саидмахмуд УСМОНОВ,

Азиз ҚАЮМОВ,

Оқилжон ҲУСАН

(бош муҳаррир ўринбосари)

Бош мусаавир

Т. Саъдулла

Саҳифаловчи

М. Абдуллаев

Тузатувчи

З. Турсунов

«Гулистон» — ежесечный, общест-
венно-политический, литературно-ху-
дожественный журнал ЦК КП Уз-
бекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош муҳар-
рир — 33—35—20; бош муҳаррир
ўринбосари — 33—35—90; масъул
котиб — 32—58—33; ижтимоий-сиё-
сий бўлим — 33—36—02; адабиёт ва
санъат, фан ва маданият бўлим-
лари — 33—36—59; мусаавирлар бў-
лими — 32—58—77.


Адресимиз: 700000, Тошкент —
II, «Правда» кўчаси, 41.

А. Абалян сурати



Ҳамалнинг амали...

БУ СОНДА:



**Маҳмуджон
НУРМАТОВ:**

Шарқ халқлари Наврўзи оламни
соғиниб, бир дунё иштиёқ билан,
зорикиб кутиб оладилар. Дарвоқе, бизда
баҳорни соғинмайдиган, Наврўзни
қадрламайдиган, уни кераксиз ва
эскирган маросим деб, ҳатто
динийлашган байрам деб ҳисобловчи
шахслар ҳам бўлди.



Усмон АЗИМ:

*О, Нақадар бешафқат ҳаёт!
Кўргиликка
Қисматни кўндир.
Тўнғич боғир!
Энди сен — жаллод!
Жаллод учун яшамоқ жўндир!*



Турсун ҚОРАТОВ:

Мавжуд тагликдан қутулиш,
социализмнинг мавқеини тиклаш учун
инсоният тарихи давомида йиғилган
барча илғор гоёларга суянишимиз,
улардан фойдаланишимиз мақсадга
мувофиқ келади.

Наврўз-байналмилал

Махмуджон НУРМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Наврўз наволанмоқда. Табиат анвойи че-
клаклар кўйида. Жумхурият ахли ял-ял то-
вляни наврўз сайилларига чиқмоқда. «Прав-
да» газетаси 1989 йил 10 апрель сониди
қардош Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида
ўтказилаётган Наврўз байрамида халқ оқи-
лари беллашганликлари ҳақидаги хабарни
чоп этди. 1989 йил 12 апрелда «Совет Узбе-
кистони» газетаси Чирчиқ шаҳри аҳолиси-
нинг сумалак сайлига доир ахборотни босиб
чиқарди. У ерда Наврўз сайиллари 21 март-
дан аввалроқ бошланган бўлиб, турли ша-
ҳарлар, колхозлар, совхозлар, қишлоқлар,
мактаблар ва маҳаллаларда кенг нишонлан-
ганди. Наврўз байрами, 21 мартдан бошлан-
са-да, удумига кўра, бир кун эмас, бир ойл,
яъни 21 апрелгача давом этади. 1989 йилдан
этиборан жумхуриятимизда Наврўз байра-
мининг расман кенг ва эркин нишонланаёт-
ганлиги халқ урф-одатларини сақлаш ва та-
комиллаштириш бобиди халқ продаси ва де-
мократиянинг қутилган самараси, муҳим ға-
лабадир. Бу хусусда Узбекистон Компартия-
си Марказий Комитетининг 1989 йил 24 но-
ябрда бўлиб ўтган XVIII Пленумида УзКП
МКнинг биринчи қотиби И. А. Каримов ом-
ани «асосий равишда унутиб юборилган
халқ анъаналарини ва удумларини тиклаш-
га» қариди. «Дастлабки тажриба шундан
далолат бериб турибдики, — деб таъкиллади
ўрток И. А. Каримов, — аҳолининг кенг та-
бакалари Узбекистон Компартияси Марка-
зий Комитети бу борада кўраётган конкрет
тадбирларни қўллаб-қувватламоқда. Марка-
зий Комитет идеология комиссиясининг
«Наврўз» байрамини ўтказиш тўғрисидаги
тавсиялари зўр қониқш билан қутиб олиди.
Меҳнатқашларнинг истаklarини ҳисоб-
га олиб, биз бошлаган ишни давом эттири-
шимиз ва кенгайтиришимиз, туб аҳоли бил-
ан бир қаторда, шунингдек, бошқа миллат-
ларнинг ҳам илгор анъаналари ва удумла-
рини ривожлантиришга янада кўпроқ эти-
бор беришимиз лозим». («Совет Узбекисто-
ни» газетаси, 1989 йил, 25 ноябрь).

Шуни алоҳида зикр этиш зарурики, бу ға-
лаба Наврўз байрами борасида Иттифоқимиз
миқёсида йигирма йилдан ортироқ давр
ичида олиб борилган ошкора илмий-эстетик
баҳсларнинг ҳам мароқли самарасидир.

Наврўз Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта Осиё ва
Кавказ, Афғонистон ва Эрондаги бир қанча
халқларнинг байрамидир. Бу қадимий бай-
рам уч минг йиллардан бери, яъни зардуш-
тийлик давридан буён Шарқ халқларининг
севимли маросимига айланган. Винобарин,
Наврўзи олам ислом динидан деярли минг
йиллар муқаддам ҳам нишонланар эди.
Улуғ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида, Абу
Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан
қолган ёдгорликлар», Махмуд Қошғарий-
нинг «Девону лугатит-турк» ва Умар Хайём-
нинг «Наврўзнома» асарларида Осиё халқ-
ларининг бу гўзал байрами тўғрисида қим-
матли фикрлар билдирилган.

Шарқ халқлари Наврўзи оламини соғиниб,
бир дунё иштиёқ билан, зорикиб қутиб ола-
дилар. Дарвоқе, бизда баҳорни соғинмайдиган,
Наврўзни қадрламайдиган, уни керак-
сиз ва эскирган маросим деб, ҳатто диний-
лашган байрам, деб ҳисобловчи шахслар ҳам
бўлди. Шундай, сиёсий жиҳатдан тўпос, фал-

сафий нуқтаи назардан саводсиз шахслар-
дан бири мафкура соҳасига раҳбар бўлиб
турган даврда Наврўзи оламининг матери-
алистик характери шубҳа остига олинди. На-
тижада 1986 йилнинг мартига келиб аҳоли
шу даражада кулгили бўлиб қолдики, Со-
ветлар Ўзбекистониди Наврўзи оламини халқ
томонидан ихтиёрий байрам этилиши расман
тақиқлаб қўйилди, аммо Москвадан Итти-
фоқ телевидениесининг «Время» ахборот
кўрсатувида худди ўша вақтда Афғонистон-
да Наврўз байрамини қўшни афғон халқи
катта шодиёна билан нишонлагани бутун
дунёга намойиш этилди.

Наврўз қуёш тақвими (календари) ҳисоби-
да, яъни ҳижрий — шамсий тақвими бўйи-
ча янги йилнинг бошланишидир. Қуёш ёки
шамсий тақвимиининг биринчи фасли баҳор
бўлиб, унинг биринчи ойи ҳамалдир. Ҳа-
мал (қўй) ойининг биринчи кун, яъни янги
йилнинг бошланиши 21 мартдан 22 мартга
ўтар кечасига тўғри келади. Шамсий тақвим-
да ҳам 12 ой (Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон,
Асад, Сумбула, Мезон, Акраб, Қанс, Жадий,
Далъ, Ҳуғ) бор. Маълумки, тўрт йилда бир
март кабиса йили келади, бунда февраль
ойи 29 кун бўлиб, янги йил 22 мартдан
23 мартга ўтар кечаси бошланади. Ана шу
ҳижрий — шамсий тақвим бўйича янги йил
бошланишини энг қадимги даврлардан то
ҳозиргача Шарқ халқлари Наврўз (янги
кун, яъни эски йилнинг туғган кун) бай-
рами сифатида қутиб оладилар.

Кўриниб турибдики, Наврўз байрамини
равшан материалистик мазмун бор. Аввало,
бу байрам табиат байрами, баҳор байрами-
дир. Бу кунда кун билан тунингнинг фурсати
миқдор жиҳатдан тенглашиб, бир хил бўлиб
қолади; Наврўздан бошлаб, кун узая бош-
лайди, тун эса қисқариб боради. Модомки,
шундай экан, Наврўзи оламини бирор диний
таълимот ёки идеализмга боғлаш бориб тур-
ган нодонликдан, айни чоқда ашаддий иде-
ализмдан бошқа нарса эмас! Дарҳақиқат,
Наврўз байрамини бирор динга, жумладан
ислом динига боғлаб изоҳлаш, динга хизмат
қилишдир, табиат байрамини илоҳийлаш-
тиришдир, Шарқ халқларининг оддий та-
биий материализмига диний идеализмни
зўрма-зўраки тиқиштиришдир.

Мана шундай идеалистик қиранш 1986
йил 3—6 апрель кунлари Тошкентда бўлиб
ўтган Вутуниттифоқ анжуманида ҳам содир
бўлган эди. Маълумки, анжуман мамлакатим-
изда инқилобий қайта қуриш даврида мил-
лий муносабатларни янада тақомиллашти-
риш муаммоларига бағишланган эди. Бу ан-
жуманининг якуловчи мажлисида сўзга чиқ-
қан Ўзбекистон вакиласи, соёбқ мафкура-
вий «бошчилигимиз» Вутуниттифоқ ахли ол-
дида, қардош миллатлар вакиллари гувоҳ-
лигида Наврўз байрамга қарши шарман-
дали хуруж қилди! У ислом дини Наврўзи-
ни «ўзлаштиришга» уриниб, унга бирмунча
таъсир этганлигини рўка қилиб, халқимиз-
нинг бу ҳамшиша навқирон байрамини «ди-
ний» урф-одат, деб атади.

Аёндирки, Наврўзга қарши бўлган нуқтаи
назарнинг бу хил тарафдор бирданига уч-
та қўпол хатога йўл қўяди: биринчидан,
табиат ва нафосат байрами бўлмиш Наврў-
зи олам диний маросим, деб эълон қилин-

ди. Иккинчидан, кўпчилик Шарқ халқлари-
нинг байналмилал байрами бўлмиш Нав-
рўз фақат ўзбеклар байрамини, деганга ўх-
шаш дудмак гап расман тарқатилди. Учин-
чидан, шахса сизиниш ва Улуғ Ватан уру-
ши даври сингари пурриёзат йилларда Нав-
рўз кейинги планга ўтиб, кўпроқ оилавий
байрам сифатида нишонланар эди. Бизнинг
нопок вакиласи ана шу фактни суниетёмол
қилиб ва атайин сохташлатириб: «1960 йл-
ларгача бизда Наврўз байрам қилинмас эди,
демак, ҳозир ҳам бу байрамни оммавий мар-
осим сифатида нишонлаш шарт эмас!» демоқ-
чи бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, 1967 йилнинг март ойда
«Наука и религия» номли Вутуниттифоқ
журналининг 3-сониди боқулки мутахассис
С. Ашурова «Бизнинг уйимизда байрам» сар-
лавҳали мақоласини чоп этиб, бунда Нав-
рўзнинг қадимдан оилавий байрам эканли-
гини, кўпчилик Шарқ халқларига азиз бў-
либ қолган бу байрамга баъзи миллатлар,
масалан, озарбойжон ва ўзбек халқлари ўзи-
га хос таъсир этганлигини айтади, зеро, ўз-
беклар бу байрамда сумалак қилсалар, озар-
бойжонлар қуймоқ пиширадлар...

«Ўқитувчи» наشريёти томонидан 1969
йилда нашр этилган каминанинг «Эстетик
тарбиянинг баъзи масалалари» номли рисо-
ласида С. Ашурованинг баъзи қимматли
фикрлари халқимизга ҳавола этилган ва
Наврўз байрами қатъян ёқлаб чиқилган
эди... Муайян маънода худди шунинг учун,
бу рисола, ҳар хил тескари хуружлар ва
ғайри-илмий баҳоларга дучор этилган эди.
Хайриятки, халқ тарихининг, маърифат ва
нафосат тарихининг зарвар саҳифалари ва
жозибадор маросимлари табиий йўсинда
такрорланиб туради. Худди шунингдек, халқ
ва она табиат нафосатининг илҳомбахш во-
қеа-ҳодисаларига илгор олимлар ва санъат-
корлар томонидан бўладиган ардоқли муно-
сабатлар ҳам, турли таъин ва зугумларга
қарамай такрорланиб туради. Наврўзи олам
бахсида ҳам худди шундай бўлди. Бизнинг
Наврўз хусусида зикр этилган фикримиз-
дан қарийб 20 йил кейин, яъни 1986 йл-
нинг мартда «Азия и Африка сегодня»
номли иттифоқ журналида тарих фанлари
доктори Д. М. Еремеевнинг «Дехқонларнинг
бахорий байрами» сарлавҳали мақоласи чоп
этилди.

Бу мақолада ҳам Наврўз байрамининг
мазмун диний унсурдан бегоналиги, бу бай-
рам материалистик тарбияга хизмат қилиши
мумкинлиги, айни пайтда бу байрам деҳқон-
ларнинг баҳорий меҳнат фаолиятининг бош-
ланиш маросими ҳам эканлиги қайд этилган.
Унда баён этилишича, Наврўзи оламининг
бош қаҳрамони дин ёки руҳонийлар эмас,
балки меҳнатқаш халқнинг ўзидир. Зеро,
ислом дини бу маросимга сезиларли таъсир
ўтказгандан кейин ҳам Наврўз маросимла-
рида бирор диний тадбир ўтказиш жорий
этилмаган. Аксинча, Наврўз байрамининг
бошида ризқ-рўз ва ҳосил сарқори Бободех-
қон ёки Дехқонбобо туради. Европача Қорбо-
қо, қорға нисбат бериб, оқ тўн қийса, Дехқон-
бобо баҳорий ранга нисбат бериб, яшил
чопон қийди. Қорбобога Қорқиз ярашгандек,
яшиллик, ялнзилар, сабаалар, бойчечаклар,
лолалар, анвойи гуллар маликаси бўлмиш

Байрам

Баҳорқиз (Баҳорой, Баҳорхон) Деҳқонбобининг муносиб набирасидир. Бунда Деҳқонбобо меҳнаткаш ва ижодкор эркаклар (боболар ва оталар, акалар ва укалар) рамзи бўлса, Баҳорхон покдомон, заҳматкаш, заковатпеша ва санъаткор момоларимиз, оналаримиз, опаларимиз, вафодор махбубаларимиз ва меҳрибон қизларимиз образидир. Чиндан ҳам, шоирлар илхомининг баҳорда мавж уриши бежиз эмас-да! Мавлоно Фурқат ёзганидек:

*Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса,
Қилурга шарҳи ҳол, аҳли муҳаббат икки тан бўлса.
Киши тўйишу кавсар, жаннат у ризвони не қилсун,
Жаҳон айёмида ҳосил бу янглиг анжуман бўлса?!*

Кўриниб турибдики, Фурқат ҳам Наврўзи олам нафосатини диний афсоналарда олға сурилган жаннату ризвон нафосатидан афзал деб куйлапти. Модомики, шундай экан, Наврўзи оламини «Навбахор» деб аташга уриниш мутлақо хатодир. Чунки, «Наврўз» дегани тожикча, «янги кун» — янги йилнинг бошланиши демакдир. Наврўз байрами Зебуннисо, Нодирабегим, Увайсий, Маҳзуна, Дилшод Барно, Анбар Отинлар учун, яъни муҳтарам Баҳорхонлар учун қандай ардоқли бўлса, Вободехонлар — эркаклар учун ҳам шундай бебаҳодир.

Наврўз маросимидан Деҳқонбоболар, яъни Навойлар, Вобурлар, Машраблар, Муқимийлар, Фурқатлар, эндиликда эса, бизга замондош шоирлар боқий илҳом олмақдалар. Зеро, Наврўзи олам фақат баҳор байрамининггина эмас, айни чоқда у табиат ва меҳнат, спорт ва ижодкорлик, одамийлик ва меҳмондўстлик, дўстлик ва тотувлик, эзгулик ва меҳрибонлик, гўзаллик ва нафосат, шафқат ва санъат байрами ҳамдир.

Баҳсимизнинг бир муҳим нуқтаси шундаки, ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам халқнинг илғор урф-одатларига диний тус бериб, уларни дин мулкига айлантиришга уриниш мутасиб ва устомон шахсларнинг мафкура майдонидидаги ўзига хос усулларидандир. Хўш, Наврўз байрамида бирор диний тадбир эмас, балки ҳазил-мутойибалар, бегубор шодлик, шўх қўшиқлар, гулхан ёқиш, гулхан атрофида рақслар, бойчечак териш, гул сайли, кураш, чавандозлик, улоқ, сумалак пишириш, меҳмондўстлик сингари халқ эстетик ва бадий фаолияти авжга чиқишини қайси маълумотли одам билмайди! Шак-шубҳасизки, Наврўз байрами ҳеч қачон, ҳатто Ўрта асрларда ҳам тўлиқ диний тусга кирмаган. Ахир, бунда саркор бирор руҳоний эмас, балки, заҳматкаш Деҳқон бободир!

Масаланинг яна бир нозик жойи шундаки, турли қардош ва қўшни халқлар Наврўз байраминга турлича таъсир ўтказиб, ўз миллий тарихи, ҳаёт тарзи ва касбу корига мос ҳолда айрим ўзгаришлар киритган бўлишлари мумкин. Аммо бу хил жузъий-миллий белгилар туфайли Наврўзи олам ўз муштарак, умумий, табиий, байналмилал мазмунидан бегона бўлиб қолган эмас. Бошқачароқ айтганда, Наврўз байрамининг муштарак миллатлараро, табиат ва меҳнатга хос умумий мазмуни байналмилал руҳдидир. Бу мазмун айрим тожикча ёки афғонча, ўзбекча ёки озарбойжонча миллий хусусиятларга

нисбатан белгилочки омилдир, халқ қилувчи кучдир. Демак, Наврўзи оламини соф миллий ўзбекча байрам деб аниқлаш — бу маросимнинг маъносини сохталаштиришдир, бу хил қараш байналмилалчиликка қарши чиқиш билан баравардир.

Ахир, Наврўз халқчил, эркин, демократик ва инсонпарвар маросимдир. Заҳматкаш халқ ва мазлум синфлар бу байрам асосида ўз дилларидидаги ғам-андуҳни бир-бирларига изҳор этганлар, нафосат, санъат ва адабиётдан, миллий спорт намуналаридан биргалликда, жамоат бўлиб баҳраманд бўлганлар. Лекин файзиёб бу халқ байрами ҳеч қачон исёнкор маросим бўлмаган, бунда асосий негиз меҳнат ва ижоднинг, ҳазил ва шодлиқнинг, одамийлик ва инсонпарварлиқнинг, шафқат ва меҳрибонлиқнинг, муҳаббат ва садоқатнинг бошланишидир. Бу умидбахш ва озуларга тўла ибтидо — гўзаллик ва нафосат тантанасининг бетакрор рамзидир, шу гўзаллик ва нафосатнинг янги йилдаги дастлабки баравж намойишидир, бўлажак шундай саодатли тантаналар даракчиси. Винобарин, ижод, эзгулик, одамийлик, санъат, адабиёт, шодлик ва муҳаббат тантанаси бўлиш Наврўзи оламининг бир муҳим мазмуни умумбашарий нафосатдир. Воболаримиз бу байрамни кашф этар эканлар, гўзаллик ва нафосат қонунларига кўра ижод қилганлар.

Оқорида зикр этилган муҳокамалардан чиқадиган яна бир хулоса шундан иборатки, Наврўз байрами, совет ватанпарварлиги ва социалистик байналмилалчиликнинг муқад-

дас акидалари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга Наврўз она табиат нафосати ва меҳнатсеварлик билан узвий алоқадор бўлган маросимдир. Она табиат эса, она Ватанимизнинг барқарор замиридир. Она табиат ва унинг нафосатида чексиз меҳру муҳаббат бўлмаган кишида совет ватанпарварлиги қудратли ахлоқли ва эстетик эътиқодга айланиши ҳам амри маҳолдир.

Халқ тарихининг бир таркибий қисми бўлиши илғор урф-одатлар, жумладан, Наврўз байрами, ҳозирги кўп миллатли советлар Ўзбекистонда халқлар дўстлиги, байналмилалчилик, қайта қуриш ва эстетик раванққа хизмат қилади. Зотан, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль пленумида алоҳида таъкидланганидек: «Ҳар бир халқнинг кадр-қиммати, шон-шарафи, маданияти, тили, тарихи чуқур ҳурмат қилинган, улар ўртасида кенг мулоқотда бўлинган тақдирдагина чинакам интернационализм, халқларнинг чинакам дўстлиги бўлиши мумкин».

Совет тузумига, совет халқларига, ленинчи партиямизга хос бўлган социалистик байналмилалчилик Наврўз байрамининг табиий умумбашарий мазмуни янада бойитида, уни янги босқичга кўтарди. Шу боисдан ҳозирги қайта қуриш, янгиланиш, демократиялаш жараёнида Наврўз байрами бир вақтнинг ўзида ҳам байналмилал тарбияга, ҳам нафосат тарбиясига, ҳам совет ватанпарварлигига, ҳам ахлоқий тарбияга бабаравар хизмат қила оладиган халқчил ва байналмилал маросимдир.

Наврўз байраминга хос бўлган умумбашарий мазмун ҳар бир қардош ва қўшни халққа мансуб бўлган миллий турмуш тарзи, миллий санъат ва адабиёт, бадий ҳаваскорлик ва миллий спорт сингари миллий хусусиятлар ва шаклий унсурлар билан тобора бойиб, тўлишиб бораверади. Хуллас, Наврўз байрамида умумбашарий мазмун билан миллий шаклнинг ривожланувчан, ажралмас бирлигини кўрамыз: бу мазмун ва шакл бир-бирига мутаносиб бўлиб, миллий шакллар (миллий рақслар, қўшиқлар, мушоира, миллий кураш, улоқ, чавандозлик, сумалак, лола сайли ва ҳоказо) ўз мазмунига хизмат қилади. Бунда ҳал қилувчи, белгилочки, етакчи омил Наврўзи оламининг халқлар дўстлиги ва инқилобий ижодкорлик негизидан ривож топиб бораётган ҳам умумбашарий, ҳам байналмилал мазмунидир.



Қардош Тожикистонда миллий анъаналарга ҳурмат ва садоқат билан ёндашдилар. Суратда: Ленин ноҳиясидаги умумий омақтаниш муассасаси ошпази Умасой Усмонова «Наврўз» дастурхонига ўзи ёнган нонни тортиқ қилди.

Б. Юсупов сурати
(ЎЗТАГ)



Ўзбекистон, қезғалча...

МАНЗУМА

1

Тўқсон икки томиримда жон кўпади бу танда,
Дунёнинг қай бурчагида Ўзбекистон, деганда.
Бошимдаги дўппим — олам, баҳри муҳит мисоли,
Ғаним унга кўзин тикса, мен қарчиғай тимсоли.
Бу юрт Райҳон бешигидир, Алишернинг навоси,
Уйғонурман тонгда туйиб Улуғбекнинг нафасин.
Боболарим руҳларига қасд қилганлар паст бўлар,
Катта бўлса, кичик бўлар, тупроқ бўлар, хас бўлар.
Етти иқлим аҳли бу кун Синосига бандадир,
Бошим кўкда гарчи тўним жанда,



жанда, жандадир.
Она юртим, шаънингга кўп мадҳиялар битилган,
Фарзандларинг онгда қолиб, оғуларга тутилган.
Тупроғингга кўзин тиккан арабларни гапирмай,
Чингизхону Ботухону тўнғизларни гапирмай,
Қон ялаган қасоблару жаллобларни гапирмай,
Юртни нимта-нимта қилган

каллобларни гапирмай.
Тўқсон икки томиримда жон кўпади бу танда,
Дунёнинг қай бурчагида Ўзбекистон, деганда.

2

Тош келганда тош кемириб, сув келганда симириб,
Дўстга дўстман, душманларга

муштман — билак шимариб,
Имони бут, болажон халқ — ўғиллиман,
қизлиман,

Қаттиқ ердан қақраб чиққан
бойчечакман — ўзбекман.

Не савдолар кечмагандир бу нуруний бошимдан,
Гоҳи оғу, гоҳи тошлар чиқаверган ошимдан.
Қирғинбарот бошланганда

кўпга келган тўй, дедим,
Ватан шаъни — шаъним, дедим,
Ғанимларни қув, дедим.
Фарзандларим ғолиб қайтди

мағлуб айлаб душманни...
Иўл танобин тортиб келса, чанқаганга чой бердим,
Паноҳ истаб келганларга паноҳимдан жой бердим.



Оч-яланғоч, етим-есир, сақлаб қолай, деб жонни,
Келганда қора тортиб қардош Ўзбекистонни,
Оғзимдаги ошим бердим, яланғочга чопонни,
Дўст расмига содиқ қолдим, сақлаб бурду имонни.
Пахта, шоҳи, кимхобларга жумла жаҳон ўранди,
«Бухородан чиққан тафтим иситди ҳу Уролни»
Волфрам уранларим гард-гард бўлди самода,
Пахта терди гўдақларим дилдираб, қирқ ямоғда.
Топганимни бўлиб бердим, гарча ўзим тўймадим,
Ўз ғамимдан устун қўйиб, халқ ғамини ўйладим.
Нон ўртада, туз ўртада, миннати кўз устида,
Андишага бориб турдим, қилвири сўз устида.
Тўқсон икки томиримда жон кўпади бу танда,
Дунёнинг қай бурчагида Ўзбекистон, деганда.

3

Не савдолар кечмагандир бу нуруний бошимдан,
Гоҳи оғу, гоҳи тошлар чиқаверган ошимдан,
Синаверди, синаверди «Эл оч», деган сазолар,
«План, план», деяверди Ижрокўмга аззолар.
Аму толди, Сир тўлгонди, дард чўлғади Оролим,
Гармселдан қажиради менинг ойдаи жамолим.
Энди лод, деб қайси тошга урай оксоч бошимни,
Мадор тўнди, мадад сўнди, туз қоплади лошимни.
Эли учун элашмаган нодонларга суянманг!
Ори учун курашмаган нўёнларга суянманг!
Тирик товон, қилмишлари чаёнларга суянманг!
Нафеи ўпқон, эл бузуки Сионларга суянманг!
Бош ёстиққа етганида билинар дўст сараси,
Бу машойиҳ каромати, битар қалбнинг яраси.
Қаттиқ ердан қақраб чиққан

бойчечакман — ўзбекман,
Имони бут, болажон халқ — ўғиллиман,
қизлиман.

Дардга шифо тонгусидир
минглаб Варчинойимлар,
Ўғлонларим Алпомишдай бағрим узар от сурар.
Қарвон ўтар, орқасидан ҳуриб қолар лаъинлар,
Боласини боқолмаган қитмир Бронштейнлар...
Тўқсон икки томиримда жон кўпади бу танда,
Дунёнинг қай бурчагида Ўзбекистон, деганда.

Ўзи емай, тўйдиргангир меҳмонини...

СССР халқ депутати М. Л. Бронштейнга жавоб

Сен бу юртга баҳор чоғи келмагансан,
Қир-адирдан лолаларни термагансан,
Воғларига ҳайратланиб турмагансан,
Олма, ўрик, кишмишларин кўрмагансан,
Кўрганингда, боқиманда, демас эдинг.

Ўзи емай тўйдиргандир меҳмонини,
Қирқ томонга бўлавериб топганини,
Ҳада этиб, олтинга бой маконини,
Бериб қўйиб, бори-буди, имконини,
Елкасига олиб тонгда кетмонини,
Дала-дашда боши оққан деҳқонини,
Кўрганингда, боқиманда, демас эдинг.

Ез чоғида бўлмагансан бу ўлкада,
Саратонда яғрилларинг куймаган-да!
Товонгинанг жаз бўлганда тупроғидан,



Паноҳ излаб қолсанг шотут япроғидан,
Ўзбекларни боқиманда, демас эдинг.

Бу ўлканинг меҳнати зўр, азобижон.
Аёлларин томирида ивиди қон.
Унта тугса, ўновидан беши омон,
Инсон бўлсанг, шулар ҳаққи, келтир имон,
Дўст бўлсанг гар, боқиманда, демас эдинг.

Вақтин топиб, кузак фасли бир келиб-кет,
Оролқумнинг дарасини айланиб ўт,
Аёзига чидолмасанг мезонларнинг,
Етти яшар «пахтакор»га кел, таъзим эт.
Бу гўдақнинг бўйи-баста гўзадан паст,
Ичган суви оғулидир — сути заҳар,
«Қувва, қувва» йўталганда қуриб мажол.
Алобидан азоблансанг, туриб сахар,
«Боқиманда», деган сўзинг қайтариб ол.

ШАРҚ ГУЛИ

Деҳли шаҳрида ўтган йилнинг 14—29 ноябр кунлари халқ истеъмол буюмларини намойиш этиш бўйича халқаро ярмарка бўлиб ўтди. Унда жумҳуриятимиздаги бир қатор корхоналар қаторида Тошкент шаҳридаги нафис буюмлар ишлаб чиқариладиган «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари ҳам намойиш этилди.

— Бизда тайёрланган миллий ўзбек буюмлари, хусусан, палак, сўзана, чойшаб, гул кўрпа, зарвор, турли хил дўппилар, жун тўқима либослар ярмарка қатнашчиларида ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди, — деди бирлашма бош директори Раъно Отажоновна сафар хотиралари билан ўртоқлашаркан. — Айниқса, павилиёнимизда миллий руҳда жиҳозлаб безатилган келин уйи ҳинд халқида катта таассурот қолдирди. Улар ярмарка охирида бирлашмаимизда ишлаб чиқарилган амалий буюмларни ҳавас билан харид қилдилар. Бу биз учун катта маънавий рағбат эди. Биз тегишли фирмалар ва бирлашмалар билан шартномалар туздик.

Дарҳақиқат, «Шарқ гули» бирлашмаси жумҳуриятимиз маҳаллий саноат ишлаб чиқаришида муҳим салмоққа эга бўлган йирик корхоналардан биридир. Унда қарийб тўрт минг нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Шаҳримизнинг маҳаллий аҳоли зич яшайдиган жойларида бирлашма бўлимлари ташкил этилган. Буларга маҳаллалардаги иш билан таъминланмаган аёллар меҳнатга жалб этилган. Масалан, Оқтепа маҳалласидаги рўмолчилик, Сағбон кўчасидаги дўппичилик каби бўлимлар орқали асосан оилавий шароитга кўра корхонага қатнаб ишлаш имкониятига эга бўлмаганлар юмуш билан таъминланганлар. Умуман, бирлашма ҳисобида ҳозир бир ярим минг нафардан ошиқроқ хотин-қизлар уйда ишлашмоқдалар.

Бирлашмада меҳнат интизоми ва иш шароити яхши ташкил этилганлиги учун ҳам ўтган йилги режа олдинги йилга нисбатан 1 миллион 200 минг сўмга ошириб бажарилди.

Журналимиз сураткаши Рихситилла Нурибоев туширган тасвирларда ҳам бирлашма фаолиятининг турли қирралари ўз аксини топган. 1. В. И. Ленин ордени нишондори Саодат Тоҳирова (чапдан), бирлашма бош директори Раъно Отажоновна ва ёш илғор ишчилар Муҳайё Абдуллаева, Дилбар Дадабоева эртанги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда. 2. Илғор попончи Муқаддас Зиёева. 3. Миллий жиҳозланган келин уйи.

Р. Нурибоев суратлари.





Мир Алишер Навоий
туғилган куннинг

550 йиллиги

олдидан

Дарвозабоннинг доно қизи

Кулардан бир куни Султон Суюн билан Мирали хазинадани китоблардан бирини ўқиб ўтиришса, жуда қизиқарли жойи чиқиб қолди. Султон Суюннинг отаси бир вақтлар думли юлдуз туққанлигини, Султон Суюн билан Миралидан бошқа яна икки нафар қиз дунёга келганлигини тилла муқовали, ипак қоғозли шоҳқитоба ёзиб қолдиртирган экан. Шу кундан бошлаб ўша қизларнинг ишқу муҳаббати Султон Суюн билан Миралининг кўнглини ўртай бошлади. Аммо қизларнинг на иси, на турар жойи маълум бўлмаганлигидан, уларни топиш амри маҳол экан. Қизларни излашда ақл-идрок билан бирорта тадбир ишлатиш зарурлигини тушунган Султон Суюн «бир вақтлар Хева билан Ташоғуз вилоятларига юборган фармонига ўхшаш фармон чиқарсақ қандай бўларкин?», деб Миралига маслаҳат солиди. Мирали бунга эътироз билдириб:

— Шоҳим, қиз кўнгли қизил гул, дейдилар. Нозанинларнинг табиати ҳам ўта нозик бўлади. Бунақанги ўринсиз фармон эса, уларнинг дилгига озор етказиши турган гап. Эскилардан қолган бир нақд бор, яхши гап билан илон инидан чиқар, деган. Шунинг учун уларни ё ширин сўз билан излаб топмоқ керак ёки бирор кимсани ноҳақ ҳақоратлаганимизни эл кўзига кўрсатиб, уларни тилангирмоқ керак.

Миралининг топқирлигидан Султон Суюн ҳам беҳад мамнун бўлиб, икки ясовулни қақиртирибди-да:

— Сиз бир даёв йигитни топинг-да, қўлини орқасига боғлаб, олдингизга солиб, шаҳарнинг жинкўчаю кенг кўчаларидан, регистон-у чорсуларидан, бари гузарларидан айлангириб чиқинг. Кета-кетгунча бошига қамчи ёр-

улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий газалиётини туркий тилда сўзлашувчи турли халқлар бирдек севиб ўқишади. Ҳатто сўз санъатининг фусункор мўъжизаларига айланган бебаҳо дурдоналар яратган бу буюк истеод соҳиби ҳақида ҳар хил ривоят ва ҳикоятлар ҳам тўқилган.

Туркман фольклорига ҳам Алишер Навоий — Мирали ҳақидаги ўйлаб ривоятлар, нақллар мавжуд. Таниқли ёзувчи Берди Кербобоев халқ орасида кенг тарқалган ана шу ҳикоятларни тўплаб, бадиий жиҳатдан қайта ишлаб чиққан эди. Натижада Мирали ва Султон Суюн (Хусайн Бойқаро) ҳақидаги ривоятлар туркуми юзага келди. Бу ривоятлар «Мирали» номи билан 1948 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди, кейинчалик ёзувчи танланган асарларнинг 1959 йилда чоп этилган IV жилдга ҳам киритилди.

Туркман ривоятларида Мирали олижаноб инсон, улус дарди учун курашувчи фидокор, адолатпарвар ва доно вазир, нозиктаъб сўз устаси сифатида тасвирланади. Қардош ўзбек элининг улуг шоирига бўлган самимий муҳаббат рамзига айлиб кетган туркман ривоятларидан айримларини эътиборингизга тақдим этамиз.

Маматкул ЖУРАЕВ,
филология фанлари номзоди

дириб, юрак-бағрини доғланг, дод-фарёдигаюм қарамай ураверинг. Кимда-ким бу йигитнинг аҳволига ачиниб, бу бечорани нега ураясанлар, деб сўраса, унақа одам билан ишингиз бўлмасин. Фуқароларимиз орасида бу ишни маъқуллайдигани чиқиб қолса, уни зудлик билан менинг қошимга олиб келинг! — деб буюрибди.

Ясовул халқига подшо амри бўлса кифоя, улар кўчадан бир чопони йиртик қосиб йигитни тугтиб олиб, Султон Суюн айтгандан ҳам зиёда қилиб, кўчама-кўча ҳайдаб олиб ўта бошлабдилар. Бегуноҳ йигитнинг зорига чидай олмаган одамлар:

— Ҳой, ясовуллар! Бу бандан мўмининг гуноҳи нима?! У бечорани нега ураясизлар? — деб сўрашса, ясовуллар:

— Эй халойиқ! Бу йигит ҳар доим биз буюрган ишнингина қилади. Унинг бундан бошқа айби йўқ, — деб жавоб беришибди.

Одамлар:
— Эл-юртда айтилган юмушни бажармаган одамни жазолаш расм бўлганини биламиз. Аммо айтган ишни қилган кишининг қалтак еганини умримиз бино бўлиб эшитмаганмиз. Бу ишингиз инсофдан эмас! — деб ясовулларнинг орқасидан ер мушглаб қаргаб қолаверибдилар.

Хуллас, икки ясовул эрта оқшомдан то шомгача пойу пиёда гузар айланишса-да, уларнинг ишини маъқуллаб, баракалла дейдиган бирортаям одам топилмабди. Улар ҳориб-чарчаб, шаҳар чеккасидаги кўчалардан бирининг одоғига етиб борибдилар. Йигитни уриб-суриб бораётган ясовуллар кечга яқин нон ёпиш учун тандир киздираётган бир аёлнинг уйи ёнидан ўтиб қолиблар. Аёл ясовулларнинг қамчиси зарбидан бадани мўматалоқ бўлиб кетган йигитга юраги ачишиб:

— Вўйингизга қоқиндик, сар-

боз болаларим! Бу йигитнинг ёш жонига раҳм қилинглар! Не айби учун бу шўрликни шу кўйга солдингизлар? — дебди.

— Бу йигит ҳаммиша қил деган ишни қилади, шунинг учун ураямиз!

— Вой, мен ўлай, бу қанақаси бўлди?! Одамлар буюрилган ишни қилмагани урадилар, сизлар бўлса айтилган ишни қилган одамни бунча хўрляясизлар. Шунчалик ҳам ноинсофлик бўладими ахир?! —

Бу аёлнинг ёнида бўйи етган қизи ҳам турган экан, у гапга аралашиб, ясовулларнинг тарафини олди:

— Йўқ, она, булар жудаёям тўғри иш қилишяпти. Қачонгача бировга ҳамма ишни айтиб қилдирасиз, юмушларни ўзидан билиб қилавермайдиган ношуд одамнинг жазаси шу!

Ясовуллар подшо айтганидай қилиб, аёлнинг қўлини саройга олиб кетадиган бўлишибди. Шунда ҳалиги аёл кутилмаган бу ҳолдан ҳангун манг бўлиб, қизига дебди:

— Эҳ, қизгинам-ей, тилингни тийсанг бўлмасмиди, а! Тил югуриги бошга бало деб айтмаган-мидим ахир?! —

Қиз эса кулимсираб:
— Онажон, мендан кўнглингни тўқ бўлсин. Тилдан бошга балоюм келади, бахт ҳам келади, — дебди-да, ясовулларнинг олдига тушиб, подшо ҳузурига йўл олибди.

Икки ўрим тим қора сочлари думли юлдуз куйруғидай тўғри-ноиб турган соҳибжамол қизга бир нафас разм солиб турган Султон Суюн:

— Яхши қиз, бизнинг ноҳақ бўйруғимизни ҳақ дейишингнинг боиси нимада? — деб сўрабди.

Қиз:
— Бунинг сабаби Султон Суюн билан Мирали адолат тахтида турганларидан салтанатда ноҳақ иш қилинмаслигини билганимдир, — деб жавоб берибди.

— Сенингча, ҳаммиша буйруққа қараб иш қилишга одатланиб қолган кишини жазолаш тўғри экан-да?!

— Ўз ақл-у фаросати билан иш қилмайдиган одамдан давлатга не фойда? Унақалар аслида, бундан оғирроқ жазога лойиқдурлар, — дебди қиз.

Султон Суюн қизнинг ақлига қойил қолиб, унга ўз кўнглидаги пинҳон орзуларини қандай қилиб билдиришнинг иложини тополмай, мўлтираганча Миралига қарабди. Султоннинг кўнглидагини кўзидан билишга ўрганиб кетган Мирали дўстининг ниятини дарвор сезиб, қизга савол берибди:

— Эй, кўзларини шаҳло қиз! Султон Суюннинг кўнглида биттаю битта армони бўлсаю, унинг рўёбга чиқishi фақат сенга боғлиқ бўлса. Ўз илтифотинг ила унинг дилини равшан қилармидинг?

— Қўлимдан келса, жон устига! Султон Суюннинг юрган йўлидаги тупроқ ҳам кўзимга сурмаю сулаймондай азиз. Аммо бахт менга nasib этмас, ахир мен подшоодлар авлодидан эмасман, бир камбағал дарвозабоннинг сағирман, холос!

— Султонимиз шаҳар дарвозабоннинг қалитини отанга ишониб топширган бўлсалар, кўнгли саройининг қулфи-қалитига сендек зебо қиз эғалик қилишини истайдилар, — дебди Мирали.

Қиз Султон Суюн билан Миралига таъзим бажо келтирибди.



Мирали билан Султон Суюн

Отаси ўлгандан кейин салтанат тахтига ўтирган Султон Суюн ўзига яхши суҳбатдош, оромжон улфат топиш учун эл ичини кезиб чиқибди.

Ясатилган бедов от устида боши жиғали шахзоданинг келаётганини кўрган Мирали ўзини билмаганликка солиб, ҳожатга ўтиргананмо ҳолатда бошини қуйи солганча қўлидаги нониқоқини еб ўтираверибди. Ора-сира липпа-сидан, чопонининг астаридан тугиб олган битини тирноқлари орасига олиб эзиб қўяркан. Миралини бу ҳолатда кўрган Султон Суюн ҳайрон бўлиб, отининг жилловини тортибди-да, йигитга юзланиб, сўрабди:

— Эй, йигит, бу қанақа ўтириш?

Мирали бошини кўтармай ўз иши билан машғул бўлиб, дебди:

— Қанақа ўтирганимни кўряписми?

— Кўрганимдан кейин сўрадим-да,— дебди шахзода.

Мирали шахзодага қараб:

— Янгини солиб, эскисини чиқаряпман, шу орада душман ҳам овлаяпман,— дебди.

— Сизнинг уйингиз қаерда?

— Ҳу ана шу қишлоқнинг қибла томонидаги қирқ найзали кунгурадор уй бизники.

— Уйингизга борсам, мени меҳмон қиласизми? — дебди Султон Суюн.

Мирали:

— Эй, шахзода, кўнглингизга олмангу, сиз шаҳарда ўсганингиз учунми, халқингизнинг урф-одатларидан беҳабар экансиз. Туркман халқининг меҳмон отангдан улуг деган нақлини эшитганмисиз? Биз меҳмонни бошимизга кўтариб хурмат қиламиз,— дебди.

— Уйингизга борсам, яхшилаб кутиб оласизларми? — дея сўрабди шахзода.

— Хотиржам бўлинг, шахзодам! Бизнинг куйруги қалта ола кўппагимиз бор, ўзиям жуда меҳмоннавоз, шунақа қадр билигич денг. Меҳмон келаётганини кўриб дегунча ярим йўлдан қорши олади, жонивор,— дебди Мирали.

Шахзода сўрабди:

— Менга атаб мол-ҳол сўясизми?

— Топсак бирни, топмасак иккни сўямиз,— дебди Мирали.

Султон Суюн Миралининг гапига тушунолмай, яна савол берибди:

— Бу қанақаси бўлди, йигит? Битта молни эплаб тополмаган одам қандай қилиб иккитани сўяди, ахир?

— Шохим, ҳамсоядан сўраб-суриштириб бирорта қўй топсак, қарз-ҳавола қилиб бўлсаям, олиб сўямиз. Агар топилмаса, ўзимизнинг битта бўғоз эчкимиз

бор эди, ўшани сўйиб меҳмон қиламиз-да,— дебди Мирали.

Миралининг гаплари, ўзини тутиши, ақлу фаросати шахзодага маъқул бўлиб, у бу йигитни ёқтириб қолибди. Шахзода ўзи излаб юрган донишманд йигитни топганига димоғи чоғ бўлиб, ўзича: «Агар мен шу йигитни ўз ёнимга олиб бориб, у билан дўстлашиб ҳам олсам, кейин сираям ичим қисмайди. Бунинг гапга чечанлигидан, диловарлигидан кўп нарсаларни ўрганиб ҳам олардим. Ана шунда ҳеч кимдан гапдаям, ақлдаям қолишмайдиган бўламан», деб ўйлабди. Сўнгра Миралига қараб мулойимлик ила:

— Эй, яхши йигит, исмингиз нима? — деб сўрабди.

— Мирали,— деб жавоб берибди йигит.

— Жуда яхши, менинг отим Султон Суюн. Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш деган гаплар бор, келинг, энди иккимиз киёматлик дўст бўлайлик.

Мирали аввал Султон Суюннинг юлдузни кўзлаган аргумоғига, бўй-бастига, шахзодаларга хос кийим-бошига разм солибди-да, кейин ўзининг ғарибона чопонига кўз қирини ташлабди, энгининг йиртиғини бекитиб туриб, дебди:

— Шахзода, мени авф этинг! Дўстлик яхши нарса, аммо туркманнинг тенг-тенги билан деган гапи бор. Сизнинг кўнглингиз жудаям нозик, мен эсам бир тўпори қишлоқ одами бўлсам. Иккимизнинг дўстлигимиз қўй билан қашқирнинг дўстлигига ўхшаб қолмайдики деб кўрқаман.

Мирали қанча бўйин товламасин, Султон Суюн уни қўярда-қўймай ўзи билан бирга саройга олиб кетибди. Шундай қилиб, Мирали билан Султон иккиси бир саройда яшаб, бир товоқдан таом еб, бир муллада ўқиб, савод чиқариб олишибди. Кўшкдаги ҳаёти қанчалик яхши бўлишига қарамасдан, «товушқонга ўзининг тугилган тепаси азиз» деганларидек, Мирали ҳам ўзининг фақир кулбасини, кенг далаю қиларини, сўлим қишлоғида қолган ўзидек оддий ва меҳнаткаш дўстларини сира унутолмабди. Бунинг устига Миралининг камбағалшарварлигидан, раҳмдиллигидан Султон Суюннинг гапчи келиб юраркан, ахир бир куни шу масалада уларнинг гапи кочиб қолибди. Султон Суюн Миралига аччиқ қилиб:

— Сен исқирт, энгининг йиртиғини, қўйлагининг битини унутдингми дарров! Мен бўлмаганимда аллақачон очингдан тиришиб ўлиб кетар эдинг. Сени мен боқиб одам қилдим, энди тилинг чиқиб, менга ақл ўргатадиган бўлиб қолдингми? — дебди.

Мирали Султон Суюннинг жаҳли чиққанида ақли қочишини билиб, унга гап қайтармабди.

Аммо миннатли ошдан беминнат тох яхши деб ўйлаган Мирали пайт топиб, саройдан чиқиб кетибди. Орадан бир неча кун ўтгач, Султон Суюн ўз дўстини ноўрин хафа қилганига юз минг пушаймонлар қилиб, ёлғизлик азобидан тоза қийналади. У Миралига жуда ўрганиб қолган экан-да, усиз сиқилавериб, ич-этини еб қўяёзбди. Сўнгра Миралини ахтариб Ҳирот теварагини, Бухоро туманларини, Марв даштларини кезиб чиқибди, аммо ҳеч қаердан Миралининг дарағини топмабди.

Султон Суюн ўз кўрғонига қайтиб келганидан сўнг Миралини йўқотиб қўяганидан кўнгли чўкиб, хонанишин бўлиб олибди-да, бағрини намга бериб ёттибди. У кўп ўйлабди, ахир балки Мирали Хева, Тшовув томонларда юргандир, деган хаёлга бориб, бир тадбир ўйлаб топибди. «Агар Мирали чиндан ҳам ўша тарафларда юрган бўлса, одам зоти етти ухлаб тушига қирмаган бир фармони олиш чиқармоқ керак. Ақли расо Мирали менинг бундай бемаъни фармонимни эшитиб

отларини ётоғидан чиқармай қўйибди. Таблада офтоб кўрмай диққинафас бўлиб ётган байталларнинг қўпи ўла бошлабди. Одамларнинг аҳволи кундан-кун оғирлашаётганини кўрган Мирали подшонинг найрагини сезиб, овулдошларига дебди:

— Биродарлар, менга беш-ўнта қўй топиб бeringлар, мен сизларни шу бемаза фармон балосидан халос қилайин!

Миралининг тадбиркорлигига ишонган одамлар бор-йўқ молни тўплаб, унга бир сурув қилиб берибдилар. Мирали қўйларини олдига солиб, Ҳирот қайдасан, деб йўлга равона бўлибди. Ҳиротта бир манзил қолганида, Миралининг қўйларига бўри оралабди, ҳаш-паш дегунча қашқирлар сурувни бўлиб ташлашибди. Шунда Мирали Ҳирот томонга қараб:

— Ҳой, Олабой ҳов! Окқой ҳов! Қоравой ҳов! — деб қичқирибди.

Мирали жонининг бориचा қанча зўр бериб қақирмасин, Ҳирот итларидан биттасиям унга ёрдамга келмабди.



Рассом Т. Савдулла.

қолса, унга чидаб турулмас, иншоолло, қаерда бўлса, бир бахона билан ўзини маълум қилмай қолмайди, барибир ҳузуримга қайтиб келади», деб ўйлаган Султон Суюн фармонбардорини қақиртириб, фармон битдирибди:

«Хева, Тшовувз вилоятларида истиқомат қилувчи фуқароларга фармони олий! Мен ким, султони соҳибқирон Султон Суюн, сиз фуқароларимга сўзим шуки, сизнинг сасиқ байталларингизнинг исидан менинг табладаги бедов отларим тек турулмай қолди. Шу беиз сизга шохлик ҳукимин шу эрур: кимда-ким ўз байталини далага чиқазшига журъат этса, ўша байтал эгасининг ҳам, юрт оғасининг ҳам кўзига нил тортиранман!»

Фармон чиққач, Султон Суюннинг газабидан кўрққан фуқаро

қўйларидан айрилган Мирали таёғини судраб, шўппайиб Ҳиротга кириб борибди. У қўчма-қўча юриб, олдидан чиққан итни тирқиратиб ура бошлабди. Буни кўрган ит эгалари:

— Бир аҳмоқ чўпон эсини еганими ё жинни-пинни бўлганми, шахримиз итларини бесабаб ураятти. Олампахоҳнинг ўзлари уни тийиб қўймасалар, у Ҳиротдаги ҳамма итларга қирин солади,— деб Султон Суюнга ара қилибдилар.

Султон Суюн тўрт ясовулга буйруқ берибди, мулозимлар офтоб нури ерга тушмай туриб, Миралини топиб олибдилар-да, ур қалтак-сур қалтак қилиб, олдига солиб саройга ҳайдаб келибдилар. Йўл азоби — гўр азоби деганларидек, узок йўлдан ҳориб-чарчаб келган Мирали озиб-тўзиб кетганлигидан подшо уни

Қайта кўриш, ошқоралик шарофати билан ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши шунчаки расмий ҳол эмас, балки тилимизга бўлган муҳаббатимизнинг ёрқин намунаси ҳамдир. Эндиликда тилимиз тўла мустақилликка эришши ва ижтимоий ҳаётига амалий тадбиқ қилиниши учун ҳар қим ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Мана бир неча ойдирки, она тилимизга доир бўлган барча муаммолар нуфузли идоралар, матбуот, радио-телевидение, дорифунун, сабоқхоналарда турли муҳокама мунозараларда ўртага ташланиб, ечимлари қидирилётди. Хайриятки, лугатимиз хазинасидаги эътибордан четда қолган, узоқни кўролмайдиган айрим тилшунос олимлар таъбири билан айтганда, «эскирган», «ўз хусусиятини йўқотган», «тарихий сўзга айланган» сўзларимиз «тилга» кириб, забонларимиз янгича руҳда жарангламоқда. Бу ҳолни, айниқса, кундалик матбуот, радио-телевидение орқали берилаётган хабарларда кузатиш мумкин. Аммо ҳали олдинда ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Шундай муаммолардан бири — талаффуз масаласидир. Бир неча йиллардан бери «янги» сўзларга кучоқ очиб, ўз сўзларимизни йўқотганлигимиз камдек, ўз талаффузимизга лоқайдлик билан қараб келдик. Яъни, истеъмолга кирган «байналмилал» ва бошқа хорижий сўзларни қандай бўлса (ҳам озсак, ҳам ёзмада) шундайлигича қабул қилиб, қиройли нутқларда, бадий адабиётларда оммалаштириб юбордик. Масалан, «район», «комитет», «область», «профессор» каби. Тўғри, баъзи ҳоллардагина (суҳбат, мулоқотларда) ўз лаҳжамизда истеъмол қиламиз, бироқ тарихга, намунага айланган ёзувларимизда-чи? Оқибатда ўз талаффузимизни йўқотиб қўйдик.

Шу ўринда рус халқидан ўрناق олсак арзийди. Улар четдан олинган ҳеч бир бадҳазм сўзни шундайлигича қабул қилиб олмайдилар, дарров ўз талаффузларига мослаштириб оладилар. Бунда кучанишга, ортиқча ҳаракатга, ташвиқ қилишга ҳожат ҳам қолмайди. Биргина сирғалувчи «ж» ҳарфига портловчи «д» ҳарфини қўшиш орқали талаффуз қилишларини мисол қилиб олиш мумкин: «Жалил — Джалил», «Олимжон — Алимджан», «Одилжон — Адылджан», «Жўра — Джўра», «Жаббор — Джафар» ва ҳақозо. Бу ҳол бошқа ҳарфлардан ташкил топган сўзларда ҳам учрайди: «Ғайрат — Гайрат», «Ғиёс — Гиёс», «Ёқуб — Якуб», «Қосим — Касым», «Элдор — Ильдар», «Йўлдош — Юльдаш», «Йўлчи — Юльчи», «Моҳирира — Махира», «Ҳошим — Хашым», «Тўра — Тура», «Қашқадарё — Қашқадаръи», «Сирдарё — Сырдаръи», «Фаргона — Фергана», «Марғилон — Марғилон», «Жиззас — Джиззак», «Тошкент — Ташкент» каби. Нафақат бизнинг сўзларимизга, хорижий сўзларга ҳам шундай муносабатдалар: «Жек — Джек», «Жон — Джон», «Эрон — Иран», «Техон — Тегеран», «Ироқ — Ирак», «Хиндистон — Индия», «Афғонистон — Афганистан», «Тожикистон — Таджикистан», «Мўғулистон — Монголия», «Хитой — Китай», «Ёкутистон — Якутия», «Туркия — Турция» ва ҳақозо. Бир пайтлар биз ҳам «олмон», «фаранг», «масков», «ёрус» деб ишлатганимиз каби улар ҳам ўз талаффузларига тушмайдиган бундай сўзларни осонгина ҳазм қилолмайдилар. Сабаби, уларнинг лугат бойликларида бизда, бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган ҳарфлар, оҳанглр, талаффузалар йўқ. Бундан ташқари бундай пала-партишликка миллий гурурлар ҳам йўл бермайди. Бизда-

Тилимиз- Гуруримиз

чи? Тилимизга хос талаффуз, оҳанглримиз бўлса-да, ҳамон турғунлик йиллари мероси — «байналмилал» чиликдан, рус тилида «тинич ва равшан» сўзлашув услубидан ҳалигача қутулганимиз йўқ. Тўтиқуш каби бир мақомда «сайраш»дан зерикмаямиз, аммо миллий талаффузларимиз борасида етарлича бош қотирмаяпмиз. Айниқса, айрим «байналмилал»чи тилшунос олимларимиз тилимизни халта кўчага киритиб, ўзлари ҳамон тил ташлаб ўтиришларига тоқат қилиб бўлмайди. Шу оғриқдан қутулмай туриб, янгича сўзлашув оҳангига мослаши осонми?



Қизиқ, нега «Коля» деган исми ўз талаффузимиз, оҳангимизда осонгина қилиб, «Колия», «Оляя»ни «Олия», «районни «раён», «область»ни «ублис», «докторни «дўхтир», «образ — ўбраз», «Америка — Омрико», «Франция — Франгистон», «Германия — Олмония», «Европа — Оврупа», «Греция — Юнонистон», «Хитой — Чин», «Япония — Епонийе», «Рим — Рум», «Нью-Йорк — Нйў-Ерк», «Нигерия — Хабашистон», «Грузия — Гуржистон», «автомобиль — афтомабил», «тонна — тўнна» деб аташимиз ва шундоқлигича ёзишимиз мумкин эмас! Ахир биз ўзлаштириётган сўзни сўзланганда ёхуд ёзмада (айниқса матбуот, радио-телевидениеда) уни ўз лаҳжаларида осонгина ҳазм қила олмаётган юрдошларимизни ҳам унутиб қўймаслигимиз керак-ку! Биргина тилшуносликдаги атамаларни-ку қўяверасиз, тишнэйт (математика), ҳандаса (геометрия)даги тенгламаларга ўхшайди — тушункисиз. Энг оғир шarti — уларни ёдлаш зарурати.

Ана шундай муаммоларни чигаллаштириб турган, талаффузларимизга путур етказётган сабаблардан бири, бу ҳозирги рус алифбоимиздаги «ь» — юмшатиш белгиси ҳамда «й» ҳарфини бу улар иштирок этган сўзлар ифтидисидир. «ь» юмшатиш белгиси русча-байналмилал сўзлардаги юмшоқ ундодан кейин қўйилади. Бу белги сўзларимиздан бутунлай

олиб ташланса ҳам ҳеч нарса ютқазмаган бўла-ми — «дунё», «дарё», «ҳадя» сўзларидан «ь» — айриш белгиси тушириб қолдирилгани каби. Баъзан зарурат туғилганда, ўзлаштириб олиш ҳам мумкин: «фильм — филым», «батальон — баталийён», «почтальон — почталыйён», «медальон — медалиён» сингари.

Энди алифбоимиздаги (рус алифбосида ҳам 24 инчи ҳарф) 24 инчи ҳарф — «Ц» ҳисобланади. (Нима учундир ҳарфларни айнан рус алифбосидагидек ўрни ўрнида жойлаштиришни, айнан қардошларимиз босган издан босишни жуда-жуда хошлаймиз). Ушбу ҳарф иштирок этмаган ўзимиздаги ўзлашган сўзларни қўллаш ўринли бўлмасмикин? Масалан, инқилобдан аввал ҳам «Царская Россияни «Чор Россияси» деб ўзлаштирилган; «церковь» эса «черков» деб олинган. «Цирк» сўзини ҳеч иккиланмай ўзимизнинг «томошахона» сўзига алмаштириш мумкин. «Сейф» сўзи ўрнида (бизда «цейф» деб айтилади) ўзимиздаги «қимматбахо нарсалар сақланадиган қутича» изоҳини берувчи «зарф» (Огаҳий асарларидан) сўзидан фойдаланиш мумкин (Балки «сейф» сўзининг ўзаги аслида «зарф» сўздан келиб чиққандир). Қолган сўзларни ҳам осонгина ўз сўзларимизга алмаштириш мумкин: «циркуль — паргар» (ахир мана шу сўз истеъмолимизда бўлган-ку), «цивилизация — тараққийот», «целлофан — сувқозоғ» ва ҳақозолар.

Қоришқили «ж» ҳарфи (сирғалувчи «ж» ва портловчи «д» ҳарфидан ясалган) ҳам барибир бизнинг талаффузимизга тушмай қолаверган: «журнал — журнал», «пожар — пажар», «пржектор — пражектир»; рус алифбосидаги «щ» ни «шч» шаклида, «ыни» «и» шаклида олсак-да, барибир ўз лаҳжамизда умрбод яшаб қолмади: «овощ» — «овйш», «щётка — чўтқа»; «внимпел — вимпэл», «пылесос — пеласос» каби.

Алифбоимизга зўрма-зўраки «байналмилалчилик» руҳи билан киритилган «ь» юмшатиш белгиси ҳамда «ц» ҳарфи ўрнини йўқолиб кетган «г - н + г = ц, «у - ө» ва бошқа ҳарфларимиз ҳисобига тўлдиришимиз лозим.

Давлат қонуни ўзбек тилини ҳар томонлама ривожлантиришга, шакллантиришга, эркин қўллашга ундар этган, биз ана шу ҳарф ва сўзларимизнинг асл талаффузларига эътибор бериб, миллий тил гуруримизни тиклаб олишимиз зарур. Бу ишда тилшуносларимиз фаоллик кўрсатиб, тилимизнинг равнақига равнақ қўшувчи йўқолиб кетган сўзларимиз, талаффузларимиз, ҳарфларимиз асосида лугатлар, дарсликлар, қўлланмалар, адабиётлар яратилари ва уларни халққа тақдим қилишлари лозим. Токи тилимиз мустақиллиги, сиржололиги ойнадай равшан бўлиб турсин.

Зоир ЗИЁ

таниёлмабди. У чопони қирқ амак бўлиб кетган «чўпон»ни сўроққа тутибди:

— Ув йингит, сен нега бегуноҳ итларни уряясан?

— Шоҳим, уларни бесабаб урмадим, қўрғонингиз итларининг ҳаммаси гирт ялқов. Мен уларни ўз бурчаларини бажармаганликларини учун таъқладим, — деб жавоб берибди Мирали.

— Итлар одамидики, уларнинг бурчи бўлса?

— Эй шоҳим, мен сояий давла-

тингизда ризкимни териб еб юрган бир бечора чўпон эдим. Қўрғонингиздан беш чакирим наридаги даштда қўй боқиб юрган эдим, сурувимга бўри оралаб қолди. Мен Ҳирот итларини ном-ном айтиб чакирдим. Бақиравериб сасларим бўғиллиб кетаёзди, лекин номлардиннинг бирортасиям қорасини кўрсатмади. Ушанда агар эсон-омон шаҳри Ҳиротга етиб борсам, чўпоннинг сасини эшитмайдиган қаруқоло, текинтомоқ итларини ана шу чў-

пон таёғим билан уриб, тилкапора қилиб ташлайман, деб шарт қилган эдим. Шунинг учун еган тузини оқламайдиган саёқ итларнинг додини бериб турганимда мулозимларингиз бошимга қамчи ёғдириб, бу ёққа судраб келишди, — дебди Мирали.

— Сен қанақа аҳмоқ чўпонсанки, шундоқ арқону давлатни алдамқочи бўлаясан? Сенинг сасинг беш манзил жойдан туриб Ҳиротга етиб келарканми? Уйлаб гапирсанг бўлмайди, ё калланг

огирлик қилиб қолдими? — дебди Султон Суюн аччиғи келиб.

— Эй, подшоҳи олам! Хева билан Тошовуз байталларининг иси икки ойлик йўлдан Ҳиротга етиб келибди, наҳотки менинг овозим шундоқкина яқин яйловдан туриб эшитилмас?! — деб сўрабди Мирали.

Буни эшитган Султон Суюн олдидан турган киши чўпон эмас, хозиржавоб ва доно дўсти Мирали эканлигини билиб, у билан қучоқлашиб кўришибди.

ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН



Маълумки, табиат муҳофазаси ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Вақтида бу масала ижобий ҳал қилинмаса, оқибати ўнглаб бўлмас даражага етади. Сўнги маълумотларга қараганда, мамлакатимизда ҳар йили ҳавога 70 миллион тонна чанг ва зарарли моддалар чиқиб турар ва бунинг оқибатида, айниқса sanoati ривожланган шаҳарлар аҳолисига 500 мингдан ортиқ модда ўз таъсирини ўтказар экан. Мамлакатимизнинг 102 та ана шундай шахрида зарарли моддаларнинг ҳавога тарихи йўл қўйиладиган даражадан бир неча ўн барабар ошиб кетган. Афсуски, бизнинг жумҳуриятимизда ҳам бундай шаҳарларнинг миқдори кўпайиб бормоқда. Навоий, Чирчиқ, Қўқон, Фарғона, Андижон, Олмалик, Оҳангарон, Бухоро шаҳарларидаги кимё, нафтни қайта ишлаш, пахта тозалаш sanoati, қурилиш материаллари sanoati корхоналари, иссиқлик электр корхоналари ҳаво ҳавасини ифлослантирадиган энг йирик манбалар жумласига кирлади. Шунинг учун бу корхоналарнинг joyлашувини назорат қилиб, ҳавонинг аҳолини мунтазам текшириб туриш зарур. Афсуски, бундай текшириш қурилмалари жумҳуриятимиздаги mavjud 124 шаҳарнинг атиги 23 тасида бор.

Қадим замонларда ҳам атроф-муҳитнинг инсон аъзоларига таъсирини олимлар билишган ва уларни ижобий ҳал қилиш устида чора-тадбирлар белгилашган. Табобат илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино, агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганда инсон минг йил яшарди, деб божиз айтмаган. Ҳозирги кунда фан-техника тараққиёти, шаҳарлаштиришнинг (урбанизация) саводсизларча олиб борилиши, кимё sanoatinинг режасиз суратда юксак тараққиёти ва унинг маҳсули бўлмиш кимёвий дориларнинг пала-партиш ишлатилиши инсон саломатлигини жуда оғир аҳволга солиб қўйганлигини биз ошкоралик сабабли билмоқдамиз. Илгари мамлакатимизда бу ҳақда жуда тор доиралардагина сўз борар ва бу гаплар ҳам деярли изсиз кетарди.

Ҳозирги қайта қуриш, жамаиятимизни руҳан батамом янгилаш даврида жумҳуриятимизнинг пойтахти Тошкент шаҳри ҳавосининг софлик даражаси қандай? Яъни, шаҳар фуқаросининг тоза нафас олишига ёки ўз саломатлигидан беҳавотир яшашга имкон борми?

Кейинги йилларда шаҳар оби-ҳавосининг мусаффолиги учун бир қатор тадбирлар қу-

рилади. 1987 йилги маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳри ҳам захарли моддалар чидаса бўладиган даражадан ошиб кетган шаҳарлар қаторига киритилган. Кейинги йилларда шаҳарда 300 га яқин чанг ушлайдиган ва газни тозалайдиган sanoat қурилмалари фойдаланишга топширилди ёки қайта таъмирланди. Чунончи, консерва, пахта тозалаш заводлари, гўшт комбинати, саралаш-ювиш фабрикаси, асфальт-бетон ва йўл қурилиши хомашёлари, корхонаси шаҳардан четга чиқарилган. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва 1991—1995 йилларда шаҳарнинг тарихий ноҳияларини қайта таъмирлаш ишларини жадаллаштириш бўйича биринчи навбатдаги тадбирлар ҳақида қарор қабул қилдилар. Қайта қуриш шарофати туфайли ушбу ниҳоятда зарур қарор юзага келди. Бу қарорда қайд этилишича, шаҳардаги табиат мувозанатини сақлаб туриш учун зарарли корхоналарни шаҳардан четга чиқариш режалаштирилган. Тошкент вилояти ижроия қўмитасига ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига ана шу мақсадлар учун тегишли ишларни бошлаш таклиф этилган.

Ҳозирги кунда пойтахтимиз ҳавосига жиддий таъсир кўрсатаётган корхоналар жумласига қўйиладигарини киритиш мумкин: шаҳар транспорти, машинасозлик қурилиши, ёнлиг-энергетика, кимё, енгил, озик-овқат sanoati, қурилиш sanoati корхоналари ва турар-joy мавзёларидаги ҳамда халқа йўли атрофида joyлашган ахлатхоналардан чиқаётган ёнғинлар. Шунингдек, буларга яна куз пиллариди ёндирилаётган хазонларни ҳам киритиш мумкин. Шаҳар ҳавосини ифлослантираётган асосий манбалардан бири транспортдир. Бу масалани ижобий ҳал этиш учун биринчи навбатда шаҳар автотранспортини газ билан ишлашга тўла ўтказиш керак. Бизга маълумки, шаҳримиз кўчаларида кейинги вақтда газ билан ишлайдиган транспорт воситалари кўпаймоқда.

Назаримизда, пойтахтимиз ҳавосининг бузилиш сабабларидан яна бири шаҳарда дарахлар ва боғларнинг камайиб кетганлигидир. Ҳозирги пайтда баъзи ноҳияларда дарахтзорлар жуда кам, борлари ҳам манзарали, парвароши муҳтож. Ҳар йили минг-миглаб пул сарфланиб экилаётган кўчатлар нобуд

бўлмоқда. Аҳолиси икки миллиондан ошган шаҳримизда дам олиш боғлари ва яшил хиёбонлар ҳам бармоқ билан санарли, борлари ҳам эътибордан четда. Ахир, тоза ҳаво манбаи бўлмиш бундай оромгоҳларнинг камлиги кишиларнинг талаб-эҳтиёжини ҳам мутлақо қаноатлантирмайди ва ўзининг табиий «хизмати» билан ҳам шаҳримиз ҳавосини тозалай олмайди. Табиат муҳофазаси билан шуғулланувчи олимларнинг фикрича, иқлимни мўътадиллаштиришда, ҳавонинг соф тутишда дарахлар муҳим ўрин эгаллайди: улар табиий чанг тутқич вазифасини ўтайди ва шовқин-суронни ҳам камайтиради.

Пойтахтимизнинг шундай биқинида жойлашган Чирчиқ шаҳри sanoatinинг тутуни захарли чиқиндилари об-ҳавони ифлослантиришнинг асосий манбасидир. У ерда жойлашган кимё sanoati корхоналари шамолга тескари жойлашган. Шу сабабли тоғ томондан эсан шамол Чирчиқ корхоналаридан чиқаётган захарли моддалар аралаш тутунни шаҳримизга ҳайдаб келтиради. Айниқса, у ерда «Капролактан» корхонасининг қурилиш вазиятини янада кескинлаштириб юборди.

Ҳа, Шарқ дарвозаси саналган қадимий шаҳримиз тобора халқаро алоқалар шаҳрига айланиб, ҳам маънавий, ҳам жуғрофий жиҳатдан кенгайиб бораётти. Аммо энг муҳим алоқа йўли — аэропортнинг тобора шаҳар марказида қолиб кетаётгани жиддий муаммолигича турибди. 70-йилларнинг охиридаёқ аэропорт учун жой қидирила бошланган эди. Юқорида айтиб ўтилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳрини ободонлаштириш борасидаги қарориди таъкидлашчи, аэропортни кўчириш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг комиссиясини тузиш ва бу масалани XIII беш йилликда амалга ошириш мўлжалланган. Ҳозирги аэропортнинг бўшайдиган ўрнини яппи уй-joy қурилиш учун фойдаланиш мўлжалланмоқда.

Аминимизки, жонажон пойтахтимизнинг ўз сиймоси, ўз оби-ҳавосини сақлаб қолишни ҳамма истади. Аммо бунинг учун истакнинг ўзи камлик қилади. Уйлаймизки, шаҳримизнинг азиз меҳмонлари ва меҳмондўст Тошкент аҳли ҳам ана шундай эзгулик ишларига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Ҳосил КАРИМОВ



ЎЗИМИЗНИ АЛДАМАЙЛИК

«Гулистон» журналининг ўтган йил 9-сониди босилган «Нуқсонларимиз сояси» мақоласини ўқиб жуда таъсирландим. Айниқса, кўзбўямачилик, алдоқчилик, хушомад-

гўйлик каби иллатлар ҳақидаги муаллифнинг мулоҳазалари ҳаққоний гап. Мақоладаги: «Ҳа, марказдан келган раҳбарларга, ҳатто вилоят партия комитетларининг биринчи котибларига ҳаётни пардозлаб кўрсатиш иллатидан ҳалиям кутула олганимиз йўқ», деган фикр жуда-жуда тўғри. Мен ўқитувчи сифатида шу жумладан бошлаб мақоланинг то охиригача бўлган қисмини ёзма иш учун текст сифатида танлаб олиб, XI-синфда диктант ёздиртирдим. Мақсад ёшларга бор ҳақиқатни сингдириш эди. Ўқувчилар ҳам шу лавҳанинг моҳиятига эътибор беришиб, парчанинг қандай мақоладан олинганили-

ги билан қизиқдилар. Лекин мақолада эътирозли ўринлар ҳам бор: «Хуллас, ҳамма нарса бўяб битилади. Буни кўрган раҳбар, «аҳвол яхши экан» деган тасаввур билан қайтиб кетади», деган мулоҳаза мунозарали. Чунки баъзи ношуд раҳбарларгина бундай кўзбўямачиликларни «кўрмай», «аҳвол яхши экан» деган тасаввурга келишлари мумкин. Шуниси ачинарлики, кўпгина раҳбарлар бундай «усти ялтироқ, ичи қалтироқ қалбакиликнинг барча «сиру асрорини» яхши билишадими, лекин «туя кўрдингми — йўқ» қабилида иш қўришиб, жилмайибгина ўтиб кетаверадими. Шу тарзда «қуйи-

лар» томонидан йўл қўйилган кўзбўямачиликка, алдоқчиликка «юқорилар» ҳам истар-истамас шерик бўлиб қолаверадилар. Яна шуниси ҳам борки, баъзилар «Нуқсонларимиз сояси» каби мақолаларнинг фақат сарлавҳасигагина кўз қирини бир бор ташлаб қўядиларда, қолганини ўқимайдилар. Бунга уларнинг вақти ҳам йўқ-да...

Афсуски, шу зайдда қўпична гап эгасини топмай қолади.


Истагимиз, қолаверса, муддаомиз ҳам гап эгасини топса ҳаммаша.

Иброҳим БОБОХУЖАЕВ,

ўқитувчи, Улуғ Ватан уруши ветерани.

Достон

УСМОН АЗИМ



ТОШ ПАРИ

1 Тўнғич Ботир

Еру осмон ошиқ, Тош пари,
Жамолингнинг овозасига.
«Е насиб!..» деб, урдим бош, пари,
Тош кўнглингнинг дарвозасига.
Денгизингдан юриб ўтдим мен,
Суздим қаҳринг қумистонида,
Чўлдан хасдай кўриб ўтдим мен —
Етдим васлинг гулистонида.
Сени толдим — шу бас, худойим!..
Фақат, пари, буюрмагин: «Қайт!..»
Тош қасрда турган, тош ойм,
Сенинг учун нима қилай, айт?

ТОШ ПАРИ

Қара, сочим қандай тўлғоқдир,
Хар толаси —
Бир умр мавжи.
Сочимни деб дунё уйғоқдир,
Сочим гарчи кўнглимнинг ранжи
Банди қилдим қирқ кокилимга
Қирқта юртинг
Қирқ полвонини.
Ботир,
Мени қўйсин ҳолимга —
Қирқнинг ҳам олгин жонини.

Тўнғич Ботир

Мана, қирқта ошиқ юрагин
Сочларингга айладим қурбон.
Айт, Тош пари,
Қўрқма,
Тилагин —
Сенга керак яна қанча жон?

ТОШ ПАРИ

Кўзларимга қарагин — қақин.
Боқсам —
Беҳуш йиқилар дунё.
Кўзларимга келолмай яқин,
Олисларда тўкилар дунё.
Қирқта девни —
Қирқ паҳлавонни
Ванди қилди қақин нигоҳим...
Қирқнинг ҳам олгин жонини —
Эшитмайин уларнинг оҳин.

Тўнғич Ботир

Пари,
Мана, сенга қирқта бош.
Қирқини ҳам сўйдим бехато!
Не буюрсанг —
Бераман бардош,
Не амр этсанг —
Қиламан бажо...

ТОШ ПАРИ

Юзларимга қарагин — ойдир,
Еру кўкни этган мунаввар.
Хар ёгдуси
Ноз оққан сойдир,

Ошиқларни ютгучи аждар.
Остонамда чекади ҳасрат
Қирқ шаҳзода
Қирқта баҳодир..
Сен уларга шафқат қил,
Фақат
Жонини ол..
Танини қолдир!

Тўнғич Ботир

Қўлларим қон — ишладим
бетин..
Боққин, пари,
Мана, қирқта жон,
Жон суғурдим сесканмай этим..
Энди етгум васлингга қачон?

ТОШ ПАРИ

Бу дунёнинг висоли, ботир,
Ваъзан йўлдан қайтгучиларга.
Бахтларидан олмай хавотир
«Йўқ» сўзини айтгучиларга!
Хизматларинг қаҳримни
боғлар..
Аmmo тилга келмас шод баёт.
Висолимга етадир шоҳлар.
Тўнғич ботир,
Сен энди... —
Жаллод.

Тўнғич Ботир

Қаҳру ғазаб қилма, Тош пари!
Бир сўз айтгин,
Бир кара майин.
Ёқаларим жикқа ёш, пари,
Сўйла,
Яна нима қилайин?

ТОШ ПАРИ

О, нақадар бешафқат ҳаёт!
Кўргуликка
Қисматни кўндир.
Тўнғич ботир!
Энди сен — жаллод!
Жаллод учун яшамоқ жўндир.



Тўнғич Ботир

Айт,
Осмонни қонига бўйай,
Буюр,
Қўйдай бўғизлай Ерни!
Мурдасини пойингга қўйай..
Пари, фақат севгингни бергин.

ТОШ ПАРИ

Тиканлари қўлимга ботур —
Сен учун гул тера олмайман.
Сен — жаллодсан!
Тушунгин, ботир,
Жаллодга дил бера олмайман.
Висолимдан
Умидингни уз,
Визинг гурбат масканни тарк эт.
Денгизда юр,
Қумда яна суз —
Эл-юртингга соғу омон ет.

Тўнғич Ботир

Рухсат бергин,
Айланай бедор
Олтин кўшкинг теғарасини.
Итинг бўлиб кўриқдай хушёр
Оромингнинг чегарасини.
Севгинг менга керакмас,
Фақат
Пойингга бош қўйиб турсам бас.
Пари,
Менга ёвингни кўрсат —
Сўйиб,
сўйиб,
сўйиб турсам бас...

ТОШ ПАРИ

Менинг итим,
Жаллодим маним!
Қали хизмат қилажаксан кўп.
Қуллуқ билан энгашгин, қани..
Қани, энди оёгимни ўп.

2

Уртанча Ботир

Тушларимга кирдинг —
Қўймадинг,
Фарқ қолмади туну кунимда.
Остонамга етдим —
Улмадим —
Пари, карам этгин қулингга.
Дарёларни хатламай ўтдим,
Аждарларни кесмай ўтдим мен.
Девларингнинг тишини тўқдим,
Девларингни змай ўтдим мен.
Келдим!
Пари, тошлигингни қўй!
Табассум қил,
Айлагин ҳиммат.
Айёр-айёр бошлигингни қўй —
Буюр, пари,
Бемакр хизмат.

Юзларимга қара —
Сорингдир,
Лабларимга қарагин —
Хазон.
Ох, ўзгалар йўли ёруғдир,
Менинг йўлим тортгай шабистон.
Қирқта пари —
Қирқта кабулар
Чарх уришар қастимда, ёҳу.
Ой талъатли бу қирқ жодугар
Бахтимизга кўшади оғу.
Ҳаммасининг қарашлари гар,
Ҳаммасининг кўзлари сузгун.
Ҳаммаси ҳам яна санобар..
Ҳаммасининг бошини уагин!

Уртанча Ботир

Париларни аввал қийнадим —
Хўп синдирдим
Қанотларини,
Вўғзарларида
Пичоқ уйнадим —
Шундоқ сўйдим ҳаётларини.
Севгинг қўйди билакларимга
Бир жасорат —
Сесканмас, ғаюр.
Пари, етгум тилақларимга
Фақат буюр,
Қўрқмасдан буюр..

ТОШ ПАРИ

Сочларимга қара —
Оқарди,
Юрагимга қара —
Таҳлика.
Қирқ шаҳардан, ахир, боқади
Ҳасад билан
Қирқта малика.
Бир балолар ҳавода..
Ёҳу!..
Сезаяпти қурмагур, сезгим.
Улар қилгай сени ҳам жоду,
Айрилан сендан ҳам,
Севгим.
Бир имонгга ҳаммаси интиқ,
Ҳаммаси ҳам суяқ,
Енгил ўй.
Яна бари..
Гўзалу тиниқ!..
Бор, ботирим,
Ҳаммасини сўй!

Уртанча Ботир

Ҳаммасига иқбол тиладим,
Ва суҳанлар қилдим хушгаъмиз.
Сочларини сўнгра силадим,
Ишқим этди уларни каниз.

Тўшакларни
Сархуш тебратиб,
О, лабларга лабимни қўйдим.
Қўлларимни белга чўлғатиб...
Сўйдим!
Пари, барини сўйдим...

ТОШ ПАРИ

Хавотирли кунларим бисёр.
Эрка Боги Эрамда —
Ташвиш.
Муҳаббатга содиқ хизматкор,
Менинг учун
Яна кўрсат иш.
Бу шаън қаср ичида кезар
Аламзада қасос шарпаси.
Хатар —
Ақлу ҳушимни эзар
Ва қутаман ҳар он зарбасин.
Тўнғич ботир туну кун қайрар,
Ўч тигини,
Алам тошини.
Истар —
Қолса ишкимиз бесар...
Жонини ол...
Эмчақдошингинг!

ЎРТАНЧА БОТИР

Кўрдим:
Акам, қўлида пичоқ,
Зах тупроққа босиб жисмини,
Малуллиқда йиғларди ҳар чоқ —
Такрорларди сенинг исмингни.
Қаршида қанча бошсиз тан,
Атрофида қонлиғ халқоблар.
Кимки савол сўраса сендан
Пичоқ билан
Вермиш жавоблар.
«Шўрлик акам!.. —
Мен ҳам бўзладим...
Аммо
Пари, ҳукмингдир барҳақ!
Сен ёдимга тушдинг —
Музладим...
Пичоқ урдим
Юрагига нақ!
Кўзин ўзим юмдим, ҳойнаҳой,
Йиғлаб
Ўпдим пешонасидан...
Энди, пари, бергин менга жой
Юрагингнинг кошонасидан.



ТОШ ПАРИ

Ҳовлиқмагин,
Содда-ғўр ботир...
Менинг аслим,
Наслим паризод.
Пешонаси мангу шўр ботир,
Кимлигингни англа:
Сен — жаллод!
Гул кўнглимини кўрмайман раво
Ўзморини қонлиғ қўлларинг.
Мен жаллодга тенгманми?
Асло!
Фалак ишқи менинг йўлларим...

ЎРТАНЧА БОТИР

Нима дединг, пари?..

ТОШ ПАРИ

Сен — жаллод!

ЎРТАНЧА БОТИР

Рухим торти ногаҳон толғин...
Ўмрим қачон бўлдию барбод,
Мен...
Жаллодга айланиб қолдим?

ТОШ ПАРИ

Ўйнаб-ўйнаб ўлдирдинг,
Е раб,
Куйлаб-куйлаб қилдинг
корингни.

Ҳатто...
Ҳатто айладинг ғорат,
Худо берган
Биродарингни.

ЎРТАНЧА БОТИР

Нима қилай?
Паризод, буюр!
Менга бўлғай қай маскан паноҳ?

ТОШ ПАРИ

Ботир, ўлди,
Ўзингни ўлди!
Сенга бошқа нажот йўқдир, ох...

ЎРТАНЧА БОТИР

Дунё бирдан туюлар азиз,
Ажал берса ўзингга худо.
Севаман, де менга, пари қиз,
Паризодим...
Жоним...
Алвидо!..

3

ТОШ ПАРИ

Боғи Эрам ороми сенга,
Менга ишқнинг жузункор шавқи.
Товусларнинг хироми сенга,
Менга — ошиқ юракнинг мавқи.
Субҳидамнинг оллиги — сенга,
Менга қолсин қоронгу шомлар,
Лабларимнинг боллиги сенга,
Менга бўлсин оғули жомлар,
Сенга тортиқ гулдаи баданим.
Тиканларинг мен учун бўлсин.
Сенга ҳада — севгим гулхани,
Шиканларинг мен учун бўлсин.
Қанотларим сенга, ботирим,
Қўшлар учган фалагим — сенга,
Ҳаётларим сенга, ботирим,
Ишқни қучган юрагим — сенга.
Сен — келмадинг —
Йўл юрдинг узок,
Ўзоқ бўлди
Кутмоғим маним.
Ўртамизга
Солгани фироқ,
Қамал қилди қалбимни ғаним.
Аммо ҳозир озод ўйнагин —
Ошиқларим —
Бари тупроқда.
Қучоғингда мен ҳам куйлағум —
Рақибларим ўлдаи қийноқда.
Ажабтовур бўқасан нечун,
Кенжа ботир —
Эй, инжа ботир?
Қарашингда —
Хатарли тугун,
Юрагимга тушди хавотир...

КЕНЖА БОТИР

Чархнинг
Темир деворларига
Бошим уриб, солғум келар дод.
Ўтдинг дунё хунхорларидан —
Пари,
Сен ҳам жаллодсан,
Жаллод!

ТОШ ПАРИ

Сен боиссан хунхорлигимга!
Ошиқ кўнглим сўзига қўндим —
Ишқим тиғи,
Рашким тиғида
Не жононлар,
Не мардлар ўлди.
Кезгин, ботир, бекайғу, бедард
Муҳаббатнинг маъволарида.
Энди ёнсин кўзларинг беашқ
Ишқнинг зангор ҳаволарида.

КЕНЖА БОТИР

Қарамади менинг раъйимга...
Такдир ҳукми оғир,
Паризод.
Учар қушсан —
Қўқдан айрилган,
Сен — жаллодсан,
Барибир жаллод...

ТОШ ПАРИ

Такрор-такрор айтмагин, эркам,
Қўлим — тоза...
Ишонгин, ишон!

КЕНЖА БОТИР

Қон йўллардан, ахир, юргансан,
Ҳеч бўлмаса, оёқларинг қон...
Англамадинг —
Муҳаббат асли
Оловланган имонлигини.
Одамми, ҳур,
Ё пари насли
Ундан кечса тамомлигини...

ТОШ ПАРИ

Менинг каби бечора борми?..
Туманларда тўзғийди йўлим.
Кенжа ботир,
Бир чора борми?

КЕНЖА БОТИР

Бир чора бор...

ТОШ ПАРИ

Биламан, ўлим!
Ҳа, айтгандай...
Қўзимга қара...
Мени зарра севмайсанми?

КЕНЖА БОТИР

Йўқ.

ТОШ ПАРИ

Ўлсам...
Сўлган танимга қараб,
Бирор оғриқ сезмайсанми?

КЕНЖА БОТИР

Йўқ...

ТОШ ПАРИ

Алдамагин...

КЕНЖА БОТИР

Керакмас, пари...
«Йўқ» деганим кўнглингниг
тинчи —
Кетаркансан дунёдан нари
Қолмасин бир тола илинжинг.

ТОШ ПАРИ

Ундай бўлса...
Жоним, алвидо!
Мана, урдим кўксимга пичоқ...
Мени нега қийнайди худо! —
Пичоқ ҳасдай синди-ку бироқ...
Тош таним ҳам
Чидамас ортиқ —
Тез ўлим бер!..
Тўзғисин тўзим!..

КЕНЖА БОТИР

Қолмагунча дунёда бир тиғ,
Ўлдирасан ўзингни ўзинг.
Сенга шундай ўйлади жазо
Мурувватли, қудратли раҳмон —
Тош танимга етгунча қазо,
Ботгунингча тупроққа, тобон...



ТОШ ПАРИ

Сенсиз, эркам, ўлмоғим — осон,
Аммо сенсиз яшамоқ дордир.
Бегуноҳсан,
Тилагин эҳсон —
Тез ўлимнинг чораси бордир?

КЕНЖА БОТИР

Жаллод билан тутмас иттифок,
Пари,
Кўкнинг раҳмати тинди.

ТОШ ПАРИ

Жоним, хайр!..
Қўлида пичоқ...
Мана!..
Синди!..
Ох, яна синди...

4

МУАЛЛИФ

Санъат балки авради,
Балки ақлдан оздим, —
Оғам, сени алладим
Оғажон, ёлғон ёздим.
Ўзгаларнинг дардида
Куйдим, деган зотлар кўп.
Юрагимнинг гирдида
Жаллодлар кўп, ётлар кўп.
Кенжа ботир бедарак...
Кўндирганми, Тош пари?
Жаллод қилиб уни ҳам,
Ўлдирганми, Тош пари?
Тирик бўлса, отини
Вурмасмиди, оғажон?
Савашларда ёнимда
Турмасмиди, оғажон.
Пичоғи мўл дунёнинг
Қиличи мўл,
Тиғи мўл...
Такдирга ҳам Тош пари
Топганим бир айёр йўл —
Бўлмаса, бахт йўлида
Берамидик шунча жон...
Тош паридан яшашни
Ўргандикми, оғажон?
Эртақлар ҳам тўзғиди,
Оғрингандай эранлар.
Қуригандай жасадага
Тўлиб Боғи Эрамлар...

Ҳар гапни, оғажоним,
Олаверма юракка!
Фалакка бир қарагин —
Қуёш бордир фалакда!

ХИКОЯ

ХИКОЯ

Ва шаббода қургур илк сахар
Олиб кетди гулнинг тотини.
Хамид Олимжон

Нигоранинг юраги гашлана бошлади. Бекатнинг одам камроқ томонига ўтди. Мана, келишилган вақтдан ҳам ўн беш минут ошаяптики, йигитидан дарак йўқ. Узоқдан келмайди, ана, ишхонаси яқин, уч минутлик йўл...

Қулқоннинг пардасини йиртгудек момақалдирак гумбуради. Ҳозиргина чарақлаб турган қуёш юзини булут қоплади. Нигора соатига қаради: етти ярим. Унинг кўксига нимадир узилгандай чим-м этди. Юрак уриши тезлашди. У бир жойда туролмасди, секин у ёқдан бу ёққа юра бошлади. «Ишхонасига кириб чиқсамми-кан? Тинчликмикин ишқилиб?.. Ахир тўй масаласини гаплашиб олмақчи эдик-ку... Нега келмайтикин?.. Қўнғироқ қиламан...»

Қиз телефон-автомат томонга юрди...
— Алло, Фарҳод ака...
— Нима? — деган овоз келди трубкадан.

— Нега чиқмайсиз?
— Вақт йўқ!
— Вақт йўқ? Нега, ахир...
— Вой, мунча энди... Вақт йўқ, дедим-ку. Уртоқларим кеп қолишди.

— Шунинг шундоқ чиқиб айтиб қўйсангиз бўларди-ку... Ахир бугун... тўй масаласини...
— Хотин кишининг эзмалигини ёқтирмаман-да. Бунча шошмасангиз! Бир кун бўлади-да шу тўй. Тўйсираб қолдингизми шунчалик!.. Бошқа кунни гаплашамиз, хайр!

Нигора телефон дастасини илгакка осдим-йўқми — билмайди. Унинг хаёллари пардай тўзганди. Сумкасини қўлтирига қисганча бир-бир босиб борар, қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмас эди. Ҳозир уни бошсиз оёқларига белгисиз томонга кўтариб кетмоқда эди...

Чақмоқ чақди. Нигора чўчиб тушди. Бирдан ён-атрофиغا аланглади, хаёлини йиғиштириб олди. «Қаёққа кетаяпман, кимнинг олдига бораёпман?» Хиёбон четидаги скамейкага ўтирди. Ҳозиргина рўй берган воқеалар тушидими-ўнгидими бўлганини бир лаҳза англай олмай қолди. Еру осмон қоп-қора тул олдди. Нигора ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо туролмади, узоқ ётган бемордек ҳолсиз, мадорсиз эди. Фарҳодни, у билан илк бор танишган кунларини, учрашувларини эслади. Қандай бахтиёр дамлар эди. Наҳотки, уларнинг ҳаммаси аччиқ ўтмишга айланса?! Унинг шунча ваъдалари ёлгонми? Наҳотки, йигит киши шунчалик субутсиз бўлса... Наҳотки? Ҳар гал учрашганимизда хаёл қиладиган орзуларимиз, ниятларимиз пучмиди?

Шунча орзу-ҳавасларни, ваъдаларни фақат ўзининг қабих ниятига етиш учун қилганмиди? Узим-чи?.. Шунчалар гўл, оварсамми? Бу мулклар эмас? Фарҳод ака унақамас... У ҳолда бугун нега чиқмади? Уртоқлари келса нима қилти? Чикиб шунақа бўп қолди, деса ёқасидан олармиди... Неча ойдан бери ана совчи боради, мана совчи боради, деб келади... Йўқ, бу ерда бир гап бор... «Хотин кишининг эзмалигини ёмон кўраман... Тўйсираб қолдингизми?..» Нима дегани бу? Хотин! Ахир мени...

Қиз ўқиб йиғлаб юборди, ўзини тутолмади. Юз-кўзларини рўмолчаси билан беркитиб йиглар, бутун вужуди қалт-қалт титрар эди. Йиғлагани сари ичидан алам, ўртаниш бостириб келар, бу туйғулар кўз ёшларига айланиб сизиб чиқар эди...

* * *

Январнинг ўрталари эди ўшанда. Ҳали кўчалардан, трамвай-троллейбуслардан янги йил шiorлари олинмаган. Магазинларнинг ойналаридаги совға кўтарган Қорбобо расмига болалар ҳавас билан термулишади. Одамларнинг кайфиятини ҳам байрам руҳи тарк этгани йўқ.

Нигора учрашувга сал кечикиб келди.

— Қизларнинг одати йигитларни куттириш экан-да, — деди Фарҳод жилмайиб. — Яна биров келмасангиз музлаб қолардим.

— Ҳечқиси йўқ. Сиз унча-мунчага музламайсиз. Бордию музласангиз, ўзим эритиб оламан.

— Мени эритишга нафасингиз етармикин?
Нигора ҳам бўш келмади:
— Шу қадар қаттиқ эмасдирсиз.

Кулишди.
— Йўқ, унчалик қаттиқ эмасман, — деди Фарҳод қўлидаги тўрхалтага ишора қилиб. — Мана, эриб келдим.

— Нима ҳаракат?
— Виласизми, Нигорахон, бир таклиф бор. Йўқ деманг.

— Қани, аввал эшитайлик.

— Совуқни қўриб турибсиз. Бу совуқда киноям унча ёқмайди. Хўп десангиз, бир жойга борамиз.

— Қаерга, билсак бўладими?
— Менинг бир ўртоғим бор...

— Турган кунгами?

— Вердисини айтгунча уриб ўлдирманг. Уша ўртоғим уйининг калитини менга бериб кетган. Ҳар замонда хабар олиб турарсан, деб тайинлаган. Ҳозир иш билан Москвага кетган. Ҳеч ким йўқ, икковимиз гаплашиб ўтирамиз. Музика қўямиз. Майда-чуй-

да олганман, сиз овқат пиширасиз. Қани кўрайлик-чи, қанақа пазанда экансиз.

Нигора жилмайди.
— Мени синаб қўрмоқчимисиз?

— Синовмас-ку, ҳар қолда...
— Менимча, бу синовингиздан қийналмай ўтсам керак.

— Кетдикми?
— Қандай бўлар экан?

— Қандай борми, жуда яхши бўлади-да, иссиққина уйда суҳбатлашиб ўтирганга нима етсин.
— Негадир оёғим тортмаяпти. Фарҳод унинг қўлтигидан олди.

— Қўйсангиз-чи, шунақа эскича гапларни. Ким айтди сизни замонавий қиз деб.

— Бировнинг уйига бориб ўтириш... Эгаси йўқ... Қандайдир галати-да.

— Юринг-юринг, — деди Фарҳод уни олдига бошлаб, — биров эмас, менинг ўз уйимдек гап. Бўлмас менга калитини ишониб бериб кетармиди. Еки гапимга ишонмайсизми? — У чўнтагидан калит олиб кўрсатди. — Мана...

Уртоғининг уйи Қорақамишда, тўртинчи қаватда экан. Жиҳозлар, буюмлар чет элники, қимматбаҳо. Уччала хона ҳам ҳашамдор.

— Уртоғингиз яхши турар экан. Бирга ишлайсизларми?

— Узумини енгү боғини сўраманг, Нигорахон. — Фарҳод тўрхалтадаги нарсаларни олиб столга қўя бошлади. — Бошқа жойда ишлайди. Бизнинг маошларга қаноат қиладиганлардан эмас бу...

Нигора уйни кўздан кечираркан сўради:

— Бола-чақаси қаерга кетган?

— Қизиксиз-а, Нигорахон.

Унинг бола-чақаси... йўқ, чақаси бор, боласи йўқ.

— Нега? — Ҳайрон қолди Нигора. — Уч хонали уйда ёлғиз ўзи турадимиз?

— Оббо, сизни боғчада тарбиячи десам, туппа-тузуқ терговчи ҳам экансиз-ку. Воалари бор эди, ҳозир йўқ. Хотини кетиб қолган. Ундан кейин, йўлини топган одам битта ўзи уч хонали эмас, тўрт хонали уй ҳам олаверади. Огайим ана шунақа йўлини биладиганлардан.

Нигоранинг юрагига аллақандай шубҳа соя ташлади. «Сен дўстинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман. Наҳотки? Йўғ-е, ундай бўлиши мумкин эмас...» У зимдан Фарҳодни кузатган бўлди. Йигит чаққонлик билан масалдиқ тайёрлар эди.

— Ҳўш, Нигорахон, нима

овқат ясайми? Тергов тугади шекилли...

Нигора индамади. Оҳиста бориб радиоприёмник кулгоғини бурди. Концерт бўлаётган экан:

Сен сози муҳаббатсан, гулшанда гули раъно,
Ишқингни кўча-қўйда юргувчи гадо қилма...

Иккови биргалашиб димлама пиширишди. Фарҳод қонак очди.
— Мен ичмайман, Фарҳод ака.
— Озгина-озгинадан.
— Барбир.
— Ҳув анави кунни ичувдингиз-ку.

— Унда сизнинг тугилган кунингиз эди.

— Бугун ҳам жиндақина, кўп эмас. Бусиз галати, нимадир етишмагандай кўринади. — Йигит қонак тўлдирилган биллур қадаҳни Нигорага узатди. — Қани, олинг. Сизнинг соғлигингиз учун!..

Аста-секин қадаҳлар бўшади. Гап-гапга қовушиди, кулфи-диллар очилди, юзлар лола рангини олди. Қайноқ бўсалар газак ўрнига ўтди. Бир-бирдан ширин орзулар, хаёллар. Уларнинг чеки-чегараси йўқ эди. Тўйдан кейинги саёҳатлар... Улар ҳозир бетон уйнинг тўртинчи қаватида эмас, осмону фалакда, парку булуллар устида, турфа орзулар оғушида эдилар. Дунёда улардан бахтли, улардан шод одам йўқ эди гўё...

Нигора ўрнидан туриб, сочларини тўғрилади. У йигитга қарай олмасди. Фарҳод ичкилик, севги шаробидан сархуш эди.

— Энди нима бўлади? — Нигоранинг овози титраб чиқди. Йигит индамади. Қиз аста ортга ўгирилиб, унга қаради. Фарҳод нигоҳини бир нуқтага қадаганча миқ этмай ётарди. Унинг бу қадар бамайлихотирлиги қизнинг юрагига шубҳа солди. У саволини яна такрорлади. — Нима бўлади энди?

Фарҳод жойидан туриб ўтирди.
— Ҳеч нарсас. — Негадир унинг товуши ҳисси, туйғусиз эшитилди. — Эртани-кечми барбир бир кун бўладиган иш-да.

— Лекин ҳар ишининг вақтисоати бор.

— Вақтисоати бугун экан-да, — деди Фарҳод илжайиб.

— Бугун эмас эди...

— Нима, менга ишонмайсизми? Бўлмас нега рози...

Нигора ялт этиб Фарҳодга қаради. Унинг бу қарашига ҳайрат, ажабланиш, савол, айни чоғда нафрат муҳассам эди.

— Фарҳод ака?!

Фарҳод қизнинг сочлари ёйилиб турган елкасидан қўчди.

— Ҳазиллашайман, жоним.

Қиз турган кўйи:

— Бу ерга олиб келишдан мақсадингиз шумиди?! Юрагим бир балони сезган эди-я.

— Қалбингга қулқоқ сол, деб беркорга айтишмаган-да.

Қиз йигитнинг қўлларини силтаб ташлади.

— Уялмайсизми?

— Асабийлашманг, азимим. Бу гаплар ҳазил. Сал кунлар илисин, совчилар боришади. Баҳорда тўй қиламиз. Хавотир олманг, ҳаммаси жойида бўлади.

* * *

Уша гапга ҳам, мана, тўрт ой бўлди. Лекин ҳамон совчилардан

дарак йўқ. Қайтага муомаласи ўзгариб бормоқда. Баъзан учрашувга ҳам келмайди-да, кейин турли баҳоналар топади. Олдинги ширинсуханлик йўқ, орзу қилишлар, ҳаёл сурешлар камайган. Нигора Фарҳод билан ўтказган дамлари бирма-бир тахлил қила бошлади. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан, гап-сўзларидан сунъийлик, ясамалик топаётгандек эди. Нега шу пайтгача эътибор бермади-я? Одамнинг боши тошга теккандан сўнг кўзи очилар экан-да... Бугун бунақа муомала. Муддаоси нима? Наҳотки, мени лақиллатиб юрган бўлса?

Нигора ўзи билан ўзи олишар, томчилаётган ёмғирга ҳам эътибор бермас эди. У оғир хўрсиниб, ўрнидан турди. Ҳали вақт эрта эса-да, ҳаво айнигани учун қоронғи тушиб қолди. Нега бош индамидим? Шартта олдига кириб бориб, очиқ-равшан гаплашиб олсам бўларди-ку. Ниятингиз нима, деб сўрасам еб қўярмиди. Ўзим ҳам ўлгудай кўнглим бўш-да...

Ёмғир кучайди. Ҳаш-паш дегунча усти ҳўл бўлди. «Тезроқ уйга кетиш керак...» Бекатнинг соябони остида ёмғирдан паналади. Совуқданми, аламданми, дагдаг титрарди. Икки кўзи автобус йўлида, лекин онда-сонда ўтиб қоладиган енгил машиналарни ҳисобга олмаганда, кўча жимжит. Ҳатто кўрқинчли. Нигора нима қиларини билмай қолди. «Нариги кўчага ўтай-чи, балки у ердан такси-пакси бўлар».

Кўчани кесиб ўтаётган эди, бир машина олдига келиб қаттиқ тормоз берди. Ёлдирақларнинг чийиллаганидан у кўрқиб кетди. Шофёр ойнадан бошини чиқариб бақирди:

— Ҳой, таъвия, кўзингга қараб юрсанг ўласанми?! Ёмғирда базўр тўхташиб қолдим. Акс ҳолда, дабдаланг чиқарди. Сен-ку, гўрға, аммо менинг бешта боламини Ойшахолаган боқадими?!

У сўкина-сўкина машинасини юргизиб кетди. «Бугун нима жин урди мени... Эсон-омон уйга етиб олсам майли эди...»

Такси бекатига борди. Уч-тўрт киши навбат кутиб турибди. Такси йўқ. Тезроқ кела қолсайди, деб ичини ит тирнайди. Бир томондан совқотиб кетди, иккинчи томондан, акаси бир тишини арра, бир тишини болта қилиб ўтиргандир. Мўлжалдан сал кеч қолса, ўша кунни Нигора сўроғу маломатдан қутулмайди. Фарҳод билан муносабатини ҳам билмайди. Билса, гўштини қийма-қийма қиладди. Шу боис Нигора учрашувга кам чиқади, унда ҳам кундузи. Акасига, ўроғимниқига бориб келаман, дейди. Ота-онаси унчалик тергамайди, қайтагина акасини ҳам сал босиб туришади. Бироқ акаси на отаси, на онасининг гапига қулоқ солади. Ҳадеб Нигорани сурштиргани-сурштирган. Қаерга бордиган, қачон бордиган, қанча ўтирдиган, қачон келдиган...

Ниҳоят, унинг навбати келди. Такси бироз юрғач, пулини тайёрлаб қўймоқчи ниятида сумкасини очди. У ёғини титкилади, бу ёғини титкилади. Пул йўқ. «Кундузи бор эди-ку... Тўшликда мен тўламадим... Ҳа, дарвоқе, Ҳалима қарз олувди. Расво бўпти-ку. Энди нима қиламан?» Такси ём-

ғир кўлмақларини шораллатиб елиб борарди. У сездирмай ҳайдовчига назар солди. Йигирма ёшлардаги келишган йигит. Афтидан, инсофли, гапга тушунадиган одамга ўхшайди. Тўғриси айтса кўнар.

— Кечирасиз, — деди Нигора тугилиб. — Пулимни йўқотиб қўйибман. Уйдан олиб чиқиб бераман.

Ҳайдовчи унга савол назари билан бир қаради-да, индамди йўлида давом этди.

Йўл четига турган иккита йигит кўл кўтарди. Машина тўхтади.

— Юнусободгача...

— Чикинлар.

Машина жилди. Кабинани бир зумда ароқ ҳиди тутди.

— Уф, хайрият-эй, — деди йигитлардан бири, — ётгунча одамни тоза хуноб қилди-да.

— Қаердан олиб келдингиз? — деб сўради ёшроғи.

— Ишхонасидан. Роса ичди ўзиям. Оёқда туролмайдиган



Рассом Т. Саъдулла

бўлиб қолди. Базўр таксига солиб келдим.

— Фарҳод ака ўзи кейинги пайтда кўп ичадиган бўлиб қолди-да, — деди ёш йигит.

Фарҳоднинг номини эшитиб, Нигоранинг эти жимирлаб кетди.

«Наҳотки, ўша бўлса, Фарҳод аканинг ўртоқларимикан?» У тишини тишига босди. Индамди йигитларнинг гапига қулоқ осди.

— Бир неча марта айтдим, мунча ичиш нима зарил сенга, дедим. Қаёқда, қулоқ солмайди, дардим кўп, билмайсан, дейди.

— Нима дарди бор экан?

— Э, гап-да, ўзи соғ-саломат, бола-чақаси эсон-омон... Нигора устидан бир челақ совуқ сув қуйилгандек сездди ўзини. «Хотини, бола-чақаси?.. Наҳотки, мени алдаб юрган бўлса?.. Йўқ, булар бошқа одам ҳақида гапиряпти, Фарҳод ака унақалардан эмас...»

— Боя нима дейди-я, бир қизни яхши кўраман, шунга уйланмоқчиман, дейди. Эсингни йиғ, дедим, учта болангни ўйласанг-

чи, дедим. Ичиб олиб роса эзмалик қилди, ҳозиргина кўнгирак қилди, тўй масаласини гаплашамиз, чиқинг деди, чиқмадим, дейди. Ичавериб мияси айниб қолганини нима бало. Қайси аҳмоқ қиз қараб турган экан бу кишига тегаман деб...

Нигоранинг қулоқлари чиппа битди, кўзлари кўрмай қолди. Еру осмон чирпирак бўлиб айлангандай туюлди. Таксида кетаётганини ҳам унутди. Инграб юборди. Ҳайдовчи сездди, сездю-совқотган шекилли, деб ўйлади. Нигора иродасини кўлга олди, бутун кучини тўплади. Бегоналар олдида сирини фош қилишдан ўзини тийди, тия олди. Лекин шу лаҳзада унинг кўзига жамки эрак зоти ёмон кўришиб кетди. Орқада ўтирган икки йигит ҳам, ҳатто мана бу такси ҳам худбин, ёлғончи, мунофиқ. Булар ҳам кимнидир алдаган, бадном қилган... Нигоранинг назарида бутун ер юзини алдамчилик, разиллик, шахсий

сарни бир ҳақиқатга ишончи қомил бўлиб борарди: гишт қолипдан кўчган, кўнгил пиёласи дарз кетган. Сикиқ пиёла кимга керак!

Шофёр йигитга қаради. У икки кўзи йўлда, чапдастик билан рулни бошқариб борарди.

— Уйланганмисиз?

Бу волаб оғзидан қандай чиқиб кетганини Нигоранинг ўзи ҳам сезмай қолди. Томдан тараша тушгандай берилган бу сўроқдан шофёр ҳам гангиб қолди. Ялт этиб Нигорага қаради.

— Йўқ, нимаиди?

Нигора ўзининг саволидан ўзи ҳижолат чекди.

— Шунчаки ўзим... Севган қизингиз борми?

— Бор, — деди ҳайдовчи йигит астагина.

— Чиройлими?

— Қайсидир китобада ўқиганман, ҳар кимнинг севгани ўзинга энг чиройли кўринаркан.

Нигора индамди қолди. Бироздан сўнг яна сўради.

— Астойдил яхши кўрасизми?

— Саволингиз қизик бўлди-ку.

— Менинг гапларимга ажабланманг, лекин сиздан илтимос, севган қизингизни бир умр севинг, ардоқланг. Ахир одам бола-си, айниқас, йигит умрида лоақал бир одамни бахтиёр қилиши керак-ку. Бировни бахтсиз, бадном қилиш осон — ҳар қандай аҳмоқнинг ҳам қўлидан келади. Аммо ўзгаларга бахт бериш — буни ҳаммаам эплаёлмайди... — Унинг лаблари титраб кетди, йиғлаб юборди. Ҳайдовчи Нигоранинг гапларидан, ҳолатидан ҳайрон эди. «Кўринишидан ёш қизга ўхшайди. Гаплари бунақа... Ким ўзи бу?.. Пулим йўқ, дейди. Ўзи сувга тушган мушукдай шалвираб қопти... йиғлайди... Қаёқдан келаяпти...»

Машина тор кўчага кирди. Рўпарасидаги кўк дарвоза олдида бир киши сигарет чекиб турарди. Таксининг чироғи унга тушди.

— Ана, акам туриптилар, — деди Нигора. — Ҳозир пулингизни олиб бераман.

— Керак эмас, — деди ҳайдовчи. Чамаси, тезроқ ундан кутиб кетишни ўйларди.

Нигора таксидан тушиши билан акаси бақира кетди:

— Шу маҳалгача қаерда санғиб юрбасан, ярамас?! — Ака, шомманг, пулимни йўқотиб қўйдим. Таксига пул беринг.

— Тушиб ётган пулим йўқ. — У машинасини буриб олаётган таксичига ўдағайлаб кетди. — Ҳали одамларни текинга ташийдиган бўлиб қолдингизми? Шунча олижанобман денг. Сиз ҳам шу ернинг одамимисиз ёки осмондан тушганмисиз?..

— Менга нима дейсиз, ака? Мен вазифамни бажардим...

Нигора зор қақшаб акасига ёпишди.

— Ака, ахир бу йигитга нега бақирасиз? Бу бечора менга яхшилик қилди-ку.

— Ўчир овозингни! Уйга кир. Уйда гаплашаман сен билан.

Нигора пиқ-пиқ йиғлаганча дарвозадан ичкарига кирди. Унинг дили чиндан ҳам хуфтондек қоп-қоронғи эди.

Ёмғир тинган, шамол булутларни ҳайтаган, осмон тиниклашиб борар эди...

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЖОНКУЯРИ

Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигига бўлган ҳавас, иштиёқ на фақат Иттифоқимизда, балки ундан ташқарида ҳам тобора ортиб бормоқда. Бунга мисол қилиб кейинги йилларда Германия Демократик Республикасида нашр этилган Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар», Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими», «Эсдалиқлар» асарларини, Темир Пўлатовнинг «Мерос», Неъмат Аминовнинг ҳажвий ҳикоялари, Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» қиссасини, шунингдек адабиётшунос олимларимиздан М. Қўшжоновнинг «Шедрост таланта» рисоласига бағишлаб ёзилган тақрир-рефератларни кўрсатиш мумкин.

Мана шу асар ва мақолаларни нашрга тайёрлаган немис олимаси Зигрид Клейнмихел Ленинград Давлат университетининг турк филологияси факултетида таҳсил кўрган. Университетни муваффақиятли битиргач, Берлин шаҳри Гумболд университети қошидаги Осий институтини илмий ходим бўлиб ишлаган. Мана, бир неча йилдири, Клейнмихел хоним Берлинда Германия Фанлар академияси қошидаги адабиёт тарихи институтини катта илмий ходим бўлиб ишламоқда. У СССРдаги туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиёти масалалари билан шуғулланади. Шунинг қайд этиш жоизки, у Ўзбекистонда чиқадиغان газета-журналлар, ҳар бир ўзбек ёзувчиси ёки адабиётшуносининг чоп этилаётган китоблари билан мунтазам танишиб боради. Бугунги кунда олиманинг кўп қиррали ўзбек адабиётининг назарий масалаларига бағишланган ундан ортиқ илмий мақолалари босилиб чиққан. Олима ўз тақрир-

рефератларида немис китобхонларини иш мазмуни билан таништиради, китоб муаллифларининг бу масала бўйича шахсий фикр-мулоҳазаларини баён этади.

Жумладан, З. Клейнмихел М. Қўшжоновнинг «Шедрост таланта» китобига бағишлаб ёзган тақризид шундай дейди: «Қўшжонов ўз китобида 1905 ва 1920 йилларда туғилиб, ўттинчи ва қирқинчи йиллардан бошлаб ижод этган бир гуруҳ ўзбек ёзувчиларининг ижодий таҳлил этади. У ёки бу асарни баҳолашда ёзувчининг тарихий ҳақиқатга қай даражада ёндашганини, қай даражада тасвир ва баён этганлигини мезон қилиб олади. Китобга киритилган мақолаларнинг анчаси, гарчи юбилей муносабати билан ёзилган бўлса-да, — дейилади тақризда, — бироқ уларда Ўзбекистондаги адабий жараённинг кўпгина муҳим масалалари ҳам ўз ифодасини топган. Олима ўз фикрини давом эттириб: М. Қўшжонов ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, С. Айний, А. Қодирий асарларини таҳлил қиларкан, ўзбек совет адабиётида ижтимоий гоёнинг, синфий онгининг шаклланиши энг аввало шу адилбарнинг номи билан боғлиқлигини алоҳида қайд этади. С. Айний, А. Қодирий асарларини ўзаро қиёслаб, бу икки буюк ёзувчининг ижодиди анчагина умумийлик борлигини фактлар билан исботлаб кўрсатган, дейди. «Бироқ, — дея фикрини давом эттиради олима. — Октябр инқилобидан кейин ёзилган илк асарлар асосан ташвиқий характерга эга эди», деган ўринсиз фикрга М. Қўшжонов қўшилмайди ва бу нотўғри тушунчани асослаб беради.

Немис олимаси З. Клейнмихел УзССР Фанлар академияси академиги Иззат Султоннинг «Адабиёт назарияси» дарслиги ҳақида ҳам ихчам тақрир ёзган.

Олима илмий ва ижодий йўлланма билан жумҳуриятимизга бир неча марта ташриф этган. Жонажон ўлкамизнинг кўпгина шаҳарларида бўлиб, у ердаги тарихий обидалар, музейларни томоша қилган, меҳнаткашлар билан учрашган, олий ўқув юртимизда бўлиб, немис тилини ўқитиш масалалари билан қизиққан, шу тилни ўргатувчи талабалар билан суҳбатлар олиб борган. Немис тили факултети ҳамда бўлимларида немис ва ўзбек адабий алоқалари ҳақида суҳбатлар ўтказган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Тил ва адабиёт, Санъатшунослик институтларида бўлиб, адабиётшунос билан учрашган, улар билан ўзбек адабиётининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашган ва баҳслашган. «Ўзбек адабиёти Германия Демократик Республикасида» мавзуда лекциялар ўқиган. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтини немис олимасини танимайдиган киши бўлмаса керак. У ҳозир ҳам институтнинг кўпчилик олимлари билан ижодий алоқа боғлаб туради. Зигрид Клейнмихел бир неча йилдири, «Ўзбек совет адабиётида социалистик реализм методининг шаклланиши ва ривожланиши» монографияси устиди иш олиб борапти.

Сано САИДОВ

Бухоро.

Редакция почтасидан ЖОНИМГА ОРО КИРДИ

Бахтсиз ҳодиса туфайли, ўн оёғининг тиззаси пастидан ажралиб қолдим. Ҳар қалай ёғочдан бўлса ҳам юришим учун қулай бўлсин, деган ниятда Тошкентдаги жумҳурият «Протез» саноат бирлашмасига ясама оёқ буюрттирдим. Теъдда муродим ҳосил бўлди. Аммо қувончим узоққа бормади. Устанинг айби билан «ясама оёғим» 2 сантиметр узун тайёрланган экан. Бу эътиборсизликнинг жабрини икки йил тортидим.

Умуман мамлакатимиз миқёсида ногиронлар эҳтиёжи учун зарур мослама ва ясама аъзолар тайёрлаш жаҳон миқёсидан анча орқада. Бу ҳақда матбуотда ҳақли эътирозлар айтилаётир. Мавжудлари ҳам сифатсиз, фойдаланиш учун анча ноқулай... Ноилоҳликдан қайта оёқ «ясашиш» учун жумҳурият «Протез» бирлашмасининг Самарқанддаги таянч бўлимига бориб мақсадимни айтдим. У ердагилар: «Буюртмангизни Тошкентдаги корхонамиз бажарсинми? Ёки ўзимизда янгича усулда тайёрланаётганларини кўрасизми?» деб қолишди. Маслаҳатлашув мақсадида уста Фёдор Романовский билан учрашдим.

— Сизга шундай бир ихчам протез ясаб берайки, ногиронлигин-

гизни ҳам унутиб юборасиз... — деди у. Сўнг шимининг почаларини кўтариб оёғини кўрсатди. Шундагина атрофимда паравона бўлиб юрган бу одамнинг ҳам оёқлари ясама эканлигини билиб қолдим. Уста айтгандек бир ҳафтадан сўнг буюртма тайёр бўлди. Уни кийди-му елкамдан оғир юк қўлагандай бўлди. Чунки «оёқларим» ниҳоятда ихчам ва енгил, ҳаракатланишга ўнғай, туфлини кийгандай гап эди. Тошкентдаги «Протез» саноат бирлашмаси тайёрлаганлари оғир, фойдаланиш ноқулай. Бусиз ҳам қийналган вужуд азият чекар эди. Самарқандда тайёрланган ясама оёқларни кийганингизда бемалол тиззанингиз ҳам букишингиз мумкин.

Дард қадрини дардманд билади, дейди халқимиз. Фёдор Романовскийнинг ўзи ҳам ногирон бўлиб, ўзи сингари ногиронларга ердан беришни, улар учун қулай бўлган ясама оёқлар тайёрлашни орзу қилар эди. Шу мақсадда ленинградлик усталарнинг ишини ўрганди ва ўша ерда махсус малака оширди. Самарқандга қайтган, ташаббускорликини қўлга олди. Лекин ҳозирча масаланинг бир томони бор. Фёдор Романовский ясаган оёқлар фақат оёғининг тиззадан паст қисми бўлган ногиронлар учун мослаб ишлаб чиқарилапти. Ана шундай ясама оёқларга эҳтиёж сезган кишилар қуйидаги маконга мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳар, Некрасов кўчаси, 34, Жумҳурият «Протез» саноати бирлашмасининг Самарқанд таянч бўлими.

Абдурауф БОБОЖОНОВ,
III миқёсли ногирон



«Пахтакор»да ўзим ўйнамагунча юкори сафта чиколмайди.

Г. Екубов сурати

РАССОМ УМРИНИНГ ДАВОМИ



Дўстан жудо бўлиш — оғир мусибат, талантдан ажралиш умумхалқ учун катта йўқотишдир.

Улкан истеъдодли рассом, меҳрибон дўст, самимий инсон — Телман Мухамедов эллик ёшга етмай вафот этди.

У қисқа, ammo мазмунли яшаб халқига ҳаётбахш асарлар яратиб қолдиришга улгурди.

Телман кўп ва хўп ишлади. У маҳорат сирларини эгаллаш борасида тинмай тер тўкиб меҳнат қилди ва ана шу ўта меҳнатқашлиги, истеъдодини юз фоиз ишга сола билиши туфайли тасвирий санъатнинг кўпчилиги ҳамкасблари илғаб ололмаган нозик кирраларини жуда тез ўзлаштириб олди. Ундаги бу ақл бовар қилмас даражадаги меҳнатга ўчлик, тиниб-тинчимаслик рассом ижодий режаларининг амалга ошишига катта имконият яратди. У суткасига йигирма соатлаб илҳом билан қайнаб ишлади.

Телман ўз ижодига ниҳоятда талабчанлик билан ёндашар, фақат айрим асарларининггина муваффақиятли чиққан деб ҳисобларди. Шу сабабли ҳам ўз шахсий кўрғамасини очишга умр бўйи тайёргарлик кўрди. Ammo афсуски уни намойиш қилишга улгура олмади.

Рассом ўз асарларини илк бор томошабинлар ҳукмига ҳавола қилгандаёқ кишилар эътиборига тушганди. Кўпчилик ҳали исми

ўқувчиларга номаълум бўлган рассом асарларидан хайратга тушганди...

Телман Мухамедов асарлари орасида унинг ўзбек халқ эртаклари асосида яратган ўнлаб безаклари алоҳида ажралиб туради. Бу безакларда эски урф-одатлар билан замонавий анъаналар бир-бирига боғланиб кетган. Улар ҳажва йўғрилганлиги, ёрқин бўёқлари ҳамда этнографик деталларнинг таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Маълумки, ҳар бир истеъдод соҳибининг ўз севган жанри, қалбини тўлқинлантирган мавзуси бўлади. Телман ўз қалбига яқин бўлган мавзуларда маҳорат билан ижод қилди. У ўз севган мавзуси устида ишлашни қалб ороми деб биларди. Айниқса нуруний қариялар портретларини жон-дили билан берилиб, завқланиб ишларди.

— Мен ўртаосиёлик нуруний чолларга худдики ўз падарим каби меҳр қўйганман, — деб иқрор бўлганди у. — Кўча-кўйларда уларнинг характеридаги хусусиятларни соатлаб ўтириб кузатиш, ўрганишга тайёрман! Улар киёфасида барқ уриб турган бир-бирига меҳр-садоқат, ўзига хос қатъий характер, донишмандлик, соддадиллик мени ҳаммиша ҳаяжонга солади. Улар ҳаётда, турмушда ўзларини ниҳоятда вазмин ва табиий тутадилар. Яна улар ёш болалар сингари самимий, маъсум, мулойим. Ички оламнинг ранг-баранглиги, кўнглининг нозиклиги билан ажралиб турадилар. Шунингдек улар руҳан бардам.

Чоллар ва болалар расмини чизишни баъзи санъаткорлар жўн бир иш деб ўйлайдилар. Йўқ, бу унча тўғри эмас. Бу мавзуда яратиладиган асарлар туйғулар, ҳиссиётларнинг аниқ тас-

вирини, қуюқ рангларни моҳирлик билан ишлатишни талаб қилади. Қарияларнинг донишмандлиги ва эркинлиги ҳамда болаларнинг самимийлиги ва соддалигини ифодалаш учун ижодкор ҳаёт тажрибаларини бошидан кечириши, қалбида ҳис эта билиши керак.

Телман Мухамедов ўз асарларида миллий заминнинг ўзига хос томонларини кўрсатишни ўзига асосий мақсад қилиб олмайди, аксинча, муҳит тасвирига уйғун ҳолда инсон характери, унинг дунёқарашини чуқур очиб беришга ҳаракат қилади.

Рассом доимо ранг-барангликка, янгиликка интиларди. Асарларидаги характерлар ҳаёт ҳодисаларини чуқур ўрганиш, бетиним иزلаниш натижасида дунёга келарди.

Телман Мухамедов қишлоқдан шаҳарга келган бирор қарияни тасвирлар экан, ўз қаҳрамонини шунчаки томошабин сифатида эмас, балки унинг замонавий ҳаётга нисбатан бўлган муносабатини аниқ, ёрқин очиб беришга интиларди.

Баъзи журналистлар кексалар ҳақида ёзиш қийин, негаки, уларнинг кўрган-кечирганлари эндиликда ўтмишга айланган, дейишади. Телман Мухамедов эса ўзгача фикрда эди. Унинг қаҳрамонлари — қариялар тўлақонли, меҳнатқаш, чуқур фикрлайдиган, ички дунёси бой инсонлар. Рассом ёшларга маслаҳат бераётган, ўз ҳаёт тажрибаларини ўргатаётган қарияларнинг ижодий қолатини ниҳоятда моҳирлик билан тасвирлар эди.

— Бунинг сабабчилари меннинг қарияларим, — дер эди кулиб Телман Мухамедов. — Оқсоқолларнинг маслаҳатлари туфайли мен ҳаётга тийрак кўз билан қарай бошладим. Ҳаёт ҳодиса-



«Кўринмас халқа» ҳикоясига чизилган расм.

ларини ақл тарозусида кўриб, ўрганиб тасвирлаш лозимлигини тушундим. Ёдимда бор, пахта йиғим-терими қизгин кетаётган дамлар. Мен колхозлаштириш ҳаракатининг ветерани Рўзимат ота оиласининг портретини чизмоқчи бўлгандим. Ута аввалига менга рўйхуш бермади. Вақтинги беҳудага ўтказиб нима қиласан, дегандай қараш қилди. Сўнгра мен унинг ўғлига терилган пахта хирмонини пунктга ташишига қарашини юбордим. Бошқа куни отахон билан шаҳарга тушиб, кичик қизларнинг тўйига биргаликда совга харид қилдик. Шундан кейингина бу отахоннинг менга муносабати ўзгариб кетди. Қайтаётганимда Рўзимат ота: «Ўғлим, афти-ангорингга қараб, сени шаҳардан келган олифта бола бўлса керак, деб ўйлангандим. Ammo ишларингни кўриб, сен ҳақингдаги фикрим ўзгариб кетди. Доимо халқ ичида бўлгин, урф-одатларимизни ўрганинг», деб маслаҳат берганди.

Вақтнинг тез ўтишини қаранг. Худди кечагина ширин суҳбати, болаларча шўх, беғубор кулгуси билан давраларга фэйз киритиб юрган аjoyиб инсон, моҳир рассомнинг орамиздан кетганига ҳам ўн беш йил бўлибди! Ammo биз Телман Мухамедов ўзи қолдириб кетган аjoyиб асарларида иккинчи умрини яшаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Райхат СОДИҚОВ


Телман Мухамедов расмларидан намуналар



— Неварамни бир йилдан буён боччага жойлаштира олмаганман.



Мирмуҳсиннинг «Бир хумча тилла» ҳикоясига чизилган расм.



— Муштдек боладан йиқилган нимаси?
— Жимм! Рақибим бошлиғимизнинг қариндоши экан!



— Ердан беринг, анави безори қувлаянпти!

АРАЗЛАДИ?

Ҳа, Фармонбиби нега аразлаб қолди? Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, етти ўғли, етти келини, қирқ бир невараси бўлган, юрса ерни титратадиган, йўталса дарахтдаги қушларни пириллатиб учириб юборадиган, раҳматлик умр йўлдоши Азимшернинг эрта билан эгилиб салом беришдек ҳурматига сазовор бўлган, ўғил ва келинларни ўз измига солиб, катта бир рўзгорни тебратиб келайтган Фармонбибига нима бўлди? Оилада унинг айтгани-айтган, дегани-деган эмасмиди? Фармонбибининг ўз ибораси билан айтганда, бу уй бир ҳукумат, бир мамлакат бўлиб, унинг ўз пошшоси, ўз қонуни бор эди-ку. Бунинг устига уйнинг «подшоиси» Фармонбибининг ўзи. Қонун ҳам Фармонбибининг ўз қўлида эмасмиди? Унда нега Фармонбиби аразлайди?

...Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Фармонбиби аразлади» комедияси ҳақида сўз борар экан, дастлаб беихтиёр ана шу саволлар қабили банд этади. Негаки, бу асар «Келинлар кўзғолони» комедиясининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Ўзбек давлат «Еш гвардия» драма театри санъаткорлари «Фармонбиби аразлади» комедиясини саҳнага қўя бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо бу саҳна асари тезда ўз мухлисларини топди. Бошқа-

чароқ қилиб айтадиган бўлсак, театр шухратини бир поғонага кўтарди.

Умид қилиш мумкинки, вақт ўтиши билан бу саҳна асари ўз қимматини сақлаб қолади. Мен бу фикрни яқиндагина саҳна юзини кўрган «Фармонбиби аразлади» асарини машҳур «Келинлар кўзғолони»нинг мантиқий давоми эканлиги учун билдираётганим йўқ. Гап шундаки, кейинги асар воқеалари ҳам ҳаётдан олинган бўлиб, унда халқнинг дилидаги гаплар ўз ифодасини топган. Қолаверса, бу мулк иктидорли актёрлар тили, санъати орқали яна бир бор сайқалланиб, эд дилига етиб бормоқда.

Оддий томошабин сифатида «Фармонбиби аразлади» спектакли хусусида фикр юритар эканман, шу ўринда таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг бундан ўн йил муқаддам филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов билан қилган бир суҳбати ёдимга тушди. Ушунда Саид Аҳмад «Келинлар кўзғолони»даги Фармонбиби образи устида тўхталиб, ўзининг бу мавзуда жуда кўп ҳикоя ёзганлигини, қайнона-келини можаросини қанча кўп ёзмасин, ҳар гал бу мавзунинг янгидан-янги қирралари очлаверишини, ёзаман деган қаламкашга бир умр тугамайдиган ҳаётини мавзу эканлигини таъкидлаганди. Буни қарангки, йиллар ўтиб

ёзувчининг ўзи ана шу мавзуга яна қўл урди ва катта муваффақиятга эришди.

Демак, гап мавзуда эмас, балки, асарнинг нечоғлик маҳорат билан яратилишида. Шу билан бирга маҳорат билан саҳналаштирилишида, яна муҳими драматург ва режиссёрнинг ҳамкорлигидадир. Бунга саҳна асарини томоша қилиш жараёнида, театр санъаткорлари билан суҳбат чоғида яна бир бор амин бўлдим.

— Мен сизга бир нарсани алоҳида атай, — деди мамнуният билан «Фармонбиби аразлади» асарини саҳнага қўйган театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза мукофотининг лауреати Ваҳодир Йўлдошев, — асар муаллифи Саид Аҳмад турмуш таъшишларини бошидан кўп кечирса-да, аслида ҳаётга кулиб қаровчи ажойиб инсон. Халқнинг ташвишини ҳам, қувончини ҳам жуда яхши ҳис этади. Бу ҳол унинг асарларида, хусусан, «Фармонбиби аразлади» да ҳам яққол сезилиб туради. Саид Аҳмаднинг яна бир яхши фазилати шундаки, саҳна асари ёзганида, қанчалик яхши чиққан бўлмасин, уни саҳналаштиришни бизнинг зиммамизга юклаб қўймай, аксинча ўзи ҳам иштирок этиб, зарур тузатиш ва ўзгартишлар киритади, бу жараёнда эса асар янада сайқал топади. Ёзувчи

билан 1977 йили «Келинлар кўзғолони»ни ана шу тарзда саҳналаштиргандик. Ҳозиргача бу спектакль 700 маротабадан ортиқ кўрсатилиб, ҳамон олқиш олмақда. Бу асар жумҳуриятимиздагина эмас, ҳаттоки иттифоқимиз ҳудудидан ташқарида саҳналаштирилди. Жумладан, икки йил муқаддам Лаос томошабинлари пьесани илиқ қарши олдилар. Хитойда эса бу асар муболағасиз муваффақият қозонди. Саксон тўққизинчи йилнинг охирида «Фармонбиби аразлади»ни саҳналаштиришда ҳам Саид Аҳмад яна яқиндан кўмаклашди. Ҳали матбуот юзини кўрмаган бу асарга саҳналаштириш жараёнида айрим ўзгартиришлар киритилдики, бу ҳолини, таъбир жоиз бўлса, нур устига нур бўлди деб айтиш мумкин.

— Ваҳодир ака, айтинг-чи, «Фармонбиби аразлади» спектакли қай тарихқа, қандай зарурият туфайли юзага келди?

— Аввало шунга айтиш керакки, бир асарнинг мантиқий давоми ҳисобланмиш иккинчи асарни саҳнага қўйиш ўзбек театридаги илк воқеадир. Қисқача қилиб айтганда, бу асарни саҳналаштириш ҳам Саид Аҳмад билан ҳамкорликнинг самарасидир. Айниқса, асарнинг қандай зарурат туфайли юзага келиши тўғрисидаги саволингиз ўринли. Ўзингизга маълум, «Келинлар кўзго-



Ўзбекистон ССР халқ артисти Зайнаб Садриева, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад «Фармонбиби нега аразлади» спектакли томошасидан сўнг театр актёрлари даврасида.

Муаллиф сурати.



Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси САИД АҲМАД.


Р. Нурибобов туширган сурат



Тангритоғ манзараси.

Қўқондаги уйда ишлайдиган дўппидўзлар, сўзана чеварлари ва бошқа каштачилар йигилишда.

А. Караван сурати





Наврўз дастурхони.

И. Салоҳиддинов сурати



Наврўз нашидаси.

Р. Нуриѐбоев туширган суратлар

Тошкўргон дараси.





Чиролма дараси.

Р. Нурибоб туширган сурат



Сохрили бармоқлар соҳиби Маҳмуд Саъдуллаев.

А. Губенко сурати



Қаёт боғлаб учишинг ҳам узгача санги бор-да!

Э. Каримов туширган сурат

ТАФТ МЎЪЖИАСИ

лони»нинг томошабинлар ҳамки ҳавола этилганлигига ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўтган давр ичида жамиятимизда катта ўзгаришлар юз берди. Айниқса, қайта қуриш, ошкоралик, демократия давр воқеаси бўлди. Бу эса Фармонбиби хонадонига ҳам таъсир қилмасдан қолмасди. Асарда ана шу воқеалар ўз аксини топган. Ошкоралик, қайта қуриш деб Фармонбинининг катта оиласи ҳар ёққа тарқаб кетдиими ёки...

Ҳа, қайта қуриш шабадаси Фармонбиби хонадонини ҳам чеғалаб ўтмади. Шунинг учун бу саҳна асарига бутунлай қутилмаган бошқа бир оламини кўрамиз. Даставвал эрта билан Фармонбиби бамайлихотир ҳовлига бадантарбия қилгани чиқади. Лекин қутилмаганда келинларидан бирининг дод-войига гувоҳ бўлиб қолади. Билсаки, уни турмуш ўртоғи хафа қилибди. Бу қандай янгилик, бу қандай кўргулик?..

Демак, «Келинлар кўзғолони»да етти оилга маслаҳатгўй бўлиб, уларнинг бошини қовуштириб юрган Фармонбинининг «Фармонбиби аразлади»да «Ҳозирги оилаларга на маслаҳат, на маслаҳатгўй керак» деб хомуш тортиши, «Оиламиздаги маданиятни юксак чўққига кўтармасак, юртимиздаги маданиятни кўтариш қийин бўлади», деб ташвишланиши бежиз эмас.

Шу ўринда театрнинг труппа бошлиғи, спектаклдаги неваря келинлар ролларидан бирининг ижрочиси Зарифа Исмоилова-нинг фикрини ҳам келтирмоқчиман.

— Оила қурган дастлабки пайтларда ноқ қайнона-қайнонасиз рўзгор қила бошлаганмиз, — дейди у. — Аммо саҳнада роль ўйнаётганимда ўзимни ҳаётнинг ичига янада чуқурроқ кириб боргандай, қайнонадан ўғит олаётгандай ҳис этаман. Ўша кезларда аслида саҳнадан сабоқ оламан. Чунки асарнинг тарбиявий аҳамияти катта.

Хуллас, «Келинлар кўзғолони» сингари «Фармонбиби аразлади» спектаклининг ҳам янада катта шухрат қозонишига умид қилса бўлади. Негаки, бу саҳна асарига ҳам аввалгидек Фармонбиби ролини Ўзбекистон ССР халқ артисти Зайнаб Садриева ижро этаётган бўлса, қолган ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Ҳамза мукофотининг лауреати Мирҳосил Орипов, Пўлат Саидқосимов, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар Тўти Юсупова, Римма Аҳмедова, Дилбар Исмоилова, Гулчеҳра Жамилова, Обид Юнусов, Лола Бадалова; артистлар Муножот Тешабоева, Маҳмуд Дўстматов, Незмат Олимов, Гулбахор Раҳимова, Дилбар Икромова ва бошқалар ижро этишаётир.

Қолган барча гаплар ҳурматли томошабинларга ҳавола. Уларнинг бу асарни саҳнада кўриб, ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашишларига ишонсак бўлади. Яъни томошабинлар асар муаллифига ҳам, актёрларга ҳам ўзларининг холисона баҳоларини берадилар. Қолаверса, давр энг одил ҳакам.

Қудрат ОДИНАЕВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси

— Кашпировский, Чумакларнинг аврашларини кўриб, оёқ оғриқ дардидан фориғ бўлдим.

— Эҳ, қўйсанглр-чи, бўлмаган гап. Нега илгари бундай қушночлар йўқ эди?

Ҳозирги кунда автобусда ҳам, кўча-кўйда ҳам шу тариқа баҳсларни эшитиш мумкин. Тўғри, қушночлик илгари ҳам бор эди. Фақат улар ҳақида ёзиш мумкинмасди. Энди ёзаялмиз. Зангори экрандан кўрсатаямиз. Лекин бу кўпчиликда шубха туғдирмақда. Чунки улар қисқа вақт оралигида шунчалик кўпайиб кетдики, бунинг устига ўзга сайёрадан учар липокчаларда келаётган ажнабсайёраликлар ҳақидаги мишмишлар... Бундай ғаройиботларни фан изоҳлаб беришга ожиз.

Наманганлик билгир Маҳмуджон Сайдуллаев ҳузурига борар эканман, олдинги менда ҳам шундай иккиланиш пайдо бўлди. Ахир ҳозир сохта табиблар камми? Балким бекорга келаятгандирман. Лекин у очган Наманган шаҳар, Навоий кўчасидаги 11-уйда жойлашган даволаш ширкати олдида туманот одам йиғилганини кўриб ўзимда ҳам ишонч пайдо бўлди.

Билгир қабулдан чиқиб келаятган одамлар билан суҳбатлашаман, улар ёзиб қолдирган дил сўзлари билан танишаман.

Фаргона вилоятининг Киров ноҳиясидаги Киров давлат ҳўжалигида яшовчи онахон Рисолов Йўлчиева: «Етти йилдан буён кўл-оёғим ишламай азоб тортар-

дим. Икки марта даво олганимдан буён ўнг қўлим бемалол оғзимгача борадиган бўлиб қолди. Чап оёғим ҳам энгиллашааяпти».

Косон ноҳиясидаги «Правда» номли жамоа ҳўжалигида яшовчи Холлида Исомиддинова: «М. Сайдуллаевнинг уч давосидан кейин ўғлим Муродилла тилга кирди. Унинг тилидан «она» деган сўзни эшитиш бахтига муяссар бўлдим».

Киргизистон ССР, Ўш вилояти, Қаравон қишлоғидан Холисхон Маҳмудова: «Узоқ йиллардан буён доимий шамоллашдан азоб чекиб келардим. Маҳмуджон ақадан уч марта даво олганимдан сўнг эски шамоллашимдан асорат ҳам қолмади, тузалиб кетдим».

Маҳмуджон Сайдуллаевнинг тигиз, игнаси, ширин сўзи билан даво топиб кетаётганларнинг саногини йўқ. Яқин-яқинларгача расмий доираларда ва олимлар даврасида ҳам руҳий таъсир қилувчиларга қаллоб, товламачи сифатида қаралар эди. Инсон танасида яширинган қудратли куч-қувват ҳам ошкоралик туфайли рўёбга чиқди.


Билгир махсус табобат маълумотиغا эга эмас. Лекин халқ табобатидан, йогларнинг усулларидан хабардор. Беморга кўл тегишмай, унинг дарди қаердалигини айтиб беради. Кейин кескин қўл ҳаракатлари билан даволашга киришади.

— Қўлларимга акс таъсир келиб урилади ва улардан касалликни билиб оламан, — дейди Маҳмуджон ака, — кейин ўша ерга қафтларимни тутаман, қон қизиб шифо топади.

У даволашни авраш йўли билан ҳам амалга оширади. Кўзбоғлашнинг ҳолатига — яъни уйғоқлик билан уйқуга ўтиш орасидаги чала уйқу ҳолатида беморга даво бериш яхши самара берад экан. Айниқса, ишонтириш беморнинг ҳис туйғуларига таъсир ўтказиш ички яширин имкониятларни уйғотиб, беморни дарддан халос бўлишини тезлаштиради.

СССР илмий-муҳандислик жамиятлари иттифоқи Ўзбекистон жумҳурият уюшмаси ҳузурига табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича жумҳурият кўмитаси уни билгир сифатида тан олди. Ҳозир у «Саломатлик» ширкатида фаол иш олиб бораётир. М. Сайдуллаев уруш ва меҳнат инвалидларини беулу ва навбатсиз даволаётир. Тушумнинг 35 фоизини давлат ҳисобига ўтказаяётир. Шунингдек, қариялар уйига, болалар уйига, болалар фондига, мактабларга ҳам ёрдам сифатида хайриялар қилиб турипти. «Бу йилги тушумлардан вилоятда битта поликлиника қуриб бериш ниятим бор», — дейди М. Сайдуллаев.

Ҳозирги кунда соқовлик, эшитма олмаслик, кўрлик, дудуқлашиш, семириб ва озиб кетиш, асаб бузилишлар, юрак сиқилиш, жинсий заифлик, буйрак тоши билан касаллар билгир Маҳмуджон Сайдуллаевнинг ноёб қобилияти: шифобахш қўллари, бионур ва кўзбоғлашнинг сехрли таъсири остида даво топмоқдалар.



Эшак миниб оёқ остини эмас, туя миниб узоқни кўзла...

К. Отаев сурати (ЎзТАГ)

Абдураззоқ КАРИМОВ

ОВРУПА УЙИДАГИ МОЖАРОЛАР



Сўнгги пайтда Шарқий Оврупа мамлакатларида содир бўлган воқеаларни Ғарбнинг нуфузли давлат ва сиёсий раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги энг муҳим воқеалар, деб баҳоламоқдалар.

Бўлаётган бу ўзгаришлар мамлакатимизда қайта қуриш деб аталса, бошқа социалистик давлатларда ислоҳат, янгиланиш, халқчиллаштириш деб аталаётган. Лекин бу жараёнларнинг сабаблари ҳаммажойда бир хил — маъмурий-буйруқбозликдан иборат тузилма орқали вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий танглиқдир.

Сталин ва унинг издошлари ишини давом эттирувчилар асос солган мамлакатни буйруқ орқали бошқариш иш усули жамяят олдида турган муаммоларни давр талаби асосида ҳал эта олмаганини кўрсатди. Бизга қанчалик оғир ва аччиқ бўлмасин очиқчасига айтиш керак, ҳозир бошимиздан кечираётган танглик шу даврнинг оқибати, махсулидир. Бу танглик социалистик тузумнинг ривожланишида бошқа мамлакатлардан орқада қолаётганлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатсизлиги, кишилар турмуш даражасининг қоқлиғида намён бўлаяпти. Иқтисодий соҳадаги танглик социалистик мамлакатларда ижтимоий соҳада кескинликларга олиб келди. Ававаллари капитализм жамятига хос, деб келинган иш ташлашлар, миллий қарама-қаршилиқлар, жиноятчиликнинг кучайиши социалистик мамлакатларни ларзага солиб турибди.

Социалистик мамлакатлардаги бу салбий воқеаларга баҳо берилганда ғарбдагилар булар социализмнинг тузум сифатида инқирози, деб айтмоқдалар. Бу фикрларга ҳеч ҳам қўшилиб бўлмайди. Бу социализм ғоялари нуқтаи назарларининг танглиги, инқирози эмас, балки илмий асосланган социализмдан чекинган, бузилган сталинча социализмнинг танглигидир. Сўнгги воқеалар социалистик мамлакатлар раҳбарларининг ўз лавозимларини суистеъмол қилишлари, молиявий нопокликлари, шахсга сиғиниш сиёсатини ўтказишлари социализм ғоялари кадр-қимматини тушириб, обрўсизлантирилганлигини кўрсатиб турибди.

ГДРда эълон қилинган маълумотларга қара, собиқ раҳбарлар Эрих Хонеккер ва Гюнтер Миттаг 1978 йилда Байтулҳикма (Академия)нинг қурилиш бўйича бўлим фахрий аъзолари этиб сайланиб, йилга 20 минг марка молиявий ёрдам олиб турган эканлар. 1978 йилдан бери уларнинг ҳар бири 240 минг маркадан олганлар. Сиёсий бюронинг бошқа аъзолари ҳам молиявий қонунбузарликда улардан қолишмаган.

Руминияда Николае Чаушеску ҳокимият тепасида турган 25 йил мобайнида шахсга сиғинишнинг янги шакли вужудга келтирилган. Румин халқи ҳар куни нафақат Чаушескуни, унинг умр йўлдоши — бош министрининг биринчи ўринбосари Елена Чаушескунинг ҳам номини улуғлашга мажбур этилган. Руминия коммунистик партиясининг ўтган йили бўлиб ўтган XIV съезди тўғрисидаги ҳисоботда ёзилишича, унда Чаушескунинг беш соат давом этган нутқи делегатлар томонидан 62 маротаба туриб, 39 маротаба ўтирган ҳолда гулдурос қарсақлар билан бўлинган. Унинг тузуми шундай вазиятни мамлакатда бундан буён ҳам сақлаб қолиш ниятида эди. Чаушеску партия пленумининг бирида сўзлаган нутқида яқин вақт ичида социалистик давлат раҳбарлари иштирокида кенгаш ўтказиш таклифини илгари

сурган эди. Унинг фикрича, социалистик мамлакатларда жорий этилаётган «бозор муносабатлари, коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлик ролини йўқотиш — социализм таълимотига зид» эмиш. Агар Руминияда янги инқилобий тўнтариш бўлиб, диктатор ҳокимиятдан четлаштирилиб, ўлим жазосига ҳукм қилинмаганида, балки у илгари сурган ғоясини амалга оширишга уриниб кўрган бўлармиди.

1989 йилнинг ўрталарида Болгарияда турк миллатига мансуб граждандарнинг оммавий равишда Туркияга кўчиб кета бошлаганликлари бутун дунё аҳлини ажаблантиргани ҳаммамизнинг ёдимизда. Мамлакатда турк миллатига мансуб аҳолининг иссиқ жойини совутиш, уларни булғор тўпроғидан сиқиб чиқариш ҳам ана шундай яққоқимлик сиёсатининг натижаси эди. Ваҳоланки, Болгариянинг расмий оммавий ахборот воситалари жаҳон афкор оммасига, жуғалдан уларнинг маълумотларига асосланган бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз ҳам турк тилида гаплашувчи фуқаролар ва мусулмон динига мансуб кишиларни Болгариядан «кўчиб» кетишларини ноқурилик — бу социалистик давлатда уларга ҳамма шароитлар яратилишига қарамай, хорижга кетишмоқда, деб уларнинг ўзини айбдор қилиб кўрсатишди. Аслида воқеа бошқача кечган эди. Маълум бўлишича, бу Болгариянинг собиқ раҳбари Т. Живковнинг 1984 йилдан бери мамлакатнинг мусулмон динига эътиқод қиладиган фуқароларига нисбатан олиб борган қатагон сиёсатининг натижаси экан.

Живков режасининг заминиде ягона туб болгар миллатини ташкил этиш бўлган. Шунга қара Болгария фуқароларининг мусулмон исмлари уларнинг хоҳишисиз ўзгартирилган, турк тилидан фойдаланиш чегараланган, диний ва бошқа урф-одатлар, аъаналар таъқиқланган. Аҳамият беринг-а! Живковча сиёсатнинг қаъридан сталинча иш услубининг ҳиди гуркираб келиб турибди. Бундай сиёсат қўполлик билан, кишилар хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ҳисобга олинмай, маъмурий-буйруқбозлик йўли билан амалга оширилди. Бу, албатта, халқчил жамяят эълон қилган нуқтаи назарларга, инсон ҳуқуқларига қарама-қарши иш юрйтиш эди. Аҳолининг туркий тилда гаплашувчи ва мусулмон динига эътиқод қилувчи қисми бу сиёсатга ўз норозилигини Болгариядан оммавий равишда кўчиб кетиш орқали билдирди. Болгариянинг ҳозирги раҳбарияти миллий масалада йўл қўйилган бу ҳатоларни қоралаб, адолат ва тенгликни тиклашга ҳаракат қилмоқдалар. ГДР, Болгария, Чехословакия, Руминия ва бошқа социалистик мамлакатларнинг собиқ раҳбарлари социализмнинг шу бузилган шаклидан манфаатдор бўлганлари сабабли бундан воз кечишни истамётган эди. Аммо шиддат билан ривожланётган давр ўз ишини қилди.

1968 йилда Чехословакия Коммунистик Партиясининг биринчи котиби лавозимини эгаллаб турган ва сўнг мамлакатдаги воқеалар туйғайли партия сифидан ўчирилган, ҳозир яна юқори лавозимга сайланган Александр Дубчек, социалистик мамлакатларнинг собиқ раҳбарларини назарда тутиб, «улар социализмда эмас, аллақачон коммунизмда яшаётганлар», деб эътироф этган эди. Ҳақиқатан ҳозир лавозимдан четлаштирилган бу раҳбарларнинг турмуши ўз халқининг турмушидан бир неча юз баробар фарқ қилади. Улар аллақачоноқ халқдан ажралиб қолганликлари учун ҳам меҳнат кишиларининг эҳтиёжларини умуман билмайдилар.

Чехославак диёрида кечаётган халқчил сиёсат ўз самарасини берди. Шу пайтгача асарлари хориждоғина машҳур бўлган, ўз мамлакатда доимий таъбиқ қилиб келинган, чех халқи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — «Хартия — 77» ҳаракатининг асосчиларидан бири, 52 яшар Ватслав Хавелни мамлакат президентини қилиб кўтардилар.

Ҳозир барча социалистик мамлакатларда оммавий эътибори шу йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш, ҳақиқий ижтимоий адолатли жамятни барпо этишга қаратилган.

Социалистик мамлакатларда маъмурий-буйруқбозлик сиёсатидаги барҳам бериб, халқчил социализмга ўтишга аввалги йилларда ҳам ҳаракат қилиб кўрилган эди. Ўз вақтида бу ҳаракатлар капитализмни қайта тиклашга уриниш, деб баҳоланган. Бинобарин, Венгриядаги 1956 йилги, Чехословакиядаги 1968 йилги, Польшадаги 1980 йилги воқеаларнинг мақсади маъмурий-буйруқбозликдан қутулиш эди.

Совет Иттифоқида юқорида айтилган шаклда бўлмаса ҳам, ҳаётий халқчиллаштиришга ҳаракатлар 1953 йилда Сталин ўлимидан сўнг ва 1965 йил сентябрь пленумидан сўнг уриниб кўрилган. Лекин, бу ҳаракатлар бугунги қайта қуриш даражасичалик тушунилиб, тўғри баҳоланмаган. Уларнинг муаллифлари ва тарафдорлари социализм душманлари, деб сиёсий ҳаётдан четлаштирилди, бир қисми чет элга кетишга мажбур бўлди.

Ўз вақтида социализм таълимоти нима билан миллионларни ўзига жалб этди ва катта қийинчиликларга қарамай, унинг ғояларини амалга оширишга киришилди. Бу биринчи навбатда адолатли, ҳуқуқий жамяят барпо этиш мақсаидан келиб чиққан талабдир.

В. И. Ленин социализмнинг энг дастлабки белгиларидан бири меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши, деб кўрсатган эди. Бу соҳада ҳамма Ғарб давлатлари социалистик мамлакатлардан ўтиб кетди.

Ҳўш, социализмни социализм сифатида белгилайдиган қайси томонлари бор. Бу ҳақда сўз кетганида биз ижтимоий мулк, ишлаб чиқаришни режалли ташкил қилиш ҳақидаги шioriлардан нарига ўтолмаймиз. Сир эмас, бу белгиларни ҳозирги пайтда капитализмда ҳам кўриб турибмиз. Маркс, Энгелс, Ленин таърифлаган шаклдаги капиталистик ҳозир ўз иш юритиш тарзини бутунлай ўзгартирган, тўғрироғи ҳаётга мослаган. Масалан, Ғарбий Европа, АҚШ ва Японияда қўллаб жамоа мулкларини кўриш мумкин.

Социализмнинг яна бир белгиси бўлган ишлаб чиқаришни режаллаштиришни олсак, бу соҳада ҳам Ғарб мамлакатлари социализмдан анча олдинда бормоқда. Ғарбда режаллаштириш билан бозор муносабатларини қўшиб олиб бориш катта самара бермоқда.

Социалистик давлатларнинг тараққётдан орқада қолишларига бош сабаб бир томондан сўз билан амалий иш ўртасидаги фарқнинг катталлиги бўлса, иккинчи томондан кўп жиҳатдан ҳокимият тепасида бўлган шахсларнинг социализм ҳақидаги нотўғри тушунадалиги, беҳад ҳоқиму мутлоқликка берилиб, лавозимини суистеъмол қилишларидир.

Собиқ раҳбарларнинг тушунчасига қўра, янги жамяят ўзидан аввалги жамятига тўла инкор этиб, унинг асосига қадар бузиб, ўрнида вужудга келар экан. Бу тушунчанинг нақадар хато ва зарарли эканини бугунги ҳаётий муносабатлар билан кўрсатиб турибди. Жамятда шундай муносабатлар борки, уларда капитализм жамятининг маҳсули еки фақат унга хос бўлиб қол-

НАХАНГ НАХАНГА ЎХШАМАЙДИ

Кўлвор наҳанглarning энг катта галаси (олти минг атрофида) Калифорния ва Мексика соҳилларида қишлайди. Ҳозир уларнинг сони анча ортган, лекин илгаригидек ўн минглаб эмас. Ваҳоланки, кўлвор китларнинг эмизикли болалари деярли соатмасоат улғайиши фанга маълум. Дастлабки ойларда улар кунига 100 килограммгача эт қўяди. Одатда она наҳанг биттагина болалайди.

Куз бошланиши билан Калифорния қирғоқларига турли мамлакатлардан олимлар илмий-тадқиқот кемалари билан келишади. Улар қайиқларда туриб кузатув ишларини олиб борадилар. Чунки кема билан савз жойларга келиб бўлмайди. Буни «Саладо» юк ташувчи кемасининг капитани Жон Келлер яхши биларди. Себастьян-Вискаин кўрфазига кўлвор наҳанглар тўдаси кирганида унинг кемаси Калифорния қирғоқларига лангар ташлаб турарди.

Капитан наҳанглarning одамларга хавф солмаслигини ҳам биларди. Бироқ уларнинг савзликка тикилиб қолмаганига ҳайрон эди. Уларнинг қандай

қилиб қурчили 2 метрдан ошмайдиган жойларда ҳам сувдан бемалол сакраб чиқиб кетаверишни капитан тасаввур ҳам қилолмасди. Бунинг сирини ўз кўзи билан кўриш мақсадида ҳаво тўлғазилган қайиқда кузатмоқчи бўлди.

Иттифоқо, наҳанглардан бири қайиққа ташланиб қолди. «Очигини айтганда, узунлиги ўн қулоч, оғирлиги камида 7 ботмон келадиган бу Ҳайбат наҳанг мен томонга отилиб кела бошлаганида, бирмунча нохуш аҳволга тушиб қолдим. Югуршида соатига 6 миль масофага ета оладиган наҳангдан қочиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Фақат унга нима кераклигини кутиш ва омонат қайиқчамга тажовуз қилиш нияти йўқлигидан умид боғлашгина қолганди», — деб ҳикоя қилди кейинчалик «Саладо» капитани «Уикенд» журнали муҳбири билан бўлган сўхбатида.

Қайиққа бир неча қулоч қолганда, наҳанг бирдан тўхтади ва секингина сузиб келиб, тумшуги билан туртиб қўйди. Қайиқча орқага «чекиниб» кетди. Наҳанг яна «сузиб қўйди».

Иигирма дақиқалардан сўнг Келлер чўзилиб кетган бу хавфли «машғулот»га нуқта қўйишга қарор қилди. Чунки ўйинга

берилиб кетган, эҳтимол, аччиқлана бошлаган наҳанг қайиқни борган сари кучлироқ турта бошлагани эди, денгизчи қайиқдан учиб кетмаслик учун эшак қулочларига маҳкам ёпишиб олган эди. Наҳанг навбатдаги зарбага ҳозирланганда денгизчи эшак билан унинг тумшугидан итариб юбормоқчи бўлди. Бу — ҳивич билан филни ҳайдашдек гап эди. Келлер, гўё сурбетларча унинг устидан кулаётган наҳангнинг тумшугига эшак билан кетма-кет ура бошлади. У наҳангнинг ҳамятини қўзитиб қўйишдан чўчирди. Бироқ наҳанг ювощит каби тумшугини у томонга чўзиб, эркалана бошлади. Агар наҳанглар галаси савзликдан уммон томонга суза бошлаганида, бу ўйин нима билан тугашини билиб бўлмасди. Уруғларнинг узоқлашаётганини кўрган «ўйинқароқ» қайиқни ағдариб юборгудек думини силкиб, уларнинг ортидан эргашди...

Кейинчалик капитан Келлер атайин Сан-Диегога бориб, денгиз жониворшуносларидан наҳангнинг бундай ғайритабиий ҳаракатларини изоҳлаб беришни сўради. Аммо бу омадсиз «тадқиқотчи»га берилган жавоб учта сўздан иборат бўлди: «Наҳанг наҳанга ўхшамайди».




— Илон йили ўтди, бу касофатни энди нима қилсам экан?..

Р. Шагаев сурати (ЎзТАГ)




Боймхон ва Боймжонлар лапарии...

Р. Ашуров сурати (ЎзТАГ)



Ўзумнинг яхшисини мушук ейди...

А. Наймушина сурати (ЎзТАГ)



Меҳр.

Г. Ёқубов сурати

май, инсониятнинг миллион йиллик ҳаёти давомида тўпланган тажрибаси ётади. Пул — товар ва бозор муносабатлари ана шулардан биридир. Булар иқтисодни ҳеч қандай назариясиз амалда мувозанатда ушлаб туришнинг бузилмас дастгоҳи бўлган.

Иқтисодий режали ривожланадиган жамиятда бундай муносабатларга ўрин қолмайди, деб сўнгги йилларга қадар бозор муносабатларини инкор этиб келдик.

Агар социализм киши турмуш даражасининг юқори бўлишини таъминлайдиган, фуқароларига ижтимоий кафолатлар берадиган жамият бўлса, биз бу белгиларни бугун сўзда эмас, амалда капиталистик жамиятда кўриб турибмиз. Тан олиб айтиш керакки, капитализм социализмнинг илгор шиорларини олиб ҳаётга татбиқ этишда устамонлик қилаётир. Социализм бу соҳада ҳам капитализмдан орқада қолиб, ташаббусни бой бериб

қўйди. Биз ўтмиш хатоларини қайтармаслигимиз учун биринчи навбатда капиталистик жамиятда ҳаётни халқчиллаштиришни ўрганишимиз лозим. Биз маълум вақтлар буржуа халқчиллигини, унинг кўриниши бўлган мамлакатни парламент бошқаришини танқид қилдик. Бу парламентга пулдорлар сайланиши мумкин ва улар сайланганларидан сўнг ўзига ўхшаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, деб ўйладик. Маълум бўлишича, буржуа мамлакатлари парламентларида кўп йиллар мобайнида бошқаришнинг шундай усули ишлаб чиқилган эканки, унга кўра давлат раҳбаридан тортиб юқори лавозимларни эгаллаб турганлар шу олий орган олдида қилган ва қиладиган ишлари учун ҳисобот берганлар ва назорат остида бўлганлар. Маълумотларга суянадиган бўлсак, капиталистик жамиятда юқори лавозимдагилар ўртасида қонунбузарлик, лавозимини сумистезьмол қилишлар со-


циалистик мамлакатлардаги сингари даҳшатли тус олмаган экан. Социализм тўғрисида айтилган фикрлардан «бирдан бир йўл капитализмга қайтиш», «уни қайта тиклаш», деган маъно келиб чиқмайди асло. Биз ҳали ҳақиқий социализмни кўрганимиз йўқ, уни кўрмасдан, нималарга қодир эканлигини билмасдан инкор этишимиз, умуман, нотўғри. Сўнгги пайтларда Оврупадаги социалистик мамлакатларда содир бўлаётган воқеалар, ўзгаришлар социализмни инкор этиш эмас, балки уни янгилаш, инсонпарвар, халқчил жамиятга айлантиришга қаратилгандир.

Мавжуд тангликдан қутулиш, социализмнинг мавқени тиклаш учун инсоният тарихи давомида йиғилган барча илгор гоаяларга суянишимиз, улардан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ келади.

Турсунбой ҚОРАТООБ,
сиёсий шарҳловчи



Ҳамид Олимжон
туғилган куннинг
80 йиллигига



«МАНА СЕНГА ҚЕРАК БЎЛСА ГУЛБАҲОР»

*Адолат ҳам баъзида енгиллади.
Баъзан булут орғида қолади кун,
Кўмилади тупроққа кўп вақт олтин,
Лекин асло адолат ҳеч ўлмайди:
Кўмилса ҳам олтин ниҳон бўлмайди.
(«Муҳанна»дан).*

Ўзбек совет адабиётининг туғма қайнар-булоқ шоири Ҳамид Олимжон адолат енгилган, қуёш булут орғида қолган, олтин тупроққа қоришиб кўмилган аянчли йилларда яшаб ижод этди. Инсониятга хос эзгулик, виждон, имон, сабот сингари барча фазилатлар сталинчилар томонидан яратилган давлат тегирмонида тортилган, кукунга айлантирилган давр эди у пайтлар. Шоирлар, ёзувчилар, бастакорлар, санъаткорлар ўшандай ҳолатни кўра билатуриб, замонани айюҳаннос солиб мақтаганлар, кўкларга кўтарганлар. Инсоний фазилатларнинг мажакланаётганини улар кўрмаганларми? Албатта кўрганлар. Энг даҳшатлиси шунда эдики, ижодкорлар кўрганларидан кўз юмишга, юрак амрига бўйсунмасликка, виждонларини кар ва гунг қилиб яшашга, ижодда эса, «бузилган ўлка»ни орзулар чамани билан бурқаб тасвирлашга мажбур этилгандилар. Саботни синаб кўришга уринганлар тириклай «халқ душмани» тегирмонига ташланарди, улардан ибрат кўмачлари пишириларди. Ҳеч ким дўст билан душмани ажрата олмай қолганди, ҳамма бир-бирдан шубҳаланарди, тирик юриш, кун кўриш бахту саодат бўлиб туюларди. Ҳамид Олимжон куйлаган бахт ана шу тупроқдан ташқарида юриш қувончи эканлигини биз шу пайтда довури билмагандик, шоирнинг шодлик ва бахт орзугига чулганган тасвирларини халқимиз бошидан кечирган чинакам эркин, бахтли ҳаёт баҳори деб, унинг ўзини ана шу саодатли давр куйчиси, деб тушундик. Худди шундай тасаввур билан

онгимиз шаклланди, улар яшаган замон у ёқда турсин, ҳатто ўзимизнинг яшаётган тепса-тебранмас тўрачилик панжаси орасида қолган тўғунлик жараёнини ҳам дунёдаги энг бахтиёр замон деб ишондик.

Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон ҳамма қатори инқилоб ваъдасига: йўқсилларнинг озод ва бахтли яшашига, ишчи-деҳқонларнинг халқчил ҳокимиятига ишонди. Тараққиёт тарафида турди, ижодда ўз интилишларини ҳамда қарашларини ифода этди. Инқилоб даври ўзбек адабиётининг байроқдорлари Вехбудий, Абдулла Қодирий, Айний, Чўпон, Фитрат, Сўфизода, Абдулла Авлоний, Тавалло каби ижодкорлар зидан борди. Маълумки, адабиётимизнинг байроқдорлари инқилобни зўр мамнуният билан қаршилаган эдилар. Аммо кўп ўтмай, айниқса, Ленин вафотидан кейин халқ турмушидаги қийинчиликлар, фуқароларнинг ўзаро уруши, беғуноҳ тўқилган қонлар ҳамда вайрона бўлган қишлоқлар, иқтисодий тангликлар, жамоалаштириш оқибатида деҳқонларнинг оч-яланғоч қолишлари аксарият ижодкорлар дилини оғритди, айрим шоир-ёзувчиларда ботиний норозилик кайфиятини туғдирди. Барча миллатларнинг бир иттифок тузиб яшашга қизиқишлари ҳам, ундан кутилган мақсадлари ҳам аста-секин сўнди, мустақиллик туйғуси кўринишга бери бошлади. Аммо ўттинчи йилларга бориб эркин фикрлаш жиловлаб олинди, замонани мақташ ва маҳдиябозлик томир ортди.

Ҳамид Олимжон айна мана шу мақтов шакланаётган йиллари адабиётга кириб келди. Бироқ барча ижодкорлар қатори унинг ҳам дилида яширин дард пайдо бўлди ва бу сирли муң унинг айрим шеърларига кўчди. Айниқса, шоирнинг 1933—1937 йиллар орасида ёзган шеърларида мунгли дард, таланаётган халқ мулкига ачиниш

ҳисси, тун тасвири яққолроқ сезилади. Бу ҳол шоир қалбида қандайдир галаён кечаётганидан дарак беради. Бинобарин, унинг «Манзара» шеъри бизнинг шундай фикр юритишимизга асос бўлиши мумкин. Эътибор беринг:

*Қорли ер устига тинмайин
Утхона ташлайди оқ тугунни.
Тугун чўзилади қор сари, секин
Сахро тугатади қора тунни.*

*Тугун қуюлади қор томон оғир,
Сахрога чўқади тоғ силсиласи,
Шундайин бир тоғки, оппоқ ва юмшоқ,
Қорли тоғларнинг ҳам келар заваси,
Бағрида кўмилар қуёш нафаси.*

Утхона қорли ер узра ташлаётган оқ тугун нима? Чўзилиб сахро тунини оқартиришга қодир оқ тугун нима экан ўзи? Яна унинг қор томон оғир қуюлиши, сахрога тоғ силсиласини чўктириши қизиқ. Ўқувчи бу тасвирлар дастлаб сирли туюлади, англаб етолмайди... «Шундайин бир оқ тоғки, оппоқ ва юмшоқ!» Энди китобхон кўз ўнгига ярқ этиб, ёрқин тасаввур пайдо бўлади: пахта! Ҳа, унга қорли тоғларнинг ҳаваси келиши, бағрида қуёш нафаси кўмилиб ётиши бежиз эмас. «Қор», «оқ тугун», «тоғ силсиласи» суратлари ўша кезларидеҳ пахта якказироатчилиги деҳқонлар тугул саҳрони ҳам тоғдек босаётганлигини, пахта тутун бўлиб таралаётганлигини ўзида мутассам этади. Шу боис шоир шеърини тирикликда эълон қилишга ботинолмайди. 1933 йил ёзилган, 1957 йилгача чоп этилмаган «Ўзбекистон хотираси» шеърисидаги мана бу тасвир юқоридаги фикримизни тўлдиради ва тасдиқлайди:

*Чошгоҳ чоғи далада бўлдим,
Ловулайди тепада қуёш,
Кўч ёнадир, чўғ бўладир тош:
Халқумлар қурийдир,
Ҳаво иссиқ, дим,*

Чопикдан бўшаган колхозчи бир зум
Дам олиб ётади, кўлагада жим,
Ҳамма нарса сафарбар сенда,
Ҳар бириси ўз куйини куйлаб: —
Автомобил,

арава,

туя —

Пахта ташир ўлкани бўйлаб...

Ҳа, ҳар бири ўз куйини куйлаб, ўлкадан пахта ташибетган, кум ёниб, тош чўғ бўлган бир паллада халқуми қуриб чопикдан бўшаган колхозчи бир зумгина кўлагада ётиши ҳозирги кунимизга ётми? Колхозчи ўзи етиштирган пахтани, қайқа кетаётир, дейишга тили соқоқ, жим юришга мажбур. Шоир бу фикрларини мактову мадхиябозликка ўраб тасвирлашга уринади, бироқ дилида ўзи сезган ҳақиқатни душман сезиб қолишдан чўчиб, шеърни бостиришдан тийилади. 1936 йили ёзиб, 1940 йили «Бахт» тўпламига киритишга журъат этган қуйидаги шеърда ҳам шоирнинг ички дарди ўз ифодасини топган:

Кеча. Саҳро. Уйқу ва шовқин.

Кеча чўккан узоқ уфққа.

Теразждан тўниб боқаман,

Кўзим чўкиб қоронғиликка.

Қатагон йиллар ҳолати: мени ҳам олиб кетиб қолмасмикан, деган шубҳа ва қўрқу тасвири. Наҳот, ваҳимали мана шу қоронғиликдан қутулиш мумкинмас? Йилт этган умид нури бормикан?! Афсуски, йўқ.

Теразадан тўниб қарайман:

Уйқу босган сўнсиз саҳронин,

Уйқуда ер, уйқуда осмон,

Кўримайдир юлдуз нишонин.

Еру осмон уйқуда, дардингни эшитадиган замон эмас... Ахир тунда юлдузалар чарақлаши лозим-ку. Бу тасвир табиат тунни эмас, ердаги ҳаёт — саҳронинг кундузи тугаб, тун ҳаёти бошланганлиги тасвиридир:

Бошламишдир ўз ҳаётини

Саҳронинг устига чўкиб тун,

Жимжитдир ўйланиб ётгандай,

Кўндузини этгандай яқун.

Саҳро ётар сўнсиз, теп-текис,

Саҳро ётар ажиб туш кўриб.

Ундан ўтар тинмай поездлар,

Ўтар оташ юраги уриб.

Поездлар тинмай ўтар экан, демек ҳаёт қайнапти, қандайдир ёруғлик, оташ мавжуд — оташ юрак урапти-ку... Йўқ, бу ҳаёт ўзгача: саҳрода тун ҳаёти, яъни уйқули заминда поездинг оташ юраги уриб бежиз чопаетгани йўқ.

Поезд чопар, масофаларни

Қажраб босар оёқ остига.

Довонлардан, қирлардан ошар,

Тоғликларнинг тушар қасдига.

Шоир тун сувратини кейинги шеърларида ҳам давом эттиради. Лекин унинг санъаткорона маҳорати шунда эдики, юрагидаги яширин, дардли туйғуларни тасвирлай туриб, усталик билан шеърини замон зайлига мослаштиради... Дарҳол фикрини дўстликка, бахтга, саодатга буриб юборади. Баъзан бир шеърда икки хил мантиқ қўллайди. Масалан, шоирнинг машҳур «Ҳолбуки, тун...» шеъри фикримиз исботидир.

Шағирларди осмон ва ҳаво,

Шағирларди бутун коинот.

Шағирларди бетиним дарё,

Шағирларди дарёда ҳаёт...

Ҳолбуки, тун...

Бу мисралардан бир қарашда, тун бўлсада, бутун оламда ҳаёт жўш ураётир, деган маънони ўқиш мумкин. Аслида шеърни асл маъносидан, шоир ўйлаган мантиқда тушуниш тўғрироқдир. Шоир осмон, ҳаво, коинот, дарё, яъни бутун табиатда ҳаёт шағирлаб жўш ураётину ҳолбуки инсонлар ҳаётида тун кечаётир, деган гоёни илгари сурапти. Ахир динри қаҳрамонни тун ваҳимасидан ташқари бошқа бир қўрқу ҳам таъқиб этаётир:

Кезар эдим, мени тинмайин
Таъқиб ётар бир узун соя.
Вилмадимким, бормидир иши,
Е истарми айтмоқ зикоя.

Қатагон йилларни кўз олдимишга келтирсак, шеърдаги тун суврати ҳамда узун соянинг нима учун таъқиб ётиши ойдинлашди қолади. Бу йўлда ижод этиш — виждонга кулоқ солиш қалтис эди. Зеро, шоирнинг ўзи ҳар қадамда бундай даҳшатли қўрқува дуч келиб турса-да, ўзини кўрмасликка олиши, қайғунини эмас, шодлиқни куйлашга мажбур. Шу сабабли у юрагидаги шубҳаларни қувлаб қиқшишга жазм этади, коммунистик партиянинг ёрқин келажакка элтишига ўзини ишонтиради, орзулар билан яшашга кўникади. Ўзини кўпроқ «Ойгул билан Вахтёр», «Семурғ» каби эртақ-достонлар ёзишга уради. Санъаткорона ёзилган, баҳор ва шодлик қуйилган шеърлари орқали меҳнатдан толиққан халққа руҳ бағишлайди, эртанги кунга умид уйғотади, кишиларни некинлик туйғуси билан буркашга ҳаракат қилади. Юрагидаги қатагон йиллар чўктирган зил-замбил дардлар, ўша даврдаги гуруҳбозликлар чоҳига тушиб қолиб, йўл қўйган хатоликлар, гуноҳлар азоби шоирга тинчлик бермайди. Асарлари орқали ўз қарзини узишга уринади. Аммо у даврда туйғуларни очик тасвирлаш имкони йўқ эди.

У даврни қўя турайлик, яқиндагина ҳам халқ дардини очик айтилмас эди. Ахир узоқ вақт халқро ҳаётдан маҳрум этилиб, ўз ботқоқидан нарини кўролмайдиган бақага айлантилган, онгларига лоқайдлик, мутелек сингдирилганлиги туфайли фикрломайдиган бўлиб қолган халқ нима ҳам қила оларди? Тўғри, айрим зиёлилар, шоир ҳамда ёзувчиларгина нималар бўлаётганлигини англашга, мушоҳада этишга тиришар, бироқ фикрларини эркин айтишдан хавфсирашар эди. Кўплар ўзларининг бахтёрлик ва озоқлик қафасига солиб қўйилган тўтиқушлар эканликларини ҳаёлирига ҳам келтирмас

эдилар. Фақат қайта қуришнинг тоза ҳавоси, ошқоралиқнинг эркин шамоли эсгандан сўнггина онгимизда ногаҳон бўрон қўпди, қалбимизда ўз-ўзимизга исён кўтарилди, ўзгардик, руҳимизда янгиланиш, тозарилш кеча бошлади. Яқин ўтмишимиз тарихини босиб ётган зил-замбил «фаровонлик» тошларини бирин-кетин кўтариб ташлашга эришилгач, тагида бижғиб ётган чинакам ўтмишнинг — кечаги кунимизнинг рутубатли ҳаёти кўзга ташланиб қолди...

Биз энди аввал илқибол, озоқлик ва халқ душманларнинг асарлари сифатида талқин этилган, чоп этиш тугул ўқиш ҳам ман қилинган кўплаб китобларнинг ноҳақ таъқиб остига олинганлигини ачиниш билан эслаймиз. Чўпоннинг «Бузилган ўлка»га шеърини нақадар ҳаётини экаблигини ҳам, ўз кўзига ишониб, қалб амрига кулоқ солганлик жабрини тортган Абдулла Қодирий, Чўпон, Фитрат, Сўфизода, Абдулла Авлоний, Усмон Носир сингари юзлаб имонлилар сингари иш туганлар даҳшатли қийноқларга солиниши, ижодий «абадият»га йўқотилиши; юзларига «ўчмас» қора доғ суртилиши, номларини тилга олганларнинг тиллари кесилиши мумкинлигини ҳам, натижада кун қўришдан, ёр амаллаб шахсий ва оиласи ҳаётини асраб қолишга интилишдан ўзга чора тополмаганлар кўзларини юмиб қишни баҳор, укубатни роҳат, ваҳшийликни инсонпарварлик, имондан кечиб жигиддон ташвиши билан яшаниши бахт, тунини кун деб куйлашга мажбур бўлганликларини ҳам англадик. Бизга энди қатагон йиллар чигирингидан «омон» чиққан, сохта ижод этишга маҳкум этилган шоир ва ёзувчиларимизнинг «махфий ишлари» ҳам маълум бўлиб қолди.

Махфий ишлар уч кўрсатди. Шу бугунга доғур ўзбек совет адабиётининг асосчилари санаб келинган Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Комил Яшин янглиғ шоир ва адибларимиз теп-текис тақир даштда пайдо бўлмаганликларини, улардан ҳам юксак қоялар мав-



Ҳамиша Ҳусанга қийин-да!

Г. Ёқубов сурати



Эрта эксанг, эрта ўрасан.

А. Абалаян лавҳа сурати

жудлигини ҳис этамиз. Винобарин, ушбу «асосчиларимиз»нинг айримлари элгинчи йиллар охирида «махфий ишлар»нинг очилмаслиги учун жон-жаҳдлари билан тиришганликлари ва бугунги кунга доғур мақсадларига эриша олганликлари, ҳозир ҳам тақир даштада чинорлар бўлиб қолиш учун куйинаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Бунинг устига фақат Абдулла Қодирий бўйича «махфий иш»ларнинг бир қисми фош этилди. Ҳали темир сандиқда ўрганилмаган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Авлоний, Тавалло, Усмон Носир ва бошқа қатағону ҳасад қурбонларининг «айбнома»лари навбат кутиб турибди. Ҳали ўша қурбонларнинг кўпгина таржима асарлари «асосчилар»имиз томонидан тақсимланган ва ўз таржималари сифатида ўзлаштирилган, деган миш-мишларга аниқлик киритиш тадқиқотлари навбат кутаяпти. Шу сабабли, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолганлигини маъқулловчилар ва уларнинг тарафдорлари борлиги шакшубҳасиз. Аммо «асосчилар»имизнинг сирлари фош бўлишидан фойдаланиб, уларнинг адабиётдан суриб ташланишини, ўрнига чиқиб олишни истовчи бугунги ҳасадгўйлар ҳам топилади. Натияжада икки хил қараш, икки хил нуқтаи назар вужудга келди.

«Махфий ишлар» очилишидан ўнғайсизланувчилар чинакам ўзбек совет адабиёти асосчилари — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Сўфизода, Усмон Носирни «халқ душмани» деган фикрларидан қайтишга мажбур бўлсалар-да, ижодларини бир томонликда айблагдан, миллатчилик кўринишлари борлигига йўйишдан чекинмаётганлар. Сталинча қонхўрлик ва қасосбозлик бошқарувига суяниб ёки ноғорасига ўйнаб иш кўрган ҳасадгўйлар ҳали ҳам ҳақиқатни чинакамага тан олишга қийналмоқдалар. Улар ҳимоясида етишган ва давр руҳи онгига сингир қолган адабиётшуносларимизнинг аксарияти ҳам адашганлик нуқтаи назарини ушлаб олганлар. Иккинчи қарашдаги адабиётчиларимиз эса, сталинчилик даври ноғорасига ўйнаган ҳамда улуг истеъод соҳибларимизнинг бевақт жувонар бўлишига сабабчи «асосчилар»имизга, ҳатто уларнинг адабиётимиз бойлиги ҳи-

собланган ижодларига ҳам нафрат алангасини сочишга, асарларидан юз ўгиришга тайёрдирлар... Яъни, бургага ачиқ қилиб кўрпа куйдириш, бир қурбоннинг устига иккинчи қурбонни бериш ниятидалар. Бу фикрларни ўртага ташлаётганим, Ҳамид Олимжон ижодига ҳам шу йўсин қаровчилар йўқ эмаслигидадир. Кечагина унинг ижодини юксакка кўтариб мақтаганлар, бугун чиндан ҳам яхши шеърларидан кир қидириб, жўнликда айблагга тушиб қолдилар.

Биз мухтасар тўхталган ҳар иккала нуқтаи назар ҳам бир ёқлама бўлиб, ўзини оқламайди. Тарихимиз қатламларида халқ нигоҳидан яшириниб ётган махфий ишларнинг ҳаммасини ипидан-игнасиғача очиб ташлаш аслида тирик «асосчилар»имиз елкасидаги қарз. Эгилган бўйинни қилич кесмас, дейдилар. Шундагина улар халқ олдидаги гуноҳларини ювадилар, савобли ишга қўл ўрган бўладилар. Халқ кечиради. Зеро, тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш, бу билан адолатнинг кўмиб бўлмас эканлигини уқтириш, Ҳамид Олимжон сўзи билан айтганда, «кўмилса ҳам олтин ниҳон бўлмас»лигини англаш, давр қабоҳатини ва ҳасадгўйлик ўпқонини бор бўйича кўрсатиш ва шу орқали бундан буён ҳеч ким шундай фожиага йўл қўймасин, деган фикрни илгари суришнинг нимаси ёмон? Хатога йўл қўйган шоир ва адабларимиз ижодини холисона баҳолаш, яхши асарларидан фахрланишнинг ҳам зиёни йўқ. Умуман, ҳар қандай асарни унинг муаллифи кимлигидан, давр талабига қай даражада жавоб берганлигидан қатъий назар аввалам бор унинг бадиийлигига ва санъаткорона ёзилганлигига қараб баҳоланмоғи мақсадга мувофиқдир. Ана шу қараш нуқтаи назардан туриб, ўзбек совет адабиёти асосчилари ҳамда уларнинг давомчилари ижодларига қарашларимизни ўзгартиришимиз зарур.

Ҳа, қарашлар ўзгарди. Бахт ва саодат куйчиси, деб талқин этилган Ҳамид Олимжон ижодига ҳам янгича назар билан холис қарашимиз, унинг юрак дарди билан мажбуран куйланган сохта саодатнинг фарқини ажрата олшимиз лозим. Мен бу маъсулият-

ни мазкур мақоламда кўрсатдим, демоқчи эмасман. Фақат шоирнинг ўз ижодидан айрим мисолларга таянган ҳолда қатағон йилларида у куйлаган бахт-саодат бир орзу эканлигини, аслида шоир ижоди ботинида ҳамманинг бошига тушган дард мавжудлигини, яъни шоир ижодига янгича ёндошиш зарурлигини баҳоли қудрат ўртага ташладим. Зеро, шоир ижодини безаб турган «Бахтлар водийси», «Ўрик гуллағанда», «Ўзбекистон», «Офелиянинг ўлими», «Жангчи Турсун» балладаси, «Зайнаб ва Омон» дostonлари билан бир қаторда ўз даври фожияларини очиб берувчи асарлар ёзиши ҳам мумкин эди. Афсуски, бу бир туш эди, холос. Шу боис шоир ўз кўзи билан кўриб, кўрмасликка олган аянчли даврни, халқи бошидан кечган даҳшатли воқеаларни минг йилдан ҳам олисдаги замонага кўчириб, ўз замони сахнасига олиб чиқади. Биз унинг «Муқанна» тарихий драмасини назарда тутатгиримиз. Мазкур асар қаҳрамони Оташ халққа қарата шундай дейди:

*Биз қул эдик, ҳозир бутун йўла қул,
Ҳозир гап шул: ким мусулмон, ким кофир.*

Оташнинг оташин сўзига жавобан Гулойин мурожаат этади:

*Эркак-айла ўз юртига мусофир,
Мана сенга керак бўлса гўлбазор,
Баҳор эмас, устимизга ёғар қор...*


Чамамда, Гулойиннинг мурожаатида ҳаммиша баҳорни куйлаган шоирнинг ўз-ўзига ички жавоби, эътирофи ҳам мужассамдек туюлади. Аммо шоирнинг асосий дарди ўзи билан кетди, бадиий ифодасини тополмади. Шу боис ушалмаган орзулари фарёдини Муқанна сўзи орқали асирлар оша ҳайқириб ўтаверади:

*Халққа айтинг, мен асло йўганим йўқ,
Ев кўлгига таслим ҳам бўлганим йўқ,
Мен элимнинг юрагига яшайман,
Эрк деданимни тилағида яшайман,
Қуллик билан тиролмайман бир ерда,
Душман билан ётолмайман бир гўрда...*

Эргаш МУҲАММАД

ҒАЗАЛЛАР

ШИРИН ҲАЁТ



ШИРИН СЎЗ

Топгай ширин сўзинг била ҳар бенаво наво,
Бўлгай яна эл олдида кўп норасо расо.

Бу қомату жамолу тароватки сенда бор,
Кўрдим қошингда бир неча нозик адо адо.

Қилгай муаттар атр ила оламни субху шом,
Кирсанг чаманга қилгали касби ҳаво ҳаво.

Юрсанг чаманда ўпгай аёингни сабзалар,
Бўлгай шарафли васл ила меҳри гиё гиё.

Булбул каби саҳарда наво қилсам айб эмас,
Ушшоқ элига бўлгуси кўп нораво раво.

Лофи муҳаббат урмасун олдингда ўзгалар,
Бўлмас алар муҳаббати ҳеч бериё риё.

Тотсам: Ҳабибий, бодайи васлингн то абад
Бергай кўзу кўнгилга бу кайфи сафо сафо.

Уйласанг дунё тилсиму турли бойлик коинот,
Ҳар ким ўз таъбиға лойиқ олгали захру набот.

Баъзилар олса наботу баъзилар захр олдилар,
Ибрат ол ким хоину кимга хиёнат келди ёт.

Донаи шатранж эрур инсон жаҳон майдонида,
Юрса фикр этмай бўлур беш-ун кадамда кишту
мот.

Бўлса илму меҳнатинг йўлдошу ақлинг
раҳбаринг,
Шунда топгайсан қидирсанг коинот ичра нажот.

Қўлга меҳнат олсин аввал ҳар киши бахт изласа,
Топтилар меҳнат билан кўзлар улуг унвону от.

Катта денгизларнинг ости, устида юрса биров
Баъзилар кўкларда парвоз айлади ишлаб қанот.

Фан калиди бирла кашф этди замон олимлари,
Эй Ҳабибий, турфа янги-янгилик ширин ҳаёт.



ИККИ БУЮК ДЎСТ

Дўстлар, шонли башар Жомий, Навоийни кўринг,
Соҳиби фазлу хунар Жомий, Навоийни кўринг.

Шуъла сочгай кеча-кундуз шеърят осмонида
Ҳам чунон шамсу қамар Жомий, Навоийни
кўринг,

Бирлари тожик, бири ўзбек ва лекин бир талаб,
Дил билан тил бир магар Жомий, Навоийни
кўринг.

Бу ҳақиқий дўстлик расми советлар даврида
Бўлди ҳар кун жилвагар Жомий, Навоийни
кўринг.

Назм гулзорига оройиш берибдир мунча ҳам,
Ранг-баранг гул сарбасар Жомий, Навоийни
кўринг.

Бўлса деб меҳнаткаш эл тинчу, омон қўлда қалам,
Ухламай шому сахар Жомий, Навоийни кўринг.

Эй Ҳабибий, кўп асар қолдирдилар ибратнамо,
Бўлди олам бахравар, Жомий, Навоийни кўринг.



«ЕТМАГАЙ МАҚСАДГА ЭЛ ИНТИЛМАСА ТО БИРЛАШИБ...»

Халқ қалбидан жой олган шоир ўлмади. Ҳар лаҳзаю ҳар паллада, туну куннинг ис-талган дамларида у сизнинг ҳузурингизга кириб келади, дардларингизни арилади, қувонч онларингизга шерик бўлади, доно ҳамсуҳбат ва меҳрибон мураббий сифатида сиз этикоҳ қўйган киши бўлиб буй кўрсатади. Нуктадон ғазалнавис, ўтмиш шеърятни анъаналарини маҳорат билан давом эттириб, минглаб қалблардан муносиб ўрин эгалла-ган мавлоно Ҳабибий ана шундай хурмат-муҳаббатга мушарраф бўлган шоирларимиз-дан биридир. Бугунги кунда адабий жамоат-чилик шоирнинг қутлуг ёшани — таваллу-дининг юз йиллигини нишонламоқда.

Зокиржон Холмухаммад ўғли Ҳабибий бундан роппа-роса бир аср муқаддам Анди-жон вилояти Пахтабод ноҳияси ўрамидаги Қўқонқишлоқда дунёга келди. Қўқон, Анди-жон мадрасаларида таҳсил кўрди. Навоий, Лутфий, Отойи, Бобур, Муқимий, Фуқрат, Завкий каби классик адабиётимизнинг пир-лари унинг шуурини чархлади, шеърятга ҳавас уйғотди. Ингирма ёшидан машқ қила бошлади. Форс-тожик тилини ҳам яхши бил-ган шоир Ҳабибий арузнинг қонун-қондала-

ри, сир-асорини пухта ўрганди ва ҳозирги шеърятимизда ғазалхонлик тараққийсига муносиб ҳисса қўшди. «...Адабиётда аруз вазнларининг мусиқийлиги, сўз санъатида-ги ранго-ранг шакллари, яъни ғазал, қасида, мусаддас, мухаммас, мураббаъ, рубоий, тар-жеъбанд, таркибанд, туюқлар, соқийнома, маснавий, китъалар, яна вазнларнинг тузи-лишига кўра берилган номлар, масалан: мус-тазод, номатбўъ, мутадорак, кўш қофия, баҳ-ри тавил, яна шеъринг безаги бўлган ажойиб қофиялар, чиройли ўхшатишлар, ки-ноя, латифа, истиора, мажозлар, айниқса Алишер Навоийнинг «Хамса»сидаги фасоҳа-ту балогати, Фузулийнинг «Лайли-Мажнун» достонида муболага устидаги жўшқин маҳо-рати ўқиган сайин муҳаббатимни ўзига тор-тиб, мени мафтун қилар эди... Аруз вазни-нинг турли баҳрларини билиш учун диққат билан кўп ўқидим, ёздим», деб эътироф қилган эди домла ўзининг 1975 йилда нашр этилган «Девон»ига ёзган сўзида.

Навоий адабий меросини ўрганиш коми-тетига (1938), Катта Фарғона канали қури-лишида (1939) ишлаган йиллари Ҳабибий жуда катта илмий ва ҳаётий тажриба тўпла-

ди. Янгийўлдаги вилоят музыкали драма ва комедия театрида кўп йиллар адабий эмак-дош бўлиб меҳнат қилди. Кишиларимиз қалбидаги ўзгаришларни, вафо-садоқатни, инсоний фазилатларни самимият ила тара-нум этди. «Меҳнат кўшиқлари», «Янги ялла-лар», (1949), «Колхозчилар ашуласи» (1951), «Кўнгил тароналари» (1957), «Замон Фар-ходлари» (1959), «Наврўзи олам» (1973) ка-би шеърый тўпламлари, «Танланган асар-лар»и (1967) ва 1975 йилда чоп этилган «Де-вон»и билан мавлоно Ҳабибий миннатдор халқи қалбидан мухтасар ўрин эгаллади. Унинг ижоди қирқ мингдан зиёд байтни таш-кил этади. Ана шу меҳнат самаралари Ҳаби-бийни Ўзбекистон халқ шоири деган шараф-ли унвонга мушарраф этган эди.

Ҳабибийнинг булоқ сувларидек мусаффо-лик билан йўғрилган ғазаллари қалбларга маънавий завқ-шавқ бағишлашда давом эта-вереди, зеро шоирнинг ўзи куйлаганидай: *Зўр шараф топдим, Ҳабибий, оқибат эл*

қошида.

Дил тўлиқ завқу бошимда давлатим,
ҳалхона сўз.
Б. АМИНОВ

ХОТИРА КУНИ

Кузда таътилда бўлиб, кундалик газеталарни кузатиб боролмадим. Шу боисдан афсусли бир ҳолатдан воқиф бўлолмай қолибман. Сур-хондарёлик бир танишим январ ойи бошларида редакциямизда бўлганда ачинаб гапириб қолди:

— Журналингиз оталиғидаги Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг эски раиси Ислиддин ака Ҳайдаров вафот этдилар шекилли?

— Йўғ-е. Наҳотки?

— Бундан чамаси икки ойлар бурун жумҳурият газеталаридан бирида шу ҳақда совуқ хабар ўқидим...

Хуллас, унинг гапига ишонмадим. У кетгач, бош муҳарриримиз Мирмуҳсин аканинг ёнига кириб, аниқлаштиришга ҳаракат қилдим. Ичкарига киришдан олдин мулоҳазага бордим: «Мабодо, домла ҳам эшитманган бўлса, ёзувчи одам эхтиросли халлар гирдобиде ўтиргандир. Қўққисдан бу совуқ хабарни айтиб, фикрларини чилчил қилиб юбормай тагин...» Барибир домланнинг ҳузурига кирдим. Аввалига гапни узоқдан бошладим. Кейин Ислиддин аканинг тақдирини суриштирдим.

— Сиз чамаси таътилда эдингиз. Афсуски, у киши оламдан ўтдилар. — Устоз шундай дея девордаги бир нуктага тикилганча хомуш тортиди.

— Қарийб ўттиз беш йил раислик қилиб, охирида армон билан кетдилар-да...

— Ҳа, армонли дунё деб шунни айтидилар...

Устознинг ҳузуридан хаёлим ағдар-тўнтар бўлиб қичди. У з хонамга кириб, стулга ўтирдим. Уша хокисор зот ҳақидаги илиқ хотиралар кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошлади.

Ислиддин ака раислик қилаётган «Гулистон» колхоз журналимиз оталиғида эди. Шу боисдан редакция ходимлари, жумладан, камина ҳам мазкур ҳўжаликда тез-тез бўлиб турарди. Журнал саҳифасида ташкил этилган «Гулистон» «Гулистон»да ойнасўз остида ҳўжаликнинг ибратли ишлари, фидойи деҳқонларнинг қўлга киритган ютуқлари ҳақида ранг-баранг мақолалар бериб бориларди. Журнал билан колхоз ўртасидаги мана шу ҳамкорликнинг рамизи сифатида ҳўжалик раҳбари Ислиддин ака Ҳайдаров журналимиз бош таҳрир ҳайъатининг фахрий аъзоси эди. Биз у билан қишлоқ ҳўжалик ишлабчиқаришидаги муаммолар хусусида, унни қайси йўсунда журналда кўтариш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлашиб турардик. Узоқ йиллардан буён ҳўжаликка раҳбарлик қилиб келаётган бу инсон учун деҳқончиликнинг бутун сирасрори беш бармоқдек аён эди.

— Колхозга дастлаб раис этиб сайланганимда 29 ёшда эдим, — деб эслаб қолди у бир гал ўз ўтмишини. — Ҳеч эсимдан чиқмайди. Уша кун мажлисдан қайтиб уйга келганимда падарим Ҳайдархўжа мени кўча дарвоза олдига қуочқочиб кўтиб, ният қилдилар: «Ўғлим, янги лавозимингиз кутулғ бўлсин! Энди элнинг назаридан қўлмай десаңгиз, ишни пишиқ-пухта қилинг, кўп билан маслаҳатда иш тутинг. Ҳеч ҳам ҳаволаниб кетманг. Ахир,

камтар-камол, дейдилар...» Бир умр отамнинг мана шу ўғитига амал қилишга интилиб келаяпман».

Ҳа, Ислиддин ака яхши инсоннинг фарзанди эди. Ўз фаолияти давомида ҳам хайри ишни кўп қилиб, эл олқишини олишга ҳаракат қиларди.

Биз кўпинча эрта баҳорда, далада ишлар қизғин бошланган кезларда, кузда эса пахта терими вақтида колхозда бўлардик. Дала шйпонларини кундалик руҳ билан безашда, мавсумий деворий газеталарни чиқаришда кўмаклашардик. Ҳўжалик даласида кўрган-кечирганларимиз, албатта, журнал саҳифаларида ўзининг акс-садосини топарди.

...Раиснинг кабинетига у билан ҳўжаликда амалга оширилаётган ободончилик ишлари ҳақида мириқиб суҳбатлашиб ўтирардик. Шу вақт кимдир ноҳия фирқа кўмитасидан кўнгирак қилиб қолди.

— Узр, ноҳия марказига биров тушиб келишга тўғри келиб қолди. Биринчи котиб кутаётган экан. Сиз мен келгунча фирқалар дарғаси

Армонли дунё

Абдуваҳоб Мафиқов билан янги қурилишлар билан танишиб турингнилар. — У шундай дея Пискентга жўнаб кетди.

Биз Абдуваҳоб билан колхоз марказини айландик. Ундаги қурилиш ишлари билан танишидик. Ушанда эски клубдаги уч-тўрт хона асосида колхоз тарихий музейи ташкил этилаётган эди.

— Ислиддин ака — жудаям тежамкор раҳбар-да. Ҳар ишда харажати ниқтисод қилишни ўйлайди. Колхоз музейини ташкил этишда ҳам, лимон еттиштирилаётган иссиқхонани қуришда ҳам четдан усталар тақлиф қилмадик. Бу ишларни колхознинг ўз кучи, ўз одамлари билан бажардик, — деб изоҳлаганди ўша гал Абдуваҳоб ўз устозининг омилкорларини.

Орадан кўп ўтмай Ислиддин ака ноҳия марказидан қайтиб келди. — Бирор зарур гап чиқиб қоллибдими? — дея раисга юзланди А. Мафиқов.

— Йўғ-е, шунчаки бир маслаҳатга чақиртирган экан котиб, — деди сал жиламайиб Ислиддин ака. — Катта ўғлимиз Муҳиддинни Калинин номили колхоз фирқа кўмитаси котиблигига тақлиф қилишмоқчи экан. Ота сифатида «Сиз нима дейсиз?» деб сўрашди. Мен ёшлик қилмасмикан, деган мулоҳазани билдирдим. Мен раис бўлганимда 29 ёшда эдим. Муҳиддин тенгилар, гарчи ёши ўттиздан ошган бўлсалар-да, бизларга ўхшаб ҳаётнинг ачиқ-чучгини татиб кўрмаган. Шундай бўлгач, одамларнинг қадрига етармикин, кўпнинг ишончини оқлай олармикан, деган андишадман.

— Ахир, яхши отанинг фарзанди-ку, — деб ҳазиломуз илова қилдик.

Шу-шу Ислиддин аканинг катта ўғли Муҳиддин қўшни Калинин номли колхоз фирқа кўмитасини бир неча йил бошқарди.

Дарвоқе, Ислиддин ака оиласининг ўзи бир колхоз. У ўн икки нафар фарзанднинг отаси эди. Ҳаммаси ҳам уриниб-интилиб, олий мактабни тамомлашди. Уларнинг орасида шифокор ҳам, инженер ҳам, иқтисодчи ҳам, ҳисобчи ҳам — барча мутахассис эгалари бор. Ўн икки фарзандни ўстириб вояга етказган уш бекаси Мавжуда опа эса Қаҳрамон она. У ҳам ҳар бир фарзандининг номолани кўриб, Ислиддин ака билан баробар қувонарди.

Ислиддин ака «Гулистон» колхозига, ҳали айтганимиздек, бир йил эмас, ўн йил эмас, роппа-роса ўттиз беш йил раислик қилди. Бу давр ичиде ҳўжаликда янги-янги равонокчалар, қатор-қатор хушбичим иморатлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, боғча, мактаб бинолари бунёд этилди. Хонадонларга қувурларда сув олиб киритилди. Сирасини айтганда,

колхоз мўъжазгина, имкониятлари ҳам ўзига яраша ихчам ҳўжалик эди. Экин майдонлари эса тошлоқ ерлардан иборат. Унда фақат сувнинг кучи, меҳнатнинг зўри билангина ҳосил ундириларди. Колхоздан сал нарида жойлашган Олмалик кимё комбинатининг чиқиндилари тоғ-тоғ бўлиб колхознинг ер-сув шароитини цеклаб, елкадан босиб келарди. Қайсиям бир йили яроқсиз кимёвий чиқиндилар зарбидан ерости сув қувурлари ёрилиб кетиб, ифлос, заҳарли оқова бутун бир бригаданинг экин майдонини босиб кетганди. Раис бу касофатнинг асоратини йўқотиш учун ойлаб уйку-ором нималигини билмаган эди ўшанда.

Ислиддин аканинг камтар-камсуханлигига ҳар гал тан берардик. Ёнидаги баъзи хизматдош фаоллари 60 йиллик юбилейини колхоз клубида, кенгроқ доирада ўтказишни маслаҳат беришганда: «Йўқ, биз катта кетишга ўрганган эмасмиз. Ота-бобаларимиз ҳам оддий деҳқон бўлишган. Бунинг устига колхозимизнинг имконияти ўзига яраша. Кўрпага қараб оёқ узатсак, хор бўлмаймиз», деб жавоб қилганини ўз қулоғимиз билан эшитганимиз. Унинг юбилейи нишонланмади эмас, нишонланди. Фақат жуда камтарона ўтди бу маросим. Ислиддин аканинг яхши кунида уни редакциямиз жамоаси номидан қутлаш учун уч киши борган эдик. Раиснинг одмиғина уйининг каттарок хонасида йигирма чоғли киши дастурхон атрофида тўпланишидик. Меҳмонлар орасида маҳаллий партия, совет идоралари раҳбарларидан ҳам бор эди. Юбиляр шаънига қутлов қадаҳлари кўтарилганда улар Ислиддин аканинг олган кўшқўш орденларию юксак унвон-



ларини бирма-бир тилга олиб, унинг муносиб, обрўли ҳўжалик раҳбари эканлигини оғиз кўпиртириб мақтанган эдилар. Афсуски, орадан уч-тўрт йил ўтар-ўтмас унга тухмат тошлари отилганда уша раҳбарлардан: «Ислиддин ака — ҳалол раҳбар. Биз бунга қафиллик бераоламиз», деб бел тургани бўлмади. Ўттиз беш йил кеча-кундуз эл ташишида югуриб-елган жонкуяр инсон оқорирокдаги гирром раҳбарларнинг касофати билан ора очик бўлгунча — қарийб бир йилча қамоқда сақланди. Мана шу ноҳақ қамоқ, юксак лавозимдагиларнинг номардлги унинг қаддини букиб, умрини қисқартди. Биз учун бир таскин бор. От ўрнини той босар, деганларидек, Ислиддин аканинг баркамол фарзандлари унинг ишларини, ниятларини давом эттириб, неварачеваралари билан ҳовлиснинг бағрини тўлдириб туриптилар.

Ислиддин ака Ҳайдаровнинг сўнги ачиқ тақдирини эслаганимда, унга ўхшаб халққа хизматлари чуқур синган яна икки раиснинг сўнги давлардаги оғир қисмати хаёлимдан ўтди. Улардан бири — машхур раис, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, икки чақирқ СССР Олий Советига депутати қилиб сайланган, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхозини қирқ икки йил сурункали бошқарган Жонқул ака Юсуповдир. Бундан атғи уч-тўрт йил олдинги уронсурон вақтида унинг ҳам шаънини хўрлашди. Ҳатто юмалок хатчиларнинг тухмати билан ҳовлис тафтиш қилинди. Колхозни эса иккига бўлишди. Лекин бебошлик кўчайиб, ҳўжалик иши орқига кетабошлагач, ҳўжаликларни яна қўшишди. Гарчи, Жонқул ака умрининг охиригача колхозда раис бўлиб турган бўлса-да, ўзига кўрсатилган охириги дақиқада унга кўрсатилган адолатсизлик унинг учун катта армон бўлди. Худди шунга ўхшаб оғир қисмат жумҳуриятимиздаги эңгир ҳўжаликка, ҳар йили ўн бир миллион сўм даромад қиладиган Саросис районидаги «Коммунизм» колхозига (кейинги вақтда бирлашма эди) қирқ йил раҳбарлик қилиб, халқини тўйдириб-кийинтирган, қаҳрамон, ўнлаб орденлар соҳиби, ўн йиллаб жумҳурият олий кенгаши депутати бўлган Бобомурод Омонов бундан икки йил бурун Термиз турмасида ноҳақ сўроққа дош беролмай ҳаётдан қўқ юмди.

Эҳ, бу орденларнинг қай бирига бардош берасан киши!? Қани энди

Оқил ИНСОННИ ЭСЛАБ



Жумҳуриятимиз маданий жамоатчилиги орасида Отаулла Оқиловни танимаган одам кам бўлса керак. Табобат оламининг бу жонкуяр вакили бўш вақт топди дегунча дам телевизор экрани, дам радио тўлқинлари орқали жонажон халқни истиқболга шошиллади. У ўзбек халқининг саломатлигини муҳофаза қилишдай хайрли ишга ўзини масъул деб биларди.

Отаулла ака табобат оламининг ўзаги саналган ирсият соҳасида қатор илмий ишларни амалга оширган йирик мутахассис эди. Фаолият мезони чегара билмаган бу олим ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги «Инсон ва биосфера» қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон ирсият ва уруччилик илмий жамиятининг Бош президенти, Урта Осиё болалар касаллиги тиббиёт институти биология ва умумий ирсият кафедрасининг мудирини вазифаларида толмай меҳнат қилар, ўз билими ва иқтидорини умумманфаати йўлида фидо қиларди. Узида мужассам топган инсоний фазилати билан барча шогирдларига ўрнак, меҳрибон устоз ҳозир ҳаёт бўлганида муборак олтимиш ёшга тўларди. Афсуски, бевақт ўлим уни ёру биродарлари ва севган халқи орасидан олиб кетди.

Отаулла Оқиллов 1930 йили Тошкент шаҳрида маърифатпарвар оилада таваллуд топди. 1953 йили Тошкент Давлат олий тиббиёт билим юртини тамомлагач, шу даргоҳда илмий изланишлар олиб борди. 1964 йилдан биология ва умумий ирсият кафедрасининг доценти, 1972 йилдан САМПИ биология ва умумий ирсият кафедрасининг мудирини, институт декани лавозимларида ишлади. Еш олим 1963 йили тиббиёт фанлари номзоди, 1972 йили биология фанлари доктори илмий даражаларини ҳимоя қилди. Унинг илмий ишлари асосан одамларда буқоқ безининг мўтадил ҳолатда ва буқоқ

касаллигида қон томирлари фарқланишига, умуртқали ҳайвонларнинг қон таркибий қисмлари, қон ишловчи аъзоларининг мўтадил ҳамда ионлаштирувчи нурланишлар таъсиридаги ҳолатига бағишланган эди.

Профессор Отаулла Оқиллов тиббиёт олий ўқув юртлири учун биология фанидан ўзбек тилида чиқарилган иккита ўқув қўлланмаси, бешта рисоласи, 130 дан ортиқ илмий ишлари ва 10 дан зиёд илмий-оммабоп кичик рисоалари билан жумҳуриятимизда медицина фанига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, унинг раҳбарлигида битта фан докторлиги, ўнта фан номзодлиги диссертациялари ёқланди.

Профессор кўш истеъдод соҳиби ҳам эди. Унинг очерк ва мушоадала мақолалари ҳаммиша адабиёт ва маданият ахли томонидан яхши кутиб олинди. Уша мақолаларнинг натижаси ўлароқ алломанинг «Меҳр чашмаси», «Инсонни ардоқланг» каби китоблари босилиб чиқди. Унда тиббиёт фани, саломатлигимиз посбонлари — шифокорларнинг эришган меҳнат ютуқлари ўз ифодасини топди.

1965 йилдан КПСС аъзоси Отаулла Оқиллов жамоат ишларида ҳам фаол қатнашар, Тошкент Давлат олий тиббиёт билим юрти ва Урта Осиё болалар касаллиги тиббиёт олий ўқув юртлирининг фирқа қўмитаси аъзоси, узоқ мuddат шу даргоҳнинг «Медик», «Пе-диатр» кўп нухали газеталарининг масъул муҳаррири бўлиб хизмат қилди. У қайси ишни бажармасин, фикри-зири Ўзбекистонда одам ирсияти фанини шакллантириш, ирсий касалликларнинг жумҳуриятимизнинг вилоят, ноҳияларида тарқалишини ўрганиш ва бу соҳада эмлаш тадбирларини олиб бориш билан банд бўлди.

У узоқ вақт давомида жумҳурият аҳолиси ўртасида наслдан-наслга ўтувчи касалликлар

нуфузли раҳбарлардан бирор киши мардлик билан майдонга чиқиб, ноҳақ қатагон қилинган, эндиликда марҳум мана шу уч раиснинг хотирасини абадийлаштиришдек хайрли ишга бош-қош бўлса.

Армонли дунё деганда кўнглимда яқиндан бери яна бир хасталик ҳис қилдим. Бундан бирмунча вақт илгари, аниқроғи, 12 январ оқшомида Алишер Навоий номидаги катта театрда Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллиги нишонланди. Залда одам тирбанд бўлиб кетди. Уч қаватнинг ҳар бирида ўтирганлар қанча бўлса, тик турганлар ҳам шунча эди. Халқ севган адабимизнинг фарзанди Мақсудали минбардан туриб, залга, тўғрироғи, президиумга шундай нидо қилди: «Мен Юнусов-бод даҳасидаги чойхоналарда бир неча бор бўлиб, ўша жойдаги кексалардан дадамнинг сўнги қисмати билан қизикдим. Маълум бўлишича, дадамни отган киши ҳозир тирик экан. Ундан биз дадамнинг охириги нафасда нима де-

ганини, бирор васиятомуз нола қилган-қилмаганлигини билмоқчи бўлдим. Лекин у: «Буни айтиш ваколати менга берилмаган», деган гапни рўкач қилди. Падари-бузрук-воримизнинг охириги оҳини билмаслик биз учун катта армон бўлиб турипти. Худди шу масалада бизга ёрдам берсаларингиз...»

Залда ўтириб, кўзимда ёшим қалқиган ҳолда Мақсудали аканинг қалб индоларини эшитар эканман, буюк санъаткоримизнинг аянчилик тақдирини билан боғлиқ бошқа ўкинчли ҳолатлар қалбимни тирнаб ўтарди.

Гарчи, партия ва ҳукуматимиз Абдулла Қодирийни 1957 йилда оқлаган бўлса-да, ўзимизда уни матбуотнинг кучи билан 70-йилларнинг охириларигача қайта кўмишга жонжаҳди билан уринганлар бўлди. Қай кўз билан кўрайки, ўшалардан икки танқидчи-адабиётшунос юбилей президиумида ўтиришарди. Ахир, Абдулла Қодирий ҳаёт бўлганда ўша кунни шоҳсупада ўзи ўтирган бўларди-ку! Одамларда

инсоф, диёнат борми ўзи!.

Буюк ёзувчи таваллудининг 80 йиллиги арафалари эди. Ишдан кеч қайтаётиб «Правда Востока» кўчасида Матёқуб Қўшжоновни учратиб қолдим.

— Кечкурун бу томонларга йўлингиз тушибди? — деб сўрадим ундан.

— Абдулла Қодирий таваллуд муносабати билан «Совет Ўзбекистони» газетасига тўрт-беш қоғозлик мақола бергандим. Эшитишимча, бу мақола Катта маҳкама тафтишидан ўтибди. Хайриятки, Марказқўмнинг бўлим мудирини Музаффар Хайруллаев тушунган одам. «Бериш мумкин», деган ижобий мулоҳаза билдирибди у киши. Лекин барибир хавотирдаман. Узим кўз-қулоқ бўлиб турмасам, бу ердагилар ҳам у ер — бу ерини юлб-юлкшини мумкин, — деб нолиди олим.

Эрталаб туриб киоскадан ўша газетани олдим. Атиги ҳажми тўрт қоғозча мақола эди. Адбининг бирорта суратини беришни ҳам

«суяқ суришининг» содир бўлиши муаммолари устида изланишлар олиб борди. Олимнинг бевосита иштирокида ТошМИ, САМПИ қошида ирсият илмий марказлари ташкил этилди.

Ажойиб жамоатчи, тиббиёт тарғиботчиси О. Оқиллов меҳнат коллективларида, колхоз-совхоз ишчи-меҳнаткашлари ҳузурида тез-тез бўлиб, мазмунли тарғибот ишларини олиб борарди. У «Ўзбекистон тиббиёти» «Фан ва турмуш» журналларининг, Ўзбекистон Совет қомуши қошидаги таҳрир ҳайъати аъзоси, Саломатлик илмий-оммабоп қомусининг масъул муҳаррири ҳам эди.

Ҳукуматимиз таниқли олим, жамоат арбоби Отаулла Тўрахонович Оқилловнинг меҳнатларини юксак қадрлаб «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун», «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги» ҳамда Меҳнат ветерани медаллари билан мукофотланди. Мухтарам устоз СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси унвони билан тақдирланган эди.

Меҳр-шафқатли шифокор, ғамхўр тарбиячи, зукко тарғиботчи, ажойиб инсон Отаулла Тўрахонович Оқиллов хотираси доимо қалбимизда сақланиб қолади.

Абдурашид ЭРГАСHEV

эп кўришмаганди.

Идорага келиб Матёқуб акага кўнғироқ қилдим:

— Мақолангиз чиқибди. Қўл тегишимизми?

— Тунги соат ўн иккилардан ошгунча редакцияда эдим. Барибир мен кетгач бир-икки муҳим жумлани олиб ташлашибди, — деб норози оҳангда жавоб қилди у киши.

Умримиз ўткинчи. Минг таасуфки, буни ҳамма вақт ҳам ҳис қилвермаймиш, босган изимизга синчиқиб разм солмаймиш. Аксинча, шон-шухрат, унвон-амал деб бир-биримизнинг пайимизни қирқишга, фиску фасод билан софдил кишиларни чағғитишга, панада туриб уларга тўхтаёт тошларини отишга пайт пойлаймиш. Ҳатто ҳаётга қўлидан етаклаб олиб кирган устозига ҳам чоҳ қазийша тайёр турганлар бор. Ахир, бу жаҳолат ва ёвузликдан қачон қутуламиз!

Шомурад СИДДИҚОВ

ШҶР ПЕШОНА

ХАЖВИЯ



Холаев кенгашдан меҳмонхона кечга томон қайтди.

Соат етти, шу пайтдан ётиб ухлаш бемаъналик бўлур эди, кимни йўқласам экан, деб тошкентлик курсдош ўртоқларини хотирасидан ўтказа бошлади. Биринчи бўлиб ёдига Исмат тушди. У жуда одамшаванда, қизикчи йигит эди.

Холаев телефон қилиб ўтирмай оғайнисининг уйига бостириб боришга қарор қилди.

Кўчага чиқиб такси тўхтатди, Абай кўчасида, ўзига таниш тўрт қаватли тураржой биноси олдида машинадан тушди. Учинчи қаватга кўтарилиб, эшик кўнгиригини босди. Эшикни полукдекки на жувон очди. Холаев Исматни сўради.

— Шўттлар, кирақолинг, — уй бекаси қамол охтиром билан таклиф қилди.

Зум ўтмай даҳлзда Исматнинг ўзи пайдо бўлди. Оғайнисини кўриб шунчалик севиндики, нақ қорвургани синдириб юборгудек қучоқлаб кўришди, икки бетидан ўпди.

Бир пиёладан чой ичганларидан кейин уй бекаси зийраккина аёл экан, юмуши борлигини бахона қилиб бошқа хонага чиқди. Энди ёлғиз қолган оғайнилар бемалол ҳасратлашишса бўларди.

— Қаёқларда йўқ бўлиб кетдинг? Инглишмасам кўришмаганимизга саккиз йилдан ошди-ёв?! — гапни Исмат бошлади.

— Эсингдами йўқми, Термизга ишга жўнатилгандим, — жавоб қилди Холаев, — олдинга артистлик қилдим, аммо бир йилга ҳам чидолмай шаҳар маданият уйига қочвордим. Етти йилдан бери ўшаттаман.

— У ерда нима иш қилдилар?
— Тўғрисини айтсам, ўзим ҳам билмайман.

— Олифтарчилик қилма!
— Хўш, шпор, қашиқлар ёзамиз, тўғрақлар ташкил қиламиз, лекциялар уюштирамиз, лекин шу нарсалар кимга керак, ўлиб кетай агар, билмайман, — Холаев қўл силтди, — Мени қўявер. Ўзинг қалайсан?

— Сўрама, ахволимга ит йнглайди. — Исмат иягини қасиб, қошларини чимирди. — Якка мохов бўлиб қолганман!

— Тушунмадим!
— Уйимга одам зоти қадам босмай қўйган. Кейинги уч-тўрт йил ичда йўқлаб келган бирдан бир кимса — мана сен бўлдинг!

— Улай агар, ҳеч нарсага тушунмапман.

Исматнинг юрагида дарди кўп эканими, маънос тортди, ўйлаб қолди.

— Ичинга ютсанг дардинг бола-лаб кетаверади, — деди Холаев, — ёрил.

— Чақчақлашиб ўтиргани келсам, бунинг ҳасратидан чанг чиқапти демасанми?

— Одам ҳаммага ҳам ишониб дардини айтаверамайди.

— Эшит бўлмас, — Исмат юмшоқ креслога қулайроқ чўкиб ўтирди, — ўзинг биласан, хунанинг интермедиялар ўйнаб, камчиликлардан кулиш.

— Аммо қойил қиласан, сен телевизорда чиқадиغان кунинг ҳамма юмушимни йиғиштириб қўйиб...

— Гапнинг белига тепмасдан тек ўтир, — Исмат ҳорин овозда танбех берди ошнасига, кейин лоқайд овозда давом этди. — Олдинга омад кулиб боқди, бир-икки йил деганда оғизга тушиб шуҳрат қозондим. Нафақат қариндош-уруғ, ёру биродарлар, ҳатто нотанишлар ҳам бошига қўядиган бўлди. Лекин кейин ишим аста-секин орқага кетаверди.

— Ҳа, энди ҳамма ҳажвичиларнинг ҳам қисмати оғир бўлади, — далда берган бўлди Холаев.

— Эй, тек ўтирасанми, йўқми?! — ижирганиб дўк урди Исмат. — Агар яна гапимни бўладиган бўлсанг, мана шу ваза билан калланга тушираман.

— Ачинмайсанми, биллурдан экан вазанг.

Исмат қайишқ илжайди, ҳазилнинг қадрига етарди у.

— Шундай қилиб десанг, ишим чапасидан кетавериб охири танг ахволга тушиб қолдим. Қариндош уруғлару ёру биродарлору бари бирин-кетин юз ўтираверди, ниҳоят ёлғиз ўзим қолдим. Мана неча йиллардан бери бирор кимса хонадонимга қадам ранжиди қўлмади. Шунинг учун бени сези кўрмайда севинчдан юрагим ёрилай деди.

— Нима, қариндош-уруғларингнинг арпасини хом ўрдингми, сендан ўз ўтиришадми?

— Қасбимнинг дастидан шу қўйга тушдим. Ҳали-ҳали эсимда, биринчи бўлиб аммам юз кўрмас бўлиб кетдилар. Қайсидир интермедияда йўловчилардан кира ҳақини оладиган, қайтимини бермайдиган такси ҳайдовчисининг устидан кулган эканман. Аммам келиб уйни бошларига кўтариб жанжал қилдилар. «Келиб-келиб кучинг менинг ўғлимга етдими, нима ёмонлик кўргандинг ундан, бутун оламга шармисор қилдинг», деб роса шангилладилар. Қарабсанки...

— Қариндошлик риштаси узилди?

— Бир ҳафтадан кейин ҳолам келдилар. Гап йўқ, сўз йўқ, нукул пиқ-пиқ йнглайдилар. Шум хабар эшитишдан кўрқиб, хол сўрагани юрагим бетламайди. Холамининг йнгиллари эса авжга чиқаверди. Ниҳоят юрак ютиб: «Тинчликми, холажон, уйдагилар эсон-омонми», деб сўрадим. Холам баттар хўнграб йнглаб юбордилар. «Ҳозирча эсон-омон, аммо мана энди ўзини бир нарса қилиб қўймас ади», дедилар. Асабий-

лашдим. «Сал тушунтириброқ гапиринг, хола, ким, нима қилиб қўяди?». Холам бўкиб-бўкиб йнгларидилар. «Қуёвим номусга чидолмай ўзини ўзи бир нарса қилиб қўйса, жиянинг бева бўлиб қолади... Сенинг дастидан, ҳаммаси сенинг дастидан! Шу ишни душмандан ҳам кутмаган эдим». Мен воқеага тушуна бошладим, ҳар қалай, «қандай ишни» деб сўрадим. «Қуёвгимна шўрликни, тороздан йигирма грамм уриб қолганини телевизорга чиқиб, жар солибсан-ку. Елғизгина кизимни бахти қаро қилдинг. Эри ўзини ўзи бир нарса қилиб қўяди ё кизимни ташлаб кетади». Мен ётиги билан: «Қуёвингиз нега ўзига олади менинг гапларимни, бу интермедия, фелетон эмас, исми-фамилияси йўқ. Гапим қўли эгри сотувчиларга қаратилган», дедим. Кошки тушунсалар. «Гапни бурма, айни мени танқид қилдилар деб айтиб қуёвим», дея яна хўнграй бошладилар. Шундай қилиб...

— Яна битта ришта узилди.

— Беш кундан кейин почтам келдилар. Аранг сўрашганларидан билдимки, яна қандайдир ишқал чиққан. Бетимга қарамай гапни узокдан бошладилар. «Энди мулла, биз қанча кўп топсақ сизнинг опангизга шунча яхши. Ҳа, бизникини ейдиган опангиз, қолаверса бола-чақаси ёйди. Борди-ю, пулгингиз кўпайиб кетган бўлса, опамни ҳам, саккизта жиянимни ҳам ўзим боқиб оламан десангиз, унда майли, мен ўз хоҳишим билан қамоққа бораверман». Мен кизиммасликка ҳаркат қилдим. «Хунук гап қилманг почта, бола-чақангизга ўзингиз бош бўлинг. Қамонгизни нима-си?». Почтамнинг кўзлари олақула бўлиб гутақиб кетди... «Мақсадингиз шу-ку сизнинг. Олдин студентлардан порча олаётганимни ўз кўзингиз билан кўринг, ўз кўлингиз билан тутинг, ана иннайкейин телевизорга чиқиб ногора чалинг». Хунубим ошди: «Почта, ахир сиз тушунган одамсини, бадий асар билан исм-шарифи ёзиллаган мақолани фарқ қиласиз... «Биламан, фарқига ҳам бораман, — деди почтам захарли киноя билан, — исми-шарифини судга гувоҳликка қақирлаганингизда айтасиз!»

Исмат чўнгатгани пайпаслаб сизгарет топти, гутақиб чуқур тортиди.

— Бир кун десанг Ҳафизахон деган аёл келди, қайнимнинг хотинининг опаси экан, эсласам, уч йил бурун тўйига борган эканман. Ҳамма унинг бойлигига ҳасад қилар эмиш, мен ҳам кўролмай телевизорга чиққолиб башарасига лой чаплаганман. Боқчадаги норасидаларнинг ризқига чанг солганимни бўйинга қўйиб бермасам, у дунё бу дунё тинч қўймас эмиш. Кечиринг, янглишдим, иккинчи

боқча тарбиячиларига тил теккизмайман, деб аранг кутулдим. Уша-ўша хотин авлоди уйимга қадам босмайди.

Исмат йнгламоқдан бери бўлиб қулди.

— Бу ёгини эшит, энг кизигини энг охирига олиб қўйганман. Бир кун кечга томон эшик гўмбурлаб тақиллаб қолди. Синдириб юбормасин деб югуриб бориб очдим. Қарасам остонада девкомат бир барзанги турибди, ўзи қоп-қора, конталаш кўзлари пиёладек-пиёладек. Велда белбоғ, белбоғига қилчидек келадиган пичоқ осиб олган. Қалтираётганимни кўриб азройил совуқ ишайди: «Қайроқ борми», деб сўради. Кўрқанда ақл қочар эканми, саволига дарров тушуна олмадим. Варзанги белбоғидаги қиндан пичоғини сугурди, «Тиғи ўтмаслашиб қолибди, чархлаб олмоқчи эдим», деди. Тилим танглайимга ёпишиб қолгандек яна жавоб беролмадим. «Мени танимадингиз чоғи, — ўзини таништирди қора ботир, — мен Жўки амакиннинг кўёвининг укаси бўламан. Қасобман...» Гарчи овози момақалдироқдек гулдурросли бўлса-да, мен гапнинг давомини эшитмадим. Миямга ҳунук фикр яшиндек урилди. Қасобларнинг қақри қаттиқ бўлади, одамми, молми калласини эрмакка шартта узиб ташлавиради. Битта интермедияда қасобларни танқид қилганим эсимга тушди-ю, хўшимдан кетишимга оз қолди. Ахволимни кўриб қасоб бўладигани бўлди, деб сал юмшади. «Дўконга ўтиб туринг, Эски Жунадаги гўшт растасидаман. Янги сўйилган қўйнинг тилидан қиркиб бераман», деб юпатди. Унинг бу сўзлари: «Уша мени танқид қиладиган тилингни қирқаман», дегандек бўлиб эшитилди. Ҳовлиқиб қолдим.

«Қасам ичаман, иккинчи... ҳар нарса бўлай агар, иккинчи қасоблар қақсида...» Гапим оғзимда қолди, қора ботир: «Бу кунингдан ўлганинг яхши, майнавоз!» дегандек совуқ илжайиб, хонани тарк этди. Ва...

— Ва Жўки амакин уруғ-аймоғи билан сени оқ қилди, — энди Холаевнинг ҳам кўнгли бузулиб кетди. Дўст экану, душман ҳам ачинарди Исматнинг ҳолига.

— Ҳай, қариндош уруғинг-ку аразлаб кетибди. Қўни-қўшнилари-чи, бирга ишлайдиган ҳам-қасобларинг-чи? Улар ҳам...

— Улар ҳам! Қўни-қўшнилари меникига қадам босмагани-босмаган, кейинги пайтда маҳалла-

ҲАҲУЗ

Ол ниқобинг ой юзингдин интизорингман ҳануз,
Гулшани ҳуснингни кўрмакка ҳуморингман ҳануз
Остонинг ястаниб хоки губорингман ҳануз
Заҳми хижрон бирла кўкси доғдорингман ҳануз
Мен асири зулфи сунбул мушкиборингман ҳануз.

Бир кўриб ҳуснингни бўлдим санга бундай мубтало.
Кеча-кундуз қилмишимдир ҳасратингда оху-воҳ,
Бир нигоҳи марҳамат қилмассан, эй нозик адо,
Васлингга етмак тиларман, ҳосил ўлмас муддао.
Ҳусн шоҳи, бандаи беъътборингман ҳануз.


Эй санам, ишқинг ўти бирла кабоб ўлди жигар,
Тийги хижрон бирла юз минг чок бўлди сийналар,
Андалибек одатимдир оху нолон хар саҳар,
Бир нигоҳе айламассан, беҳабардирсан магар
Кўз тутиб, эй гул, йўлингга беқарорингман ҳануз.

Эй назокат осмонин моҳи, базмим равшан эт,
Эй гули раъно, кўнгил боғим ўзингга маскан эт,
Эй малоҳат мулкнинг султони, арзимни эшит,
Зулми хижрондир кутаргил, сан менинг додима эт.
Орзу айлаб висолинг додхоҳингман ҳануз.

Шум рақиблар макрига алданмадингму, эй санам,
Ошиқинг Маҳбубий кўнглим босди шундоқ фикру ғам,
Марҳамат ўрнига доим манга айларсан ситам,
Санга ағёр ёр бўлмас токи ман ўлгунча ҳам,
Сақлабон куйингни ҳушёр посбонингман, ҳануз.



МАҲБУБИЙ



да бўладиган на бирорта тўй-ҳашамга, на бирорта маросимга айтилади. Елғизлатиб қўйишган. Маҳаллада ўн беш нафарча одам гап ердик. Виздан иноқ, биздан аҳил улфат йўқ эди. Нима ҳам бўлди-ю, кўрсатувларнинг бирини гап ейдиганларни кулги қилдим. Маҳалладаги ошнолар миямга ҳам келмади. Эртасига ҳамма кўшнилари мени туз еган тузликга тупурадиган кўрнамакка чиқаришди.

Артист халқини биласан, кўпчилиги тўйга юради. Сал овози бори кўшиқ айтади, ҳажвга мойилроғи қизиқчилик қилади, ўртани олиб боради. Мен хомкалла ўйламай-нетмай тўйма-тўй юрадиган отарчиларни ёмонлаб ўтирибман. Кейин адавимни едим, ҳамкасбларим ёпасига гаплашмай қўйишди. Номига салом-алиқ қилишди, лекин сезаман, қўйиб бера кўзимни ўйиб олишди, негаки атай устимиздан кулган деб ўйлашди, — Исमत хўрсинди, — Шунақа, оғайни, мендан юз ўтирмаган битта сен қолдинг! Аммо аминманки сени ҳам бирорта камчилигингни гапириб чиқсам, сен ҳам...

— Йўғ-е, жуда унчалик қоқоққа чиқариб қўйма одамни!

— Бўпти, агар қоқоқ бўлмасанг бирор қусурингни айт, янаги ҳафтада бўладиган кўрсатувда шарманда қиламан. Бўлмаса айт, кимни танқид қилай?

— Ўзингни, — бу сўз қандай

қилиб оғзидан чиқиб кетганини Холаевнинг ўзи ҳам сезмай қолди.

Исमत ажабланиб оғайнисига тикилди.

— Яхши фикр, буни қара, шу пайтгача миямга келмапти-я!

Таклифи ошнасига ёққанидан суюниб кетган Холаев жонланиб қайтарди:

— Инсоннинг энг зўр фазилатларидан бири — ўз устидан кула билиш. Қолаверса ҳеч ким сендан хафа ҳам бўлмайди.

— Рост айтсан, ўзимни ўзим танқид қиламан, биров «ғиринг» деб кўрсин-чи! — Исमत қиқир-қиқир кулди, унинг кулгиси аламли, азобли эди, — машқни ҳозироқ бошлаيمان.

У магнитофони олди, микрофони оғзига тутиб овозини ёза бошладди.

— Ҳадеб бировларнинг гийбатини қилавермай, ўзимни ҳам бир танқид қилмоқчиман, — Исमत нима деб давом эттиришни билмай, бир лаҳза жим қолди. — Хўш, ҳолисанилло айтганда, каммина фаришта эмаслар, бир талай нуқсонларим бор, авваламбор дурустгина лаганбардорман. Гоҳида бошлингиз бақириб берсалар ҳам, ҳақоратларни кул-култ ютиб, «миқ» этмай тураверман. Оғмачироқман. Мисол: халқ дардидан гапириб, тўрачи бошлиқларни дўппослаб юрган чоғларим мартабаси улуг бир акахо-

нимиз қақириб, қисиб юрсанг унвоннинг зўрини олиб бераман, деб шамма қилган эдилар, ипак оймдек юмшаб қолдим. Хўш, энди жузъий камчиликларга келсак, дурустгина ота бўлишимга қарамай, холдек-холдек кичик доғларим ҳам йўқ эмас, яъни масалан, узок муддатли сафарга борганда эркакчилик дегандек, жичча шўхлик... қилиб қўйганмиз. Аслида оиламизга, ишқимизга вафодормиз, руҳан покмиз, аммо жисмонан... Келинг, қўйинг, виждон тоза экан, тирноқ остидан кир қидириб ўлтириш шартмикин?

Исमत магнитофони ўчирди, савол назари билан ошнасига қаради.

— Қойилман, дарров шунча нарсани вайсаб ташладинг-а! — ростмана ҳайратланди Холаев. — Бу хомакиси, куруқ далиллар, кейин сайқал бериб интермедия ясайман, кулгили бўлмаса нархи бир тийин. Эшитиб кўрайлик-чи.

Исमत жуда паст овозда гапирган эди, шунинг учун магнитофони баландлатиб қўйди. Қунт билан тинглади. Қўнгли тўлмади чоғи, энасеи қотиб магнитофони ўчирди.

— Бадиият йўқ, Ҳали кўп жило бериш керак.

Шу пайт остонада уй бекаси пайдо бўлди. Е алҳазар, боғий оҳуде ювош жувон дарров шери модарга айланибди.

— Ҳали шўхман денг?! Вой, бу

одамнинг умр буйи садақатли бўлмаган, ишқимга хиёнат қилмайман, деб кўпирганларини-чи! Ҳақиқатда артист экансиз, артист экансиз, артистлик қилиб менгина соддани лақиллатиб юрган экансиз! Яхши бўлди, болалар кўпаймасидан мисингиз чиқди. Вақтида орани очик қиламиз. Сизга ортиқ халақит бермайман. Ишсафарда юриб кўнглингизга сиққанича шўхлик қилаверинг. Мени қидирманг.

Уй бекаси хўнграб йиғлаганича хонани тарк этди.

— Ҳой, менга қара, — Исमतнинг гапи оғзида қолди, кўча эшик шарақлаб ёпилди.

Аллақанча фурсат оғайнилар жим қолдилар. Холаев бошини кўтариб ошнасининг башарасига боқолмасди.

— Бу қандай кўргулик, — хаста овозда мингиллади Исमत, — хатто ўзимни ўзим танқид қилолмасам-а!

— Шунинг айтсанг-чи, — аранг овоз берди Холаев.

Бирдан Исमत сергак тортиб ўртоғига ўқрайди.

— Тўхта, ўзингни ўзинг танқид қил, деган ақл кимдан чиқди?!

Холаев қараса иш пачава, соат ўнга Термиз билан телефонда гапланишга буюртма берганини баҳона қилиб, бир зумда жуфтани ростлаб қолди.

Шундай қилиб шўр пешона Исमत сўнгги дўстидан на умр йўлдошидан ҳам ажради.

«ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИ БОШ МУХАРРИРИГА

Сизнинг 1989 йил 26 декабрдаги 192-алоқа хатингизга.

Ўзбекистон Компартияси Ғаллаорол район комитети «Гулистон» журнаlining 1989 йил декабрь ойи сонида босилган «Олтин бор қишлоқ ободми?» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан қуйдагиларни маълум қилади:

Мақсуд мақола 1989 йил 28 декабр куни бўлиб ўтган район партия комитетининг кенгайтирилган бюро йиғилишида муҳокама этилди. Йиғилишга қорхона, идора ва хўжаликларнинг раҳбарлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари фаоллари қатнашди.

Мақолада аҳолининг социал, маданий-маиший шароитини яхшилаш, қишлоқда турмуш маданиятини ошириш, ҳаётнинг зарур муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ масалалар кўтариб чиқилганлиги, келгусида район партия комитети амалга оширадиган ҳаракат дастури қайта қуриш, ошқоралик нуқтан назаридан очиб берилганлиги қайд этилди.

Бюро йиғилиши «Ғаллаорол» совхози директори В. Д. Дмитров, Ғўбдин қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Л. Усмонов, «Коммунизм» совхози директори Е. Холиқулов, Миразбулоқ қишлоқ Совети ижроия комитети раиси А. Войтўраев, К. Маркис номли совхоз директори А. Синдорев, Қўқбулоқ қишлоқ Совети ижроия комитети раиси А. Айнуқулов, Қўйтош қони директори Б. Маматов, Қўйтош посёлка Совети ижроия комитети раиси А. Худойбердиев, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг маданий ишлар бўйича раис Уринбосари А. Сариев ва бошқаларнинг социал масалаларни амалга оширишда хотиржамлик, бепарволик кайфиятига берилганликлари оқибатида медицина, коммунал, маиший ва савдо хизмати, транспорт ва алоқа иши граждандарнинг жиддий норозилигини келтириб чиқараётганлиги, меҳнатга қобилиятли қўлбал қишлоқларни ижтимоий-фойдала меҳнатга жалб этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиламаётганликлари кўрсатиб ўтилди.

Бюро йиғилиши йўл қўйилган хато-камчиликларни тузатиш юзасидан белгиланган ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, бундан бўён амалга ошириладиган иқтисодий ва сиёсий ишлар йўналишини, социал масалаларни тубдан ҳал этиб боришга қаратди.

Район территориясида капитал маблаглар ҳисобига 187 минг квадрат-метр, яқна тартибда 255 минг квадрат-метр уй-жой ва 8,5 минг квадрат-метр ҳажмда кооператив уйлар қуриб, фойдаланишга топширилади. Район территориясидаги мавжуд 100 дан зиёд катта-кичик қишлоқларнинг ҳозиргача 27 тасининг бош схемаси тайёрланди.

1990—1992 йиллар мобайнида қолган барча қишлоқларнинг замонавий лойиҳасини тайёрлаш режалаштирилди. Ҳар бир қишлоқда тиббий хизмат, савдо, ҳаммом, маиший хизмат шохобчалари бўлишига эришилади, мавжуд умумтаълим мактабларининг камида 40 фоизи замонавий биноларга эга бўлади, умумхалқ ҳашари йўли билан мактабларга қўшимча яна 200 та синфхона, 30 та устахона, 70 та ошхона қурилиб, 58 та ўрта мактабнинг барчасида отиш тирлари қурилади. Биргина шу йилнинг ўзида 2949 ўқувчига мўлжалланган 6 та мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси қуриб битказилди.

Ҳозирги кунда мавжуд 7 та хўжаликнинг ҳар бирида 2 тадан ўрта мактаб, иккита совхозда клуб, шунингдек болалар боғчаси қурилиши мўлжалланмоқда. Шу йилнинг ўзида Ғафур Ғуллом номи совхоз марказидаги 70 ўринли қишлоқ врачлик амбулаторияси Ғаллаорол шаҳар марказидаги дорихона, кексалар чойхонаси, универмаги қурилиши ниҳоясига етказилди.

Айни пайтда район қишлоқларининг тўлиқ ҳаммаси электрлаштирилиб бўлинган, салкам 70 фоиз уй-жойлар шиферланган, аҳоли пунктларини боғловчи тош йўллар қурилиб, район бўйича автобусларнинг айланма катнови вужудга келтирилган. Еки район территориясида жами 12 минг хонадон, шундан 4890 хонадон табиий ва 7211 хонадон баллонли газ билан таъминланган. 1995 йилгача яна 70 километр масофага газ ва 14 километрлик масофага водопровод қурувлари ётказилди. Мақолада тилга олинган Молтоп қишлоғини водопроводлаштиришнинг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда ва шу йил охиригача қишлоқ аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. Шунингдек, Совруқ қишлоғидаги мактаб кутубхонаси ва Ломоносов номи мактаб бинолари ремонт қилинади.

Шунингдек бу йил 74,1 километр масофадаги юқори кучлинишли, 101,4 километрдаги паст кучлинишли электр тармоқлари капитал соловдан чиқарилади, янитдан 400 телефон ва 100 та радионукта, 8 жойда савдо дўкони қурилиб фойдаланишга топширилади, 5 жойда фелдшерлик-акушерлик пунктлари қурилади.

Ўзбекистон Компартияси Ғаллаорол район комитети «Гулистон» журналада босилган танқидий мақоладан тегшли хулосалар чиқариб, бундан кейин бўлидиган ташкилий-сиёсий ишлар комплексини қишлоқда турмуш маданиятини яхшилаш, давр илгари сураётган ижтимоий вазибаларни бажариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради.

С. НАЗАРОВ,

Ўзбекистон Компартияси Ғаллаорол район комитетининг биринчи котиби



Рўзи ҚОДИРИЙ

УЧ ДАҲШАТ

Дилни хира этувчи зулмат, Берўшнотлик қопловчи қисмат, Тик қоматни букувчи қулфат, Устма-устлаб тушар мусибат, Доғу алам, ҳасрат, надомат — Уч даҳшатдан турилур фақат! Дуч келмасин унга ҳеч жонот, Гар йўлиқса гумдон шу захот, Юз ўғирар омад, бахт, нажот, Ғам лойига ботади ҳаёт. Фожиалар қайнар олма-он, Мотамхона бўлади жаҳон!

БИРИНЧИ ДАҲШАТ

Адолатсизлик — биринчи даҳшат, У бор жойда пайхон ҳақиқат, Уруглайди ғараз, хусумат, Шоҳлайверар игво, маломат, Тош ёдгирар ҳасаду тухмат, Авжга чиқар низо, адоват! У мавжудки, топталур ҳуқуқ, Ҳаво дудлик, нафаслар бўғиқ, Воғланар тил, этилур дудуқ, Оқ кўнгиллар хомуш ва сўник!.. Камситилур тер тўқувчи жон, Қадрсизланар, қилинар вайрон!.. Ҳақсизлик эзар унинг юрагин, Сўндирари ёниқ тилагин, Ўлдиради умид, истагин, Камқуч қилур белин, билагин! Азроилга ўқшар ноодил, Жисман, рухан қотилдир, қотил!.. Даҳшатдир у ҳаммадан ёмон, Хумпар, қаттол, баттол, беимон, Имон борга ҳужумда ҳамон, Умрин, пайин қирқар беомон! Унинг турган-битгани офат, Ушандан лат ёйди адолат! Халқ тақдирин қилади забун, Элолларга бермайди ҳеч кун, Ўзлари айш-ишратда кун-тун, Кези келса тўқар, ичар хун!.. Раҳбарликка минар ўғрилар, Ерга урилур поклар, тўғрилар! Севиш нима, садақат нима? Ватан нима, мухаббат нима? Самимият, диёнат нима? Муносабат ва ҳурмат нима? Дўстлик нима? Уқмас ноодил, Нокадир у бехиср бедил! Хиёнаткор жисмию жони, Манманликка қоришган қони. Риёкорлик қурби, дармони, Узис ёруғ кўрмас армони! Демак, учов қавму қариндош, Сотқинликдан тортишмайди бош! Уни кўрган зумда қиратинг, Тубсиз жарга кесақдек отинг! Хомийларин ўртанг, қуригинг, Ноҳақликни тамом йўқотинг! Чукур илдиэ отсин адолат, Тенг ростланар шунда барча қад!

ИККИНЧИ ДАҲШАТ

Хиёнатдир иккинчи даҳшат, Ундан жами қабих жиноят. Порахўрлик, ўғрилик одат, Унга дарғалик қилар хушомад. Четга чиқар инсофу уят, Давр сурар бадўй, бадният! Шундан зоглар ёзар қулочин, Ҳар нарсаинг топар иложин, Бошга кияр хонликлар тожин. Таҳқирланар қарчигай, лочин. Катакларга қамалур бургут, Мардоналик этилур нобуд! Ҳокимликда қузғун, қалхатлар, Қанот ёйиб яшар бадбахтлар. Қандин урар, яшнар, бадбахтлар, Тудалашиб яйар бадбахтлар. Замонанинг жиловин ушла, — Совғасизлар бурнига муштлаб! Қорани оқ демоклик шундан, Зардан либос қиймоқлик шундан, Ноҳақ ўтда қуймоқлик шундан. Диёнатсизлик ёзади соя, Уни хиёнат қилар химоя! Бахиллигу мурувватсизлик, Элу юртга мухаббатсизлик, Дўсту ёрга садақатсизлик, Меҳрисизлигу оқибатсизлик, Расволлик, беномуслик шундан, Хонлигу жоусулик шундан! Қанча-қанча оила вайрон, Эҳ, фарзандлар чекар ох, фиғон, Ютар тирик етимликда қон, Касаллик чирмар: бевақт берар жон!.. Доғ, аламлар хиёнатдандир, У ундаган жиноятдандир! Унинг умрин ўчирмай бўлмас, Жаҳаннамга кўчирмай бўлмас!

УЧИНЧИ ДАҲШАТ

Манманликдир учинчи даҳшат, Ундан одил чекар азият. У-ла яқсон инсоний қиймат, Йўқликка чўқар яхши фаилат, Сўнар шуъла, шуълавор нусрат, Бу заволдан аниқ далолат! Дўстим! Ундан жиркан, ҳазар қил, Жирканмасни: «наҳе босди!» дегил, «Эсин еди, адашди!» дегил, «Чукурликка улқоди!» дегил. Ношуд, ношукр санағил уни, «Бахти қаро» деб билғил уни! «Манманга завол, камтарга камол», Нечоғли теран, тўғри бу мақол, Манман умридан аримас завол, Заволда барбод иқбол, истиқбол! Уни сўнган, ўлган билғулик, Тирик мурдага қиёс қилғулик! Узин буюк бўлади манман, Дабдабавоз бўлади манман, Дағдағлар қилади манман, Ердмас кўкда елади манман, Одамларга боқар беписанд, Гўёки у ҳаммадан баланд! На салом берар, на сўрайди ҳол, Саломга алиқ йўқ, турар гов-мисол. Гердайиб қарар учраса да чол, Амалдорга доим қасди дол! Уқмас маънан тубанлигин у, Туғмас гумроғ, нодонлигин у! Унинг қасридан диллар бўлур гаш, Безор ундан, қочар меҳнатқаш, Нафратланар, қарғар захматқаш — Назида, у пастқашдан пастқаш! Яккамоҳов ҳисобланар у, Йўлдошдир гурбат, ғам, қайғу!.. Уни талтайган нуҳина бордир, Шу босдан жирканчлик ёдир, Нуҳинасин қирмоқ дарқордир, Наҳсиҳату вазълар декордир, Халойик, унга қарши тигни ол, Нуҳанасин тезроқ қира қол!

ЭЛ СЕВГАН АКТЁР

Истеъдод — маҳорат ва меҳнат чатишмаси бўлиб, уни ўзида мужассам этган кишиларгина халқ эъзози ва ҳурматига мушарраф бўладилар. Халқ ардоқлаган ана шундай улкан сўз усталари Юсуфжон Шакаржонов, Миршохид Мирзиёлов, Сойиб Хўжаев, Раҳим Пирмухаммедов қаторида бугунги кунда Ғани Аъзамовнинг ҳам ўзига хос муносиб ўрни бор. Бахтли тасодиф туйғайли умр йўлини санъатга боғлаган Ғани Аъзамов, мана, олтамиш йилдирки, Ҳамза номидаги Академик театр саҳнасида юзлаб ҳажвий образлар яратиб, мухлислари эътиборини қозониб келаётир. Узидаги санъатга бўлган кучли эътиқод, машаққатли ижодий меҳнатдан толмаслик, доимий изланиш, миллий удумлардан келиб чиқиб образни бойитиш Ғани аканинг актёрлик хислатларидандир. Албатта, булар бесамар кетмай, Ғ. Аъзамовни халққа манзур образлар яратган актёр сифатида танитди.

Ил бор Уйғуннинг «Қалтис ҳазил» драмасидаги Мамарасул образини яратиб эл оғзига тушган Ғани Аъзамов ўзини ҳажвий ролларга салоҳияти борлигини намоян қилди. Театр раҳбарияти унга энди ишонч билан кулгили ролларни топшира бошлади. Бу актёрнинг катта санъат йўлига кириб олганлигидан, ўзига хос ижодий йўлига эга эканлигидан далолат эди.

Ғ. Аъзамов талқинидаги табиийлик, ҳис-туйғуни ҳаракат билан боғлашдаги маҳорат ижро этган қатор ролларида ниҳоятда муваффақиятли чиққан. Масалан, «Бой ила хизматчи»да Ғ. Аъзамов ижросидаги устамон, айёр-фирибгар домла аслида драмада кичик образ сифатида берилган. Лекин актёр маҳорати туйғайли домла образи асарнинг халқчиллигини таъминловчи омилга айланган. Ғани ака домла характери очишда сўз, оҳанг, ижро ва ҳаракатни шунчалик моҳирлик билан боғлаб қўлайдики, бу томошабиннинг саҳна асарида талқин этилган воқеликка ишончини мустаҳкамлайди.

Ғани Аъзамовнинг босиб ўтган


ижодий йўлини назардан кечирсак, аниқ йўналишдаги изчиллик намоян бўлади. Бу Ғ. Аъзамов илк ижро этган К. Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» драмасидаги монтер йигитдан тортиб, то ўзбек театр солномасида энг мукамал ижро этилган роллардан бири — Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» комедиясидаги қоровул Мўмингача бўлган ҳажвий образлар галереясида. Бу ролларнинг умумий ўхшашлиги ҳажвийликка мойиллик бўлиб, булар Ғани Аъзамовни иқтидорли комик актёр дейишга асос бўлади.

Айниқса, театр мухлислари қалбидан муносиб ўрин олган «Олтин девор»даги қоровул Мўмин образи Ғани Аъзамовга қайта шухрат келтирди. Йиллар давомида театр саҳнасини тарк этмаган бу комедиянинг муваффақияти бош рол ижросининг маҳорати билан бевосита боғлиқдир.

Комедиядаги олтин вазвасига учраган Мўмин образини актёр бутун борлиги билан берилиб ижро этади ва жуда катта муваффақият қозонади. Олтин топиб олиб, тинчи бузилган Мўмин чол маънавий оламидаги салбий хусусиятларнинг ролини Ғани Аъзамов маҳорат билан — сўз, ҳаракат, ички ва ташқи ҳолат кўринишлари уйғунлигида очиб берди. Булар томошабинда бевосита Мўмин чол тақдирини аччиш ҳиссини уйғотиш билан бирга, унинг ҳатти-ҳаракатларида кулгили жиҳатларни бўрттириб кўрсатади. Бу рол Ғани Аъзамов ижодининг юксак чўққиси сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, Ғани Аъзамов «Кувёв»да Ғанивой, «Аяжонларим»да лектор Ашуралиев, «Қонли сароб»да Омонёр, «Келинлар қўзғолони»да катта ўғил, «Ревизор»да Добчинский, «Қутлуғ қон»да Қамбар чўлоқ каби ролларни ижро этиб, ўзбек театри саҳнасида қатор ҳажвий қуйма образлар ижодкори сифатида танилди.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғани Аъзамов кино мухлислари орасида ҳам машҳурдир. У «Мафтунингман» фильмидаги қувнок сартарош, «Икки дил достони»да-



Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофотининг лауреати Ғани Аъзамов қутлуғ 80 ёшда. Р. Нурибоев сурати

ги қорашоқ ва бошқа қатор фильмлардаги роллари билан ўзбек кино санъатининг ҳам ривожланишига муносиб ҳисса қўшди, томошабинлар хотирасида ўчмас из қолдирди. Ўзбек театри ва кино санъатини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Ғани Аъзамов Ўзбекистон ССР халқ артисти унвонига мушарраф бўлди. Ўтган 1989 йили эса Ғани Аъзамов Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик театри ва В. И. Ленин номи СССР халқлари дўстлиги са-

ройида қўйилган «Қутлуғ қон» спектаклидаги асосий ролларни ижро этган актёрлар қаторида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати бўлди.

Халқ меҳр-эътиборини қозongan актёр 80 ёшга тўлди. Биз эл ардоқлаган актёрни қутлуғ ёш билан муборакбод этиб, унга сиҳат-саломатлик ва янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Раззоқ КАРИМ



Қарши шаҳридаги М. Горкий номи ўрта мактабда амалий машғулотлар яхши йўлга қўйилган. Ўқитувчи М. Бозорова 10 синф ўқувчилари Шахноза Майжидова ва Ойбек Майжидовга компютерда масалалар ечишни ўргатмоқда.

Ш. Шаропов сурати

УҚИШНИ УРГАНДИНГИЗМИ?

ظهیرالدین محمد یابر
رباعی لریدن

**ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
РУБОУЙЛАРИДАН**

ای کل نی اوچون قاشینگده مین خوار اولدیم
یوز محنت و اندوه بیله یار اولدیم
وصلینک بیله بسیار میوندیم اول
حجرینک بیله عاقبت گرفتار اولدیم

Эй гул, не учун қошингда мен хор ўлдум,
Юз меҳнату андуҳ била ёр ўлдум.
Васлинг била бисёр севиндим аввал,
Ҳажринг била, оқибат, гирифтор ўлдум.

یاد ایتمسر*ایمیش کیشینی غرتده کیشی
شاد ایتمسر ایمیش کنکلنی محنتده کیشی
کنگلیم بو غریب لیکده شاد اولمهدی آه
غرتده سیویمنس ایرمیش البسته کیشی

Ед этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Гурбатда севунмас эрмиш, албатта, киши.

کنگلسی تيله کن مرادینغه يتسه کیشی
یا برجده مرادلرنسی ترک ایتسه کیشی
بو ایکسی میسر بولهسه عالمده
باشینسی الیب بیر ساریغه کیتسه کیشی

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Е барча муродларни тарк этса киши,
Бу икки муассар бўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

ای یار سینینک وصلینکده یتمک مشکل
فرخنده حدیشینگی ایشیتک مشکل
عشقینگی داغی بو طرف ایتک مشکل
باشینی الیبان هر ساری کیتک مشکل

Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушқил,
Фархунда ҳадисингни эшитмак мушқил.
Ишқингни доғи баргараф этмак мушқил,
Бошни олибон ҳар сори кетмак мушқил.

Машқ муаллифи
Ҳамид АБДУЛЛАЖОНОВ



طالع یوقی جانیمغه بلالیغ بولدی
هر ایشنی که ایله دیم خطالیغ بولدی
اوز یرنسی قویوب هند ساری یوزلندیم
وه وه نیتایمین نسی یوز قرالیغ بولدی

Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур,
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур,
Не навъ битай фироқу гурбат шарҳин,
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

هجران قفسیده جان قوشی رم قیلده دور
غریست بو عزیز عمرنی کم قیلده دور
نی نوع بیتای قران و غریست شرحمین
کیم کوز یاشی نامه نینک یوزین نم قیلده دور

Толиғ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди,
Ўз ерни кўюб Ҳинд сори юзландим,
Ваҳ-ваҳ нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

مشق معلقى حميد عبدالله جانوف

Оқилжон ХУСАН



— Мана, камина ҳам табиат муҳофазасига ҳисса қўшаяпмиз.



— Ҳали план тўлгани йўқ, тўхтаб тур! И. Зоиров чизган расмлар.

«Колхозимиз раиси қариндош-уруғларига томорқа учун ҳосилдор ерларни инъом қилаяпти, бегона колхозчиларга эса, шўрхок ер ажратилмоқда. Ҳурматли редакция, яхши ер олиш учун раиснинг чўтир қизига уйлансам қалай бўларкин?»

(Адолатсизликдан куйган деҳқоннинг мактубидан).

* * *

«— Илонга ўхшаб заҳарингизни сочманг, қизим, уят бўлади!

— Илоннинг заҳари сизга ўхшаганларга дори бўлади».

(Харидор билан қўпол сотувчи ўртасидаги айтишуви).

* * *

«Ернинг шўрини қуритамиз деб, ўзимизнинг шўримиз қуриб қолди, ёшуллилар».

(Мўйноқлик деҳқоннинг бир йиғилишида айтганлари).

* * *

«Ифлос нарсага қўл уриб, ўн йил ўтириб чикдим. Мана энди гуноҳларимни ювай десам, магазинларда совун йўқ».

(Тавбасига таянган кишининг баҳонаси).

* * *

«Куротдан қайтган хўжайин билан кўришмоқчи бўлган эдим, «касалман, эҳтиёт бўлинг», деб камтарлик қилдилар. «Майли хўжайин, жоним сизга садақа», деб ўпган эдим, грипш бўлиб қолдим».

(Садоқатли ходимнинг дегани).

* * *

«Маълумки шаҳар ҳавоси кундан кунга ифлосланиб бораётир. Шуни ҳисобга олиб, чекишни ташладим, носвойга ўтдим».

(Тушунган Мажарайиннинг гапи).

ТОРТАР ЖАЗОЛАРНИ

Қилиб қайта қуриш, биз қувладик ул норасоларни, Оғизда бир фаришта, аслида чин рўдаполарни. Ковушин тўғрилад қўйдик, у номард, юз қароларни, Маишатхўр, хотинбоз ҳам лўттибоз худнамоларни. Кетига, бошладик, теңдик казо ва ҳоказоларни.

Чикиб минбарга ҳар доим уриб кўксига сўзаларди, Кези келганда кулгайди, кези келганда бўзаларди, Тилида ўхшатиб, гўё элнга нафни кўзаларди, Бироқ нафсини ўйлаб ул ҳалол бир халқни тузаларди, Ажаб қилдик, улоқтирдик бу шум ният «даҳо»ларни.

Нуқул жумҳуриятта пахта эктирди бу «асл зот»лар, «Оқ олтин» деб заҳар ютирди деҳқонга касофатлар. Хазон айлаб одам умрин нишон олди бу офатлар, Сўриб элни зулук янглиғ қиларди айшу ишратлар, Қутулдик, хайрият, даф айладик охир бу балоларни.

Уларнинг дастидан Сайхун билан Жайхун қуриб қолди, Ҳаётбахш яккаю ёлғиз Орол ўрнини туз олди. Машаққатдан, касалиқдан одамлар чарчади, толди, Бу бебошлар элу юрт бошига, мотам, алам солди. Қочиб асло қутулмас, тортадир энди жазоларни.

Қаранг, ғафлат эмас мангу, забардаст халқим уйғонди, Қувонди дўсту ёронлар. Рақиблар бўлса кўп энди, Чўчиб эл қаҳридан қилган гуноҳ, касб-коридан тонди, Адолатга эди ташна одамлар, сал бўлса-да қонди, Насиб қилсин, шукр, кўрдик бу кутган рўшнамоларни.

Мурод КАЛОНХОНОВ

— Ассалому алайкум!. Автоинспекциянинг идорачаси шуми? — Келинг. Хўш, хизмат? Узингиз ким бўласиз?

— Бизми? Биз Мустафо Тешаевичнинг поччалари бўлаемиз. Демак, у киши қатори сизни ҳам қайничамиз десак бўлавереди-да, тўғрими?

— Майли, шундай ҳам дейлик. Нима хизматлари бор эди?

— Шу денг, жиянчангиз Қўрқмасвойга бир мошинча олиб берувдик. Ахир сиз ҳам унга тоға қатори бўлганингиздан кейин Қўрқмасвой ҳам сизга жиянча бўлади-да, тўғрими?

— Майли, шундай ҳам дейлик. Уша сиз айтган машинани рўйхатдан ўтказиш керами? Қанақа машина ўзи?

— Унча катта эмас, шу, битта «Жигули» ча олудик-да.

— Олиб келганмисизлар, рўйхатдан ўтказиб берайликми?

— Рўйхатдан-ку ўтказармиз-а, шу, бошқа бир илтимосча бор эди?

— Қанақа илтимос экан?

— Шу десангиз... жиянчангиз Қўрқмасвойга битта правача керак эди-да.

— Праванинг катта-кичиги бўлмайди-ку. Қани, Қўрқмасвойнинг ўзини қакиринг-чи... — Хўп бўлади, жиянчангизни ҳозир қакираман...

— Ие, «жиянча»миз кап-катта йигит-ку, яна... бўрсикдек семириб кетибди.

— Йўғ-е, ҳеч бўлмаса «букача» денг.

— Майли, букача ҳам бўлақолсин. Жиянимиз Қўрқмасвой права олиш учун ўқиганими ўзи?

— Ҳа, энди, Мустафо Тешаевич сиздек тоғачалари турганда ўқиб нима қилади. Ҳамама иш ўларингизнинг қўлларингизда-ку ахир. Жиянчаларингизга битта правача олиб бериш қийин эмас-ку...

— Машина ҳайдаб ўрганганми ўзи Қўрқмасвойнингиз?

— Ҳайдаш ҳам гапми? Ҳозир ҳам ўзи ҳайдаб келди мошинчани... Шундай ҳайдадики, ишонсангиз, ўнта-йигирмата мошиндан ўзиб кетдик.

— Кўп чакки иш қилибдилар «жиянчамиз» Қўрқмасвой. Аввало, ҳужжати йўқ одам машина рулига ўтирмаслиги керак. Иккиламчи, аҳоли зич ўрамларда умуман тез ҳайдаш мумкин эмас...

— Сизлардек тоғачаларига ишонади-да жиянчангиз. Сизларнинг мададларингизга суянмасак, кимга суянамиз... Хўш, ука, бизнинг илтимосчамиз нима бўлади?

— Қанақа илтимосча?.. Умуман, нега ҳамма нарсани кичкина қилиб, «ча-ча» деб гапираверасиз?

— Ҳа, энди... камтарлик-да, ука, озиб-ёзиб бир ишчамиз тушиб қолди сизга, йўқ деманг. Ука-ча!

— Камтарликми, кибр-ҳавоми?

— Худо сақласин, кибр-ҳавонинг кўчасига ҳечам қирмаганми. Агар у ёғини сўрасангиз...

— Бўпти. Сизлар билан узоқ гаплашиб ўтиришга вақт йўқ. Маслаҳат шундай: Қўрқмасвой аввал ҳужжат олиш учун ўқийдилар, йўл ҳаракати қоидаларидан, машина ҳайдашдан имтиҳон топирадилар. Ушандан кейин у кишига рул бошқариш ҳуқуқи, яъни права берилди...

— Унчага мошинчани ҳайдаб юраверсинми?

— Йўқ, мумкин эмас. Узингиз ўйлаб қаранг, бордию киши, яъни «жиянчамиз» Қўрқмасвойча правача олмасдан мошинчани ҳайдасалару авариячага учрасалар, ўзалару ёнидагилар ярадорча бўлиб қола, «жиянчамиз» турмачага ҳам тушиб қолишлари мумкин.

— Қўйинг-е, худо сақласин, ука... Туф-туф... Бир илтимосча билан келувдик, илож йўқми-а?

— Ҳозирча иложчаси йўқ...

ЛОФ

Жумавой лофчи ҳовлиқиб гап бошлади:

— Шу десангиз, ойнаи жаҳонда Кашпировскийни кўргандан кейин тўқсон беш яшар туғма соқов бувим тўсадан тилга кириб: «Яша ўғлим, Кашпировский!» деб юборса бўладими!

Улжабой лофчи қўлига рўмолча олиб, кўз ёшларини артки:


— Менинг хотиним ҳам ўн йилдан буй гапирмас эди, Кашпировскийнинг сеансига тўрт марта қатнагандан кейин тўтидай тилга кетди: мана, ўн беш кундан бери уни гапдан тўхта-толмай хунобман.

ЭНИГА: 3. Хеванинг Шахристон қисми, мейморлик ёдгорлиги. 6. Жанубий Уралда жойлашган вилоят. 8. Ўзбек халқ достони қаҳрамони. 13. Ҳашаматли қуркам бино. 14. Бўёқ саноатида ишлатиладиган суюқлик, органик бирикма. 15. Халқ оғзаки ижоди тури. 17. Шиддатли ёғин. 18. «Шашмақом» таркибидagi куйлардан бири. 19. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 21. Ўзбек халқ рақс куйи. 24. Табиат ҳодисаси, қор-ёғир аралаш кучли шамол. 26. Бирор нарсанинг замиридаги туб, муҳим маъно. 27. Ватанимиз фазокорларидан бири. 30. Қуш зотига мансуб қанотли жониворлар мажмуи. 31. Атоқли рус совет шоираси, «Тошкент шеърлари» туркуми муаллифи. 32. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири.

БЎЙИГА: 1. Шарқда нишонланадиган баҳор байрами. 2. Илмли киши. 4. Бинонинг олд томонидаги сержило қисми. 5. Жумҳуриятимиздаги кочилар шаҳри. 7. Ноз-неъматлар сероблиги. 9. Эришилган натижа, оқибат. 10. Узунқанотлилар туркумига мансуб, ерда юролмайдиган, учқур қуш. 11. Иттифоддош жумҳурият. 12. Ўзбекистон таркибидagi автоном жумҳуриятнинг туб аҳолиси, миллат. 15. XVII аср ва XVIII аср бошларида яшаб, ижод этган ўзбек шоири. 16. Миллий таом. 20. Сартарошлик асбоби. 22. Қаҳрамон шаҳар. 23. Маҳсулдор қўй зоти. 25. Ун икки мақом таркибидagi шўбалардан бири. 28. Наманган вилоятидаги ноҳия. 29. Жумҳуриятимиздаги вилоят.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

КРОССВОРД



2-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 5. Хазорасп. 6. Гондурас. 8. Уссури. 9. «Наштар». 10. Қатлама. 13. Метро. 14. «Гулёр». 16. Неғиз. 17. Гулбаданбегим. 20. Мақом. 21. Асбоб. 23. Чинор. 26. Олабута. 27. Кувайт. 28. Дуккак. 29. Дилафрўз. 30. «Кунларим».

БЎЙИГА: 1. Массажет. 2. Дақиқа. 3. Ананас. 4. Наршахий. 7. Далил. 11. Арғувон. 12. Келшик. 14. Гага. 15. Рубоб. 18. Манжурия. 19. «Топмадим». 22. Бобур. 24. Хотира. 25. Мадина.

8 МАРТ ҲАЗИЛЛАРИ

ЭГИЗАКЛАР

— Маҳаматжон, нега ҳар йили 8 Март байрамини хотининг билан ресторанда нишонлайсизлар?
— Чунки, Мейлихон иккаламиз, 8 Март куни туғилганмиз.

АЖОЙИБ СОВҒА

— Хотинжон, байрамга нима совға олиб келай?
— Уйга ўз оёғингиз билан юриб келсангиз, ўша менга совға.
Нормамат ТОҒАЕВ.

БИР ТАНҚИДЧИГА

(Ҳазил)


Мен ёзаман, сен чаплайсан унга доғ,
Қалам ҳақинг тайин: жонга ороман.
Ҳой, биродар, ўйлаб иш тут сал бундор,
Езмай қўйиб киссанг қуритвораман.

Эргаш ЕНДОШ



— Уртоқлар, бу йил от йили, шу сабабли отни қамчайверинглар!

И. Зоиров чизган расм



Қовоқнинг катта бўлгани яхши...

Р. Шагаев сурати (ЎзТАГ)

МУҚОВАДА

Биринчи бет:

«Баҳор таровати».

А. Губенко сурати

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Известия», «Труд», «Сельская жизнь» газеталари ва «Вокруг света» журналадан фойдаланилди.

Босмахонага туширилди 15.01.1990 й. Босишга рухсат этилди 15.02.1990 й. Р-17819. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 142079. Вуяуртма № 2409. А-121. Ваҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000. Тошкент — П. «Правда» кўчаси, 41.



Севги қиссаси.

Р. Нурибобов туширган суратлар



Қоржонтов тоғларида кўклам.

«Парвоз» ансамблининг яқсаҳон раққосаси



Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233

Т. Степанова туширган суратлар

Янги либослар

